

Ҳ. С. САЛИМОВ, Б. САЙИТҚУЛОВ, И. Ҳ. САЛИМОВ



**ВЕТЕРИНАРИЯ  
МИКРОБИОЛОГИЯСИ,  
ВИРУСОЛОГИЯСИ,  
ЭПИЗООТОЛОГИЯСИГА**  
ОИД ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ ВА МАЪЛУМОТНОМА



С-26

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**  
**Давлат ветеринария бош бошқармаси**  
**Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти**

**Ҳ. С. САЛИМОВ, Б. САЙИТҚУЛОВ, И. Ҳ. САЛИМОВ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ МИКРОБИОЛОГИЯСИ,**  
**ВИРУСОЛОГИЯСИ, ЭПИЗООТОЛОГИЯСИГА**  
**оид изоҳли луғат ва маълумотнома**

**«ТАФАККУР НАШИРИҲОТ»**  
Тошкент – 2013

УДК 372.893(072)

ББК 74.266.3

**САЛИМОВ, С.**

**Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли луғат ва маълумотнома.** С. Салимов ва бошқ. Тошкент: Tafakkur, 2013. 208 бет

**Тақризчилар:**

**Р.У. Булханов** – биология фанлари доктори

**И.Х. Маматқулов** – тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.И. Мавланов** – биология фанлари номзоди

Атамалар луғати ва маълумотнома олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ветеринария, зоотехния факультети ва бўлимлари талабаларига амалиётда, ветеринария ва тиббиёт мутахассисларига, чорвадор раҳбарларга ва фермерларга ҳамда шу соҳаларда илмий иш олиб боровчи тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Тошкент

УДК 372.893(072)

ББК 74.266.3

528515

Тошкент

ISBN 978-9943-24-70-4

© «ТАФАККУР», 2013

© С. САЛИМОВ, 2013

## СЎЗ БОШИ

Илм-фаннинг ривожланиши билан бирга ҳар бир соҳага оид атамалар кўпаймоқда. Бу ветеринария микробиологияси, вирусологияси ва эпизоотологияси фанларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар доимо янги сўзлар билан бойимоқда. Кейинги йилларда кўплаб вирус касалликлари (СПИД, висна-мэди, скрепи, энцефалопатия ва ҳоказо) пайдо бўлмоқда. Ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли касалликлари ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Булар, албатта, ҳозирги замон микробиологияси, вирусологияси ва эпизоотологияси фанларида замонавий тушунчалар ҳамда уларни ифодалайдиган атамаларга заруратни англатади. Шунингдек, мазкур атамаларни тўғри ва ўз жойида ишлатиш талаб қилинади.

Ҳозирги замон илм-фанининг ривожланиши турли давлат олимлари ва етук мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашиб туриши билан тавсифланади. Таҳлилий ўрганишлар кўпгина хорижий давлатлар адабиётларида атамаларнинг ҳамма вақт ҳам тўғри талқин қилинмаслигини кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда дарслик, ўқув қўлланмаларининг муаллифлари ҳам айнан бир атамага ҳар хил маъно бериб, талқин қилишяпти. Нагигада бир-бирига зид ёки маъноси бир-бирига ўхшамаган атамалар кўпаймоқда.

Юртимизда ветеринария фани ва амалиётида бундай атамалар луғати аввал ўзбек ва рус тилида тайёрланмагани ва чоп этилмагани эътиборга лойиқ. Ўзбек тилида илк бор нашрга тайёрланган ушбу луғатда ветеринария микробиологияси, вирусологияси ва эпизоотологиясига оид атамалар асос қилиб олинди. Шунингдек, луғатдан иммунология, микология ва бошқа фанларга тааллуқли атамалар ҳам жой олган. Изоҳли

луғатда атамалар алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган бўлиб, уларнинг рус, лотин, грек ёки инглиз, немис, француз тилларидан олингани кўрсатилган. Шунингдек, китобда юқумли касалликларнинг синонимларисиз асосий номлари келтирилган.

Ушбу китобда изоҳли атамалардан ташқари ҳайвонлар ва паррандалар юқумли касалликларининг ўзбекча, русча ва халқаро номлари, уларни эпизоотологик текшириш усуллари, касалликларнинг олдини олиш ва эпизоотияга қарши тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш йўллари, юқумли касалликлар диагностикаси, даволаш ва олдини олишга оид биопрепаратларнинг (вакциналар, иммун қон зардоблар, аллергенлар) номлари ва касаллик кўзгатувчиларга мавжуд антибиотикларнинг таъсир доираси ва маълумотнома ҳам акс эттирилган. Бу маълумотлар, айниқса, чорвачиликда ишлаётган чорва ва ветеринария мутахассисларига, фермерлар, кўйчилик ширкат хўжаликлари ва кўплаб катта корхоналарнинг чорвачилик бўйича ёрдамчи хўжаликлари раҳбарлари ҳамда шахсий хонадон эгаларига доимо фойдаланиш учун мўлжалланган.

Мазкур изоҳли луғат ва маълумотномани тузишда ветеринарияга оид тегишли хорижий адабиётлар, шунингдек, илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари ва монографиялардан фойдаланилди. Муаллифлар ушбу китоб юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганларга миннатдорчилик изҳор қилишиб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни келгуси нашрларда инобатга олишади.

**Муаллифлар**

## АТАМАЛАР

### А

**АБЕРРАЦИЯ** (лот. *aberratio* – *onic* – ўзгариш) – хромосомалар тузилишидаги ўзгаришлар.

**АБЛАСТИНЛАР** – ингибиторлар, организмдаги махсус бўлмаган химоя воситаси. Улар касаллик қўзғатувчисининг (вируснинг) кўпайишига тўсқинлик қилиш хусусиятига эга.

**АБОРИГЕН** (лот.*ab* – дан, *aborigenis* – бошдан бошлаб) – маҳаллий шароитларга яхши мослашиб олган ўсимлик ва ҳайвонлар, яъни муайян мамлакат ёки жойнинг туб ерли ҳаёт кечирувчилари.

**АБОРТИВ** (лот. *abortivus* – касалликка хос белгиларсиз) – касалликнинг қисқа давом этиб, енгил шаклда кечиши. Масалан, касалликнинг клиник белгилари аниқ юзага чиқмасдан ўтса (антибиотиклар, бактериофаглар, вакциналар, иммун зардоблар таъсирида ёки юқори резистентли организмда), бунга касаллик абортив, атипик ўтди дейилади (м: куйдирги, чечак, кутуриш, лептоспироз, микроспория, отларнинг сақов, ринопневмония, қорамол ва итларнинг ўлат, паррандаларнинг Ньюкасл, чўчқаларнинг грипп касалликлари).

**АБСОРБЕНТЛАР** (лот. *absorbentia* – ютувчи) – абсорбияловчи, ютувчи, сўриб олувчи, шимувчи моддалар. Масалан, активланган кўмир, эритроцитлар.

**АБСОРБЦИЯ** (лот. *absorbere* – шимиб олиш) – физикавий жараён бўлиб, газ, нур ёки суюқ муҳитдаги бирор модданинг ютувчи жисм (абсорбент)нинг бутун ҳажмига ютилиши.

**АВИДИН** (*avidinum* – оксилнинг таркибий қисми) – ҳайвон ва паррандалар тухумидаги гликопротеидлар бўлиб, улар истеъмол қилинганда сувда эримайдиган, биологик жиҳатдан актив бўлмаган мажмуа ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида авитаминоз “А” га олиб келади. А. анафилаксия ҳолатида аллергендек таъсир қилади.

**АВИДИТЕТ** (*фр. avidite, лот. aviditas* – очкўзлик) – антигелоларнинг антигенларга яқинлиги, иммун реакцияларнинг тезлиги ва тўлиқлиги ҳамда антиген ва антигелоларнинг бирикишидан ҳосил бўлган барқарор мажмуа.

**АВИДЛИ ШТАММЛАР** – антигелолар (иммун таначалар) билан шиддатли бирикувчи микроорганизм штаммлари.

**АВИДЛИК** (*лот. aviditas* ↑) – ёт таначалар, антиген ва унга қарши иммун таначалар (антигелолар) боғланишининг мустақамлик даражаси. Антиген ва иммун таначанинг бирикиш тезлиги, тўлиқлиги ҳамда мустақамлиги тушунчаларини ифодалайди.

**АВИНЛАШТИРИЛГАН ШТАММЛАР** (*лот. avis* – парранда) – парранда организмга мослашган, яъни унинг организмга кўп марта ўтказилган микроб штаммлари.

**АВИПОКСВИРУСЛАР** (*инг. pox disease* – одам ва ҳайвонлар чечаги) – Авипоксвирус оиласига мансуб, таркибида ДНКси бор, паррандаларда чечак касаллигини пайдо қилувчи вируслар.

**АВИРУЛЕНТ** (*гр. a* – инкор, *virulentus* – касаллик қўзғатиш қобилияти) – маълум микроорганизмлар ва вируслар тўдасининг белгили касаллик қўзғатиш қобилиятига эга бўлмаган хили. Организмда яшаши ва ривожланиши мумкин. Бу ҳолат музейларда сақланаётган вирус ва микроорганизмлар тўпламига хос бўлиб, кўп ҳолларда бу хусусиятдан вакцина тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Қорамол ўлати вируси учун «ЛТ», чўчка ўлати вируси учун эса «К» штаммлари хос ва ҳоказо. А. ҳолатидаги вирус ва микроорганизмлар мойил ҳайвон организмга ўтгач, кучайиб, вирулентлик ҳолатига ўтиши (касаллик қўзғата оладиган бўлиб қолиши) ҳам мумкин.

**АВИТАМИНОЗЛАР** (*лот. a* ↑, *vita* – ҳаёт, омиллар, *oses* – касаллик) – ҳайвонлар организмда витаминлар етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар: рахит, моддалар алмашинувининг бузилиши, пуштсизлик ва бошқалар.

**АВТОКЛАВ** (*гр. autos* – ўзи, *лот. clavis* – қулф, ёпқич) – лабораторияларда ишлатиладиган идишларни, махсус кийимларни, озуқа муҳитларни босим остида (2,5 атм. гача), тўйинган

сув буги таъсирида, 138°C да вирус ва микроорганизмлардан зарарсизлантирувчи асбоб.

**АВТОЛИЗ** (*sp. autos*†, *lisis* – эриш) – организм тўқималари таркибидаги ферментлар таъсирида хужайраларнинг ўз-ўзидан эриши, парчаланиши.

**АГАММА – ГЛОБУЛИНЕМИЯ** (лот. *a* – инкор) – қон зардоби таркибидаги оксилларда гаммаглобулин фракциясининг йўқлиги. Бу ҳолат умумий чидамликнинг пасайишига олиб келади ва организмнинг касалликка мойиллигини кўрсатувчи физиологик кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

**АГАР** – денгиз сув ўтларидан олинадиган маҳсулот, сувдаги эритмаси илвира ҳосил қилади. Микробиологияда микроорганизмларнинг яшаши ва кўпайиши учун қаттиқ, ярим суюқ озуқа муҳитлари тайёрлашда ва эмлаш воситалари (вакциналар) самардорлигини оширувчи модда сифатида ишлатилади.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** (лот. *agglutinatio* – ёпишмоқ) – корпускуляр заррачалар – вируслар, бактериялар, эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар, тўқима хужайралари, корпускуляр кимёвий фаол заррачаларнинг уларга қарши ҳосил бўлган антителолар – агглютининлар таъсирида бир-бирига ёпишиб қолиб, чўкмага тушиши.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ (бевосита)** – бевосита ёпишиш, қон зардобидаги иммун таначаларнинг микроблар билан ўзаро бирикш жараёни.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ (билвосита)** – билвосита ёпишиш. Иммун таначалар қизил қон таначалари воситасида антигенлар билан ёпишади. Бунда иммун таначалар қизил қон таначаларига (эритроцитларга) бирикади, сўнгра антигенлар билан ёпишади.

**АГГЛЮТИНАЦИЯЛОВЧИ ИММУН ҚОН ЗАРДОБИ** – иммун қон зардоби таркибидаги антигенга қарши иммун таначалар – агглютининлар бўлиб, улар махсус микроблар ёки вирусларнинг антигенлари билан ёпишади. Касалликка қарши махсус эмланган моллардан олинади. Микроблар ва вирусларни лабораторияда аниқлашда ҳамда юқумли касалликларга қарши курашда ишлатилади.

**АГГЛЮТИНИНЛАР** – иммун таначалар (антителолар), организмга антиген юборилганда, ҳайвон юқумли касалликдан тузалгач, унинг қон зардобиди пайдо бўлади. Агглютининлар антигенлар билан бирикиб, чўкмага тушади. Уларнинг ҳар хил турлари бор (агглютинин, лизин, опсонин).

**АГГЛЮТИНОГЕНЛАР** – организмда иммун таначалар агглютининларни ишлаб чиқариш жараёнини юзага келтирувчи ва улар билан бирикувчи антигенлар.

**АГЕНЕЗИЯ** – гавданинг айрим қисми, бирор аъзосининг тўқима ривожланмай қолиши ёки умуман бўлмаслиги, мажруҳ ҳомила.

**АГОНИЯ** (*гр. agonia* – кураш, жонгалаш, талваса) – ўлим олдидаги ҳолат. А. қисқа (бир дақиқали) ва узоқ давом этувчи (бир кеча–кундуз) бўлиши мумкин. Организмда ўлимга қарши содир бўладиган акс таъсир реакцияларининг мажмуаси.

**АГРАНУЛОЦИТЛАР** (*гр. a†, granulum* – донча, *лом. kytos* – хужайра) – цитоплазмасида дончалар (гранулалар) бўлмайдиган оқ қон таначалари: лимфоцитлар ва моноцитлар агранулоцитлар киради.

**АГРЕССИВЛАР** (*лом. aggredior* – хужум) – касаллик пайдо қиладиган микроблар яшаш жараёнида пайдо бўлувчи полисахарид табиатли моддалар, улар организмнинг ҳимоя кучини (фагоцитоз ва бактериализ ҳодисаларини) заифлаштиради. А. юқумли касаллик кўзгатувчисининг кўпайишига, уларни патогенетик хусусияти ошишига ёрдам бериб, касаллик юзага келишини ва тезлашишини таъминлайди.

**АДАМКЕВИЧ РЕАКЦИЯСИ** – сирка кислотаси қўшилган оксил эритмасига секин–аста концентрланган сульфат кислотаси қўшилади, ҳар икки суюклик туташган жойда қорамтир–бинафша ҳалқа ҳосил бўлади, бу оксил таркибида триптофан аминокислотасининг борлигидан далолат беради. АР оксиллар мавжудлигини аниқлаш учун рангли реакциядир.

**АДАПТАЦИЯ** (*лом. adaptatio* – мослашиш) – тирик организмнинг доимий ўзгариб турадиган ташқи муҳит шароитларига мослашиши, эволюцион ривожланишда юзага келган хусусият.

**АДГЕЗИЯ** (лот. *adhaesio* – ёпишиш) – икки ҳар хил қаттиқ ёки суюқ жисм юзаларининг бир–бирига ёпишуви. Масалан, ҳужайралар махсус идишларда ўстирилганда уларнинг идиш деворларига ёпишуви.

**АДЕНОВИРУСЛАР** (гр. *aden* – без, лот. *virus* – вирус) – таркибида ДНК сакловчи вируслар оиласига мансуб, ташки қобиғи йўқ, эфирга сезгир вируслар гуруҳи.

**АДЕНОМА** (гр. *aden*↑) – без тўқимасидан ўсиб чиққан чегараланган хавфсиз ўсма. Баъзан у хавфли ўсмага айланиши мумкин.

**АДЕНОСАТЕЛЛИТ ВИРУСЛАР** (гр. *aden*↑, лот. *satellites* – йўлдош) – аденовирусларга йўлдош, ДНКли, тўлиқ ривожланмаган, номукамал типдаги вируслар (*Parvoviridae* оиласи, *Dependovirus* авлоди). Улар ҳужайрада аденовируслар иштирокидагина кўпая олади, алоҳида касаллик кўзғатмайди.

**АДСОРБЕНТЛАР** – фармакологик моддалар бўлиб, улар бошқа моддаларни сўриб олади. Иммунобиологик текширишларда адсорбент сифатида бактерия ҳужайралари, қуритилган тўқималар (жигар), эритроцитлар ва бошқалардан фойдаланилади. Булар кўпинча ичакларда газ тўпланганда (метеоризм), заҳарланганда ичирилади ва тери касалликларида яраларга сепиш учун ишлатилади.

**АДСОРБЦИЯ** (лот. *ad* – га, *sorbere* – ютиш, шимиш) – газлар, буғлар ёки эриган моддаларнинг қаттиқ жисм ёки суюқлик сиртига ютилиши. Ютиб олувчи моддалар адсорбентлар дейилади. А. вирусларнинг ҳужайрага киришидаги биринчи босқич.

**АДЬЮВАНТЛАР** (лот. *Adjuvantia* – ёрдамчи) – келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил, махсус бўлмаган, антиген (ёт таначалар, вакциналар) билан биргаликда ёрдамчи сифатида ишлатиладиган моддалар. Иммуниетни кучайтириш ва узайтириш мақсадида вакциналарга, гиппериммун зардобларга ва анатоксин каби эмловчи препаратларга қўшилади.

**АЗОТ БАКТЕРИЯЛАР** (*Azotobacter*) – муҳити ўртacha ёки ишқорликка мойил маданийлаштирилган тупроқда эркин яшов-

чи, азоблар авлодига мансуб, азот тўпловчи бактериялар. Одатда таёқчасимон шаклда бўлиб, ҳаводаги азотни ўзлаштиради ва органик бирикмалар ҳосил қилади.

**АККЛИМАТИЗАЦИЯ** (лот. *acclimatisatio* – мослашиш) – ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўзи одатланмаган иқлим шароитига мосланиши. А. ҳайвонот турлари билан зотларининг тарқалиш чегарасини кенгайтиради.

**АКТИНОМИЦЕТЛАР** (*actinomycetes* – гр. *aktinos* – нур, *mykes* – замбуруғ) – нурсимон, замбуруғлар. Тузилиши жиҳатдан ҳам замбуруғлар, ҳам бактерияларга ўхшаш микроорганизмлар гуруҳи.

**АКТОМИОЗИН** – миофибрилларнинг оксилли мажмуаси бўлиб, 1:2,5 нисбатдаги актин ва миозиндан иборат, ўзига хос физик-кимёвий ва ферментлик хоссаларига эга. Шунинг учун гўштнинг етилишида аҳамияти катта.

**АЛЕКСИН** (гр. *alexo* – ҳимоя) – организмни ҳимояловчи комплемент.

**АЛИМЕНТАР** (лот. *alimentarius* – озуқа) – оғиз бўшлиғи ва озуқа орқали макроорганизмга касаллик кўзгатувчисининг тушиши.

**АЛЛЕРГЕНЛАР** (гр. *allos* – бошқа, *ergon* – таъсир) – антиген ёки гаптен табиатига хос, аллергияни юзага келтирувчи моддалар, организмнинг реактивлик ҳолатини ўзгартиради, яъни сезувчанлигини оширади. Улар ташҳис қўйиш учун туберкулёз (сил) ва бруцеллёз касалликларида қўлланилади.

**АЛЛЕРГИЯ** – организм реактивлиги ўзгариши билан боғлиқ ҳолда турли модда (аллерген)ларга сезувчанлигининг ошиши.

**АЛЛЕРГОЛОГИЯ** (гр. *logos* – таълимот) – организмда сезувчанлик ошиш жараёни – аллергиянинг юзага келиш сабабларини ўрганиб, шу асосда касалликни аниқлаш (ташҳис), даволаш ва оддини олиш усулларини яратиш ҳақидаги таълимот.

**АЛОПЕЦИЯ** (гр. *alopekia*) – сочининг, жуннинг тушиши, тўкилиши, айрим юқумли касалликларда кузатиладиган клиник белги (масалан, скрепи).

**АЛЪБИНИЗМ** (лот. *albus* – оқ, *ismos* – меъёрдан ташқари ҳолат) – меланин пигменти бўлмаслиги натижасида тери, соч қопламлари ва кўз шох пардасининг рангсиз, оқ бўлиши.

**АЛЪВЕОЛА** (лот. *alveolus* – чуқурча, катакча) – пуфакча (ўпкага оид).

**АЛЪТЕРАЦИЯ** (лот. *alterare* – ўзгариш, бузилиш) – ташқи таъсирлар (механик, иссиқлик, электр токи, кимёвий) натижасида ҳужайра, тўқима ва аъзолар тузилиши ва фаолиятининг ўзгариши.

**АЛЪФА – ВИРУС** – таркибида РНКси бор, *Alpha virus* авлоди, *Togoviridae* оиласига мансуб вирус. Одам ва отларда белгисиз, айрим ҳолларда асаб тизимининг анча бузилиши билан намоён бўлувчи касалликни келтириб чиқаради.

**АМАНТАДИН** – трициклик симметрик амин, адамантамин гидрохлорид. Грипп вирусларига қарши қўлланувчи, қобиғи бор вирусларнинг кўпайишига қаршилиқ қилувчи дори.

**АМИТОЗ** (гр. *a†*, *mitos* – ип, тола) – ҳужайранинг тўғридан-тўғри бўлиниб кўпайиш тури, бунда ҳужайра ядросининг ички тузилиши, митозга аксинча ўзгармаган ҳолда бўлинади.

**АМНИОН** (гр. *amnion* – сувли қобиғ) – бир қатор умуртқали ҳайвонларнинг эмбрион (ҳомила) қобигларидан бири.

**АМНИОН БЎШЛИҒИ** – эмбрион жойлашадиган, ичи суюқлик билан тўла қоғаноқ бўшлиғи.

**АМНИОН СУЮҚЛИГИ** – қоғаноқ суви. Эмбрионни ўраб турувчи ва уни ташқи муҳит таъсиридан сақловчи суюқлик.

**АНАБИОЗ** (гр. *ana* – қарши таъсир, *bios* – ҳаёт) – организмнинг вақтинча ҳолати бўлиб, бунда ҳаётий жараёнлар шу қадар суст кечадики, барча зарур ҳаётий белгилар бамисоли йўқдек туюлади.

**АНАБОЛИЗМ** (гр. *ana†*, + *bole* – ташламоқ) – ассимиляция, ташқи муҳитдан тушган моддаларнинг организмда ўзлаштириш жараёни, натижада бу моддалар организм тузилишига хизмат қилади ёки организмда запас – ғамланган ҳолда туради. А + катаболизм = метаболизмни ташкил этади. Катаболизм ва метаболизмга қаранг.

**АНАВАКЦИНАЛАР** – касаллик пайдо қилиш хусусияти йўқотилган микроорганизмларнинг яшаш жараёнида пайдо бўлган моддалари эвазига иммунитет ҳосил қилувчи вакцина.

**АНАКУЛЬТУРА** – касаллик кўзгатиш, организмни зарарлаш ва заҳарлаш хусусияти формалин ёки иссиқлик таъсирида йўқотилган, ammo антигенлик хусусиятини сақлаб қолган микроорганизм штаммлари.

**АНАТОКСИНЛАР** (*гр. ana* – тесқари, қарама-қарши таъсир, *anatoxina, orum, a* – бактерия токсинлари) – махсус ишлов берилгандан сўнг, ўзининг заҳарли хусусиятини йўқотиб, антиген ва иммуноген хоссаларини сақлаб қолган бактериал токсинлар.

**АНАФИЛАКСИЯ** (*гр. ana*↑ + *phylaxis, is f* – химоя) – организмга парентерал йўл билан аллергия юборилган заҳоти келиб чиқадиган аллергия реакциянинг тури.

**АНАФИЛАКТИК ШОК** (*фр. choc* – изтироб, беҳушлик) – организмнинг ўта оғир, ҳаёт учун хавфли ҳолати. Сезувчанлиги ошган организмга ёт бўлган оксил моддани парентерал юбориш натижасида юзага келади. А.Ш.да сезувчанликнинг ўта ошиш (анафилаксия) белгилари намоён бўлиб, кўпинча ҳайвоннинг ўлимига сабаб бўлади.

**АНАЭРОБЛАР** (*гр. anaerobia, orum*) – кислородсиз муҳитдагина яшайдиган микроорганизмлар, бактериялар, булар кластридиялар, энтеробактериялар.

**АНДРЕДЭ–ИНДИКАТОР** – углеводли озуқа муҳитларда ўстирилган бактерияларнинг ферментатив жадаллигини аниқлаш учун ишлатиладиган индикатор.

**АНЕРГИЯ** (*гр. an* – йўқлик, *ergon* – таъсир) – организмда айрим таъсир қилувчи омилларга жавобан юзага келувчи реакциянинг йўқолиши.

**АНЕСТЕЗИЯ** (*гр. an*↑, *aesthesia* – сезги) – периферик нейронлардан бош мия пўстлоғига хабарлар келиши тўхташи оқибатида сезувчанликнинг қисман ёки бутунлай йўқолиши.

**АНОРЕКСИЯ** (*гр. an*↑, *orekis* – иштаҳа) – иштаҳа йўқлиги. Кўпинча юқумли касалликларда учрайди.

**АНТИБИОТИКЛАР** (*гр. anti* – қарши, *bios*†) – маълум турдаги замбуруғлар ҳамда сунъий синтез қилинадиган, махсус кимёвий моддалар. А. бактерияларнинг ривожланишига йўл қўймайди ва уларни фаолсизлантиради.

**АНТИГЕН ДРЕЙФИ** – эволюцион ривожланиш жараёнида айрим вирусларнинг аста-секин, кам даражада ўзгариши. Бу жараён вируслар қобиг антигенининг ўзгариши билан намоён бўлади. А.Д. ветеринария тадбирлари самарасини пасайтиради.

**АНТИГЕН ШИФТИ** – вируслар антигенлик хусусиятининг таркибий ўзгариши. Бу касалликнинг жуда кенг тарқалишига сабаб бўлади. А.Ш.нинг асосий сабаби вирус ва бактериялардаги мутациядир.

**АНТИГЕНЛАР** (*гр. anti* †, *genes* – ҳосил қилиш) – организмга ёт бўлган ирсий ахборотга эга ва унга тушганда махсус оқсиллар (антителолар) ёки бошқа иммунологик жараёнлар (иммунологик хотира, толерантлик) ҳосил қиладиган оқсил табиатли, юқори молекулали органик моддалар (вирус, микроблар ва уларнинг маҳсули). А. жуда мураккаб бўлиб, бир қанча фаол қисмлардан ташкил бўлиши мумкин. А. организмда ёки пробиркада, ҳар қандай идишда антителолар билан бирикиш қобилиятига эга.

**АНТИГЕНЛАР (гетероген антигенлар)** – ҳар хил турларга хос антиген детерминантлари бўлган умумий антигенлар.

**АНТИГЕНЛАР (метаболит антигенлар)** – бактерияларнинг яшаш жараёнида ҳосил бўлувчи оқсил моддалар (метаболитлар).

**АНТИГЕНЛАР (мукаммал антигенлар)** – организмда антителолар (иммун таначалар) ҳосил бўлиш жараёнини юзага келтирувчи. Лимфоцитлар сезувчанлигини оширувчи (сенсбилизация), организмга бегоналик хусусиятлари мужассамлашган оқсилли моддалар.

**АНТИГЕНЛАР (нотукаммал антигенлар), гаптенлар** – таркибида оқсил бўлмаган моддалар. Антителолар билан бирикувчи, аммо организмда мустақил равишда антителолар ҳосил қила олмайдиган, кичик молекулали моддалар, липидлар, рибонуклеаза, инсулин ва шунга ўхшаш моддалар мисол бўлади.

Бундай моддаларга катта молекулали моддалар кўшилса, улар антигенга айланади ва антигело ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Гаптенларга қаранг.

**АНТИГЕНЛАР (протектив антигенлар)** (*лот. protectivus* – химояловчи) – организмда, айнан бир касалликка қарши антигелолар ҳосил қилувчи вирус ёки бактериялар антигени. Бу хусусият пневмострептококларнинг капсула антигенида мавжуд. Стрептококларнинг мукопротеин, стафилококларнинг альфа-протеинлари ҳам протектив хусусиятга эга.

**АНТИГЕНЛАР ГУРУҲИ** – бир гуруҳ ёки турдаги индивидларга хос бўлган антиген тури. Масалан, бу кўрсаткичга асосан одамлар қон гуруҳларига, бактериялар серологик типларга ажратилади.

**АНТИГЕНЛАР (ТРАНСПЛАНТАНТ)** – икки организм ҳужайра ва тўқималарининг бир-бири билан ирсий ўхшашлигини ёки бегоналигини билдирувчи антигенлар.

**АНТИГЕНЛИК** – организмга ёт модда (антиген) тушганда, ўзига қарши антигелолар ҳосил қилиш ва у билан бирикиш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткич. А. молекула вазни 10000 Д дан юқори бўлган оксилларга ва тарқоқ полипептид занжирли биополимерларга ҳамда Л – аминокислотали кўплаб дисульфид боғлам мавжуд учламчи тузилишга эга сунъий полипептидларга хос. Таркибида тирозин ва лизин аминокислоталари бор полипептидларнинг антигенлиги юқори.

**АНТИГЕННИНГ ФАОЛ ҚИСМИ (эпитоп)** – аминокислотали антиген – оксил қолдиқлари фазовий фаол қисмининг жойлашган жойи. Антиген сиртида бирикувчи майдон ҳосил қилиб, махсус антигело (иммун танача)нинг махсус маркази билан ёпишади ёки уни ёпиштирувчи гуруҳ сифатида хизмат қилади.

**АНТИГЕН ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ** – бактериялар ва вирусларнинг маълум шароитда антигенлик хусусиятини ўзгартириши, бунда айрим антигенлик белгилари йўқолади ёки янги белгилар пайдо бўлади.

**АНТИДОТ** (*гр. antidoton* – заҳар кучини қирқадиган модда ёки заҳарга қарши модда) – организмга тушган заҳар таъсирини

кучсизлантириш ёки уни батамом йўқотиш учун юбориладиган дори, модда.

**АНТИЗАРДОБ** (иммун қон зардоби) – таркибида аниқ касалликка қарши махсус антителолар бўлган қон зардоби.

**АНТИСЕПТИК ТАДБИРЛАР** (*гр. anti* ↑, *sepsis* – чириш) – жарроҳлик операциялари, яраларни боғлаш ва даволаш ҳамда диагностика ишларида касалнинг яраси, тўқимаси, аъзолари, организм бўшлиқларига вирус ва микроорганизмлар туширмасликка қаратилган тадбирлар тизими (кимёвий, физикавий, механик усуллар ёрдамида амалга оширилади).

**АНТИСЕПТИКА (биологик)** – бактерияларни ўлдирувчи, кўпайишини тўхтатувчи биологик моддаларни (антибиотиклар, бактериофаг, фитонцидлар) қўллаш ва организмнинг умумий чидамлилигини ошириш усули билан амалга ошириладиган тадбир.

**АНТИСЕПТИКА (кимёвий)** – умумий ёки маълум жойга таъсир қилувчи кимёвий моддани қўллаш йўли билан касаллик кўзгатувчисига қарши кураш.

**АНТИСЕПТИКА (механик)** – микроблар билан зарарланган ва ўлган тўқимани жарроҳлик усулида олиб ташлаш.

**АНТИТЕЛОЛАР** – организмга антигенлар тушганида қон ва тўқималарда уларга қарши пайдо бўладиган иммуноглобулинлар – иммун таначалар. А. организм ёки идишдаги антигенлар билан бирикиш хусусиятига эга. А. антиген организмга тушгандан кейин, лимфоид тўқиманинг плазматик ҳужайрасида ҳосил бўлади. А. фақат тегишли антигенга хос бўлади, яъни фақат ўзи ҳосил бўлиши учун юборилган антиген билан бирикиш (реакцияга кириш) хусусиятига эга. Юқумли касалликларнинг иммунологик диагностикаси антиген – антитело бирикиш реакциясига асосланган. Касал организмнинг қон зардобиди А. борлигини махсус вирус ёки бактерия антигени билан аниқлаш ўша ҳайвоннинг айнан шу вирус ёки бактерия билан касалланганлигини билдиради. А. 5 синфга: А, М, Е, Д ва Ж иммуноглобулинларга бўлинади. А. асосан организмга тушган бактерия ва вирусларнинг экзо – ва эндотоксинларини, илон, қора қурт захарини ва

бошқа антигенларни нейтраллайди (зарарсизлантиради). Иммуноглобулинларга қаранг.

**АНТИТЕЛОЛАР (авид антителолар)** – айнан бир хил антиген билан иккинчи марта мулоқотда бўлганда ҳосил бўладиган антителолар.

**АНТИТЕЛОЛАР (антигенга қарши антителолар)** – бактериялар ва вирусларни зарарсизлантирувчи антителолар.

**АНТИТЕЛОЛАР (вирусларни нейтралловчи антителолар)** – вирус билан бирикиб юкумли касал кўзгатувчини зарарсизлантирувчи антителолар.

**АНТИТЕЛО (гомологик антителолар)** – айнан бир антигенга қарши махсус антителолар.

**АНТИТЕЛО (гуморал антителолар)** – қон зардоби таркибидаги антителолар.

**АНТИТЕЛОЛАР (меъерий антителолар)** – қонда антиген юбормасдан мавжуд бўлган меъерий антителолар – изоаглютининлар.

**АНТИТЕЛО (моноклонал антителолар)** – антигеннинг кимёвий таркиби ва молекулаларининг жойлашувига қараб, танлаб таъсир қилувчи ўта махсус антителолар.

**АНТИТЕЛОЛАР (нишонланган антителолар)** – ўзидан нур тарқатувчи модда билан бириктирилган антителолар.

**АНТИТЕЛОЛАР (қуршаб олувчи антителолар)** – тўлиқ бўлмаган, бир валентли иммуноглобулинлар, одатдаги антителолардан молекуласида фақат битта фаол марказ борлиги билан фарқ қилади. Бу антителоларни фақат махсус Кумбс реакцияси билан аниқласа бўлади.

**АНТИТЕЛОЛАРНИНГ ФАОЛ МАРКАЗИ** – фақат махсус антиген молекуласининг комплементар сирти билан бирикувчи иммуноглобулин молекуласи сиртидаги марказ. Антителоларда битта ёки бир неча фаол марказ бўлади.

**АНТИТОКСИН БИРЛИГИ** – антитоксин фаоллигини билдирувчи бирлик, токсинни зарарсизлантирувчи қон зардобининг энг кам миқдори.

**АНТРОПОЗООНОЗЛАР** (*гр. anthropos* – одам, *zoon* – ҳайвон, *nosos* – касаллик) – одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлар гуруҳи (бруцеллез, туберкулёз, қутуриш, куйдирги, листериоз ва бошқалар). А. ҳайвондан ҳайвонга, ҳайвондан одамга ўтади. Одамдан ҳайвон касалланиши ҳам мумкин.

**АНТРОПОНОЗЛАР** (*гр. anthropos* – одам, *nosos* – касаллик) – фақат инсон учун хос бўлган юқумли касалликлар.

**АРЕАЛ** (*лот. area* – майдон) – ер қурасининг бир қисмида маълум бир турдаги ҳайвон, ўсимлик, бактерия ва вирус турларини учраши. А. айрим сабабларга кўра кенгайиши, кичиклашиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин.

**АРЕНОВИРУСЛАР** (*гр. arena* – қум) – РНКли, қобиғи ҳар хил шаклда, диаметри 85–120 мм бўлган вируслар. Уларда қумга ўхшаш доначалар мавжуд. А. кемирувчиларда белгисиз касаллик кўзгатади ва инсон учун ҳам хавфли.

**АРЕОМЕТР** (*гр. azeo* – кучсиз, нозик ва *metr* – ўлчайман деган маънода) – суюқликлар зичлигини аниқлашда ишлатиладиган асбоб.

**АРТЕФАКТ** (*лот. artis* – санъат, *faceze* – қилмоқ, бажармоқ) – микроскоп остида ёки бошқа усулда текшириладиган нарсага ишлов бериш жараёнида натижанинг сохталашуви.

**АРТРОГРИПОЗ** (*гр. arthrop* – бўғин, *gryposis* – қийшайиш) – ҳаракат органларининг тўқима касаллиги. Оёқ мускулларининг тўла ривожланмаслиги натижасида бўғимларнинг ҳар хил қийшайиб қолиши. Бу кўпинча вирус касалликларида (масалан, Акабана, Рифт водийси иситмаси ва Бессельсброн касалликларида) бўлади.

**АСКОЛИ РЕАКЦИЯСИ** (италиялик олим Асколи номи билан аталади) – преципитация реакцияси бўлиб, куйдирги касаллигига ташхис қўйишда ишлатилади (бунда тери ва тери маҳсулотлари текширилади).

**АССОЦИАЦИЯ** – табиий ёки махсус яратилган шароитда мавжуд бўлган ҳар хил турдаги микроорганизмлар гуруҳи.

**АСТЕНИЯ** (*гр. asthenia* – мадорсизлик) – организмнинг умумий кучсизлиги бўлиб, кўпгина оғир ўтувчи юқумли касалликларда кузатилади.

**АТАВИЗМ** (*гр. atavismus, i, m* – узоқ авлод) – организмда узоқ авлод–аждоғларга хос белги ва хусусиятларнинг пайдо бўлиши.

**АТАКСИЯ** (*гр. ataxia* – тартибсизлик) – ҳаракат мувозанатининг бузилиши, атаксия икки хил бўлади: турганда мувозанатининг ва юрганда ҳаракатнинг бузилиши.

**АТОНИЯ** (*гр. a†, tonos, ae, f* – таранглик) – суяк ва ички орган мускуллари тонусининг пасайиб кетиши, ҳолсизлик ёки мускул фаоллигининг йўқолиши билан характерланади.

**АТТЕНУАЦИЯ** (*лом. attenuatio* – кучсизлантириш) – вирус, микробларнинг муҳим фаоллигини табиий ёки атайлаб кучсизлантириш, юқумли касаллик қўзғатувчисининг касаллик пайдо қилиш қобилиятини камайтириш.

**АУТБРИДИНГ** (*гр. autos* – ўзи, *breeding* – қариндош) – бир хил зот ичида қариндош бўлмаган ҳайвонларни жуфтлаш.

**АУТОАЛЛЕРГИЯ** (*гр. autos†*) – организмнинг ўз ҳужайраси ва тўқимасидаги моддаларга қарши сезувчанлигининг ортиши.

**АУТОАНТИТЕЛО** (*гр. autos†*) – организмнинг ўзидаги антигенга жавобан ҳосил бўлувчи антителолар.

**АУТОВАКЦИНАЛАР** (*гр. autos†*) – организмнинг ўзидан ажратилган микроорганизмлардан, уни даволаш учун тайёрланган вакциналар.

**АУТОГЕМОТЕРАПИЯ** (*гр. autos†, гр. haema* – қон, *therapeia* – даволаш) – ўз қони билан даволаш. Вена қон томирдан қон олиниб, уни мускул ичига, тери остига юборилади. Бунда организмнинг ҳимоя кучи ортади.

**АУТОГЕН** (*гр. autos†, гр. genes* – ишлаб чиқариш) – организмнинг ўзида (эндоген) юз беради, яъни ташқаридан киритилмайди. Масалан, аутоантиген (ўз антигени) организмнинг ўзида юзага келган антиген; аутоантителолар – ўз организмда ҳосил бўладиган антителолар. Бу аутоантителолар ўз организмда парчаланган ёки ўзгарган оксилларга қарши ҳосил бўлади.

**АУТОИММУНЛАШ** (*гр. autos*†) – организмнинг ўзидаги антигенлар (аутоантигенлар) билан эмлаш.

**АУТОИНТОКСИКАЦИЯ** (*autos*†, *лот. toxicon* – заҳарланиш) – организмда микробларнинг модда алмашилиши ёки тўқималарнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган заҳарлар билан заҳарланиш.

**АУТОИНФЕКЦИЯ** (*гр. autos*†) – организмда яшаб, айрим шароитда касаллик пайдо қилиш қобилияти кучаядиган микроорганизмлар кўзгатадиган касаллик.

**АУТОСЕРОТЕРАПИЯ** (*гр. autos*† + *sero* – қон зардоби, *therapeia*†) – касал молни унинг ўзидан олинган қон зардоби билан даволаш.

**АУТОТРОФЛАР** – табиатда муҳим аҳамиятга эга бўлган анорганик моддаларнинг оксидланишидан энергия олувчи бактериялар. Улар қурилиш материалларини бузади, металлларни занглатади.

**АФЛОТОКСИНЛАР** – *Aspergillus* авлодига мансуб замбуруғлар ажратадиган кучли токсинлар.

**АФТАЛАР** (*гр. aphtai*) – терида, шиллик пардаларда суюклик билан тўлган пуфакчаларнинг ҳосил бўлиши. Масалан, оқсил касаллигида.

**АФТОВИРУСЛАР** – РНКли вируслар авлоди, *Picornoviridae* оиласига мансуб вируслар, масалан, оқсил касаллиги вируси.

**АФФЕКТ (бирламчи)** (*лот. affectus* – шу ердаги ҳолат) – тўқималарда тугилиб қолган патоген микроорганизмларга қарши организмда содир бўладиган акс таъсир, бундай ҳолат юқумли жараённинг бирламчи манбаларида вужудга келади (қуйдирги, ўлат ва бошқа касалликларда).

**АЦИДОЗ** (*гр. acidasis* – нордонлик, аччиқлик) – кислота анионларининг ортиқча тўпланиб қолишидан келиб чиқадиган, организмдаги кислота – ишқор мувозанатининг бузилиши.

**АЦИДОФИЛИЯ** (*гр. acidophilus, a, um* – нордонликни яхши кўрувчи) – сутни ацидофил организм (бактерия)лар таъсирида қаттиққа айланиши ҳамда ҳайвон ёки ўсимлик организми

хужайра ва тўқималарининг кислотали бўёқлар: эозин, фуксин ва бошқалар билан бўялиш хусусияти.

**АЦИДОФИЛЛИ СУТ** – ёш молларга бериладиган сут, қатикли парhez озуқа.

**АЧИШ ЖАРАЁНИ** (лот. *fermentatio, onis f* – ачиш, бижғиш) – органик моддалар, кўпинча углеводларнинг микроорганизмлар ёки улардан ажратилган ферментлар таъсирида ҳавосиз шароитда янада оддий бирикмаларга парчаланиш жараёни.

**АЭРОБ** (гр. *aer* – ҳаво) – микроорганизмларнинг фақат кислород билан яшаш фаоллиги: масалан, куйдирги бацилласи.

**АЭРОГЕН** (гр. *aero*↑, *genos* – келиб чиқиш) – микроорганизмлар ёки вирусларнинг ҳаво орқали бир организмдан иккинчисига ўтиши.

**АЭРОЗОЛЛАР** – моддаларнинг ҳаводаги майда зарраларга айланган ҳолати (30 мкм. гача).

**АЭРОТАКСИС** – бактерияларнинг муҳитдаги кислородга томон ҳаракати.

## Б

**БАБЕШ НЕГРИ ТАНАЧАСИ** – қутуриш касаллигида бош мия хужайраларида ҳосил бўладиган ва касалликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган таначалар (киритмалар).

**БАКТЕРИДЛАР** – анаэроб, спорасиз, йўғон ичакда яшовчи бактериялар оиласи.

**БАКТЕРИЕМИЯ** (гр. *bacterion* – бактерия, лот. *haima* – қон) – қонда бактериялар бўлиши. Кўпчилик инфекцион касалликларга хос.

**БАКТЕРИОЛИЗ** (гр. *bacterion*↑, *lysis* – эриш) – бактериялар қобигининг емирилиши, бу бактериялар цитоплазмасининг ташқи муҳитга чиқишига олиб келади. Бактериофаглар, бактериолизинлар, лизоцим ферменти шу хусусиятга эга.

**БАКТЕРИОЛОГИЯ** (лот. *bacterion*↑, *logos*↑) – бактерияларнинг морфологик тузилишини ва биологиясини, қишлоқ

хўжалиги ҳамда инсон ва ҳайвон касалликларидаги аҳамиятини ўрганадиган фан.

**БАКТЕРИОСКОПИЯ** – бактерияларни микроскоп ёрдамида кўриш, текшириш.

**БАКТЕРИОСТАЗ** (*гр. bacterion*†, *stasis* – тўхтатиш) – нокулай табиий ёки кимёвий омиллар таъсири натижасида бактериялар ривожланишининг тўхташи.

**БАКТЕРИОТРОПИНЛАР, ОПСОНИНЛАР** – микроорганизмларга махсус таъсир қилиб, фагоцитозни кучайтирувчи антителолар тури.

**БАКТЕРИОФАГ** (*гр.- phagos* – емирувчи) – бактерия хужайрасида яшаб, кўпайиб, шу хужайрани эритиб юборадиган ва бактериялар яшайдиган муҳитга емирувчи зарралар чиқариш қобилятига эга бўлган вирус.

**БАКТЕРИОЦИДЛИК** – ҳар хил физикавий, кимёвий ва биологик омилларнинг бактерияларни ўлдириш хусусияти.

**БАКТЕРИОЦИНЛАР** – ташқи таъсир остида бактерия хужайрасида ҳосил бўлиб, ирсий яқин бактериялар ривожланишини тўхтатувчи оксил модда.

**БАКТЕРИОЦИНОГЕНЛИК** – бир турдаги касаллик кўзғатувчи микроорганизмлар орасидаги қарама-қаршилик (антагонизм).

**БАКТЕРИЯ КОЛОНИЯСИ** (*лот. colonia* – тўпланиш) – бир турдаги бир ёки бир нечта бактерияларнинг қаттиқ, ярим қаттиқ озуқа муҳити юзасида ёки ичида кўпайиши натижасида ўзига хос шаклланиб тўпланиши. Колониялар ялпоқ, гумбазсимон, ичига ботган, юзи силлик (S шакл), ғадир-будир (R шакл), ўнқир-чўнқир ва чети текис, ўтмасланган (ағра бўлган), толасимон, бахмалсимон бўлиши мумкин. Колониялар шакли ҳам ҳар хил: айлана, юлдузсимон, дарахтсимон бўлади. Катталигига қараб: катта (4–5 мм), ўрта (3–4 мм), кичик (1–2 мм) ва пакана (1 мм. дан кам) бўлиши мумкин.

**БАКТЕРИЯ ТАШУВЧАНЛИК** – касаллик кўзғатувчи бактериянинг соғ ёки соғайган мол организмида маълум муддат да-

вомида мавжуд бўлиши. Ундай моллар касаллик қўзғатувчи манба бўлиб хизмат қилади.

**БАКТЕРИЯВИЙ ПРЕПАРАТЛАР** – юқумли касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва даволаш мақсадида қўлланиладиган дори-дармонлар. Турли бактериявий препаратлар тирик ва ўлик бактериялардан ва улардан ажратилган токсинлардан тайёрланади. Ишлатилишига кўра, улар профилактик (вакциналар, анатоксинлар, бактериофаглар,

риноген синфига мансуб флагеллин туридаги қисқарувчи оксиллардан иборат. Бактерия хивчинлари таркибидаги кимёвий моддаларда лизин, аспарагин, глутамин кислотаси, аланин ва бошқа аминокислоталар мавжуд. Хивчинлар бактериянинг танаси билан бириккан. Хивчинларни жойлашганига қараб ҳаракатчан бактериялар 4 та гуруҳга бўлинади: монотрихлар, амфитрихлар, лофотрихлар, перитрихлар.

**БАКТЕРИЯЛАР ЦИТОПЛАЗМАСИ** (*гр. kytos* – хужайра, *plasma* – плазма) – бактериялар хужайрасининг мураккаб коллоидлардан ташкил бўлган асосий қисми, яъни ядросини ўраб турган қобиғи остидаги цитоплазмаси. У оксиллардан, ферментлар, ДНК, РНК, органик ва анорганик моддалардан ва 70% сувдан иборат. Цитоплазма органоидлардан нуклеоид, рибосома, мезосомалар, ва ҳар хил киритмалардан иборат. Спора ҳосил қилувчи бактериялар цитоплазмасидан споралар ҳосил бўлади. Ҳайвон ва ўсимлик хужайраларидан фарқли ўлароқ Б.Ц. нинг мембранаси бўлмайти, фақат ташқи томондан цитоплазма мембрана билан қопланган бўлади.

**БАКТЕРИЯЛАР ҲАРАКАТИ** – бактериялар судралиб ва сузиб ҳаракатланиши билан характерланади. Судралиб ҳаракат қилувчи бактериялар таянч юзаси бўйича вақти–вақти билан хужайра шаклининг ўзгариши туфайли танасининг тўлқинсимон қисқариши натижасида секин ҳаракат қилади. Сузиб ҳаракат қилувчи бактериялар суюқ муҳитда хивчинлари ёрдамида эркин ҳаракат қилади.


**БАЦИЛЛА** (*лот. bacillus, i, m* – спорали) – таёқчага ўхшаш спора ҳосил қилувчи бактериялар; Масалан, куйдирги касаллигини кўзгатувчи бацилла.

**БАЦИЛЛА ТАШУВЧИ** – юқумли касалликлар кўзгатадиган бациллаларни олиб юрадиган ва уларни ташқи муҳитга ажратиб турадиган клиник соғлом ҳайвон.

**БЕЗЛАР** (*adenes, urn, m, pi* – без) – организмнинг у ёки бу системалари ишида аҳамият касб этувчи, ўзига хос ферментлар, гормонлар ишлаб чиқарувчи аъзолар.

**БЕККАРИ ЧУҚУРИ** – ўлган ҳайвонларнинг танасини

БЕККАРИ ЧУҚУРИ



маълумотларнинг ишончли эканлигини математик ҳисоблаш усуллари билан исботлаш.

**БИОПСИЯ** (*гр. bios*↑, *opsis* – кўриш, қараш) – касалликни аниқлаш мақсадида тирик органлардан бир бўлак намуна кесиб олиб, уни микроскоп остида текшириш.

**БИОСИНОВ** (*гр. bios*↑, *probatio, onis, f* – синаш) – ҳайвонлардан ажратилган касаллик қўзғатувчи микроблар ёки вирусларни шу касалга мойил бошқа ҳайвонларга юқтириб, уларни касаллантириш, яъни биологик синов ўтказиш. Б. юқумли касалликка тўғри ташҳис қўйишда, тажриба йўли билан касаллик пайдо қилишда, касаллик қўзғатувчисини тоза ҳолда ажратишда ишлатилади.

**БИОТЕРМИК ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ** (*гр. bios*↑, *therme* – иссиқлик) – гўнгни биотермик усул билан зарарсизлантириш. Бу ҳолатда гўнгнинг ўғитлик хусусияти ошади ва зарарли микроорганизмлар тўлиқлигича нобуд бўлади.

**БИОТЕХНОЛОГИЯ** (*гр. bios*↑, *techne* – санъат, усталик, *logos*↑) – биологик тизим яратишда ёки илмий ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган махсус технологик усуллар мажмуаси. Б. биологиянинг бир бўлими бўлиб, биологик фаол моддаларни (витамин, аминокислоталар, дориворлар, антителолар, интерферон, инсулин, гормонлар, ферментлар, оксиллар) саноат асосида ишлаб чиқаради, яъни фан ютуқларини ишлаб чиқаришга биотехнологик усуллар ёрдамида жорий қилади. Б. қишлоқ хўжалигида, қимё саноатида, энергетикада, тиббиёт ва ветеринарияда қўлланилади.

**БИОТОП** (*гр. bios*↑, *thopus* – жой) – тирик организмлар яшайдиган, шароити бир хил ернинг муайян юзаси.

**БИОФАБРИКА** – ҳайвонлар касалликларининг олдини оладиган ва даволайдиган биопрепаратлар тайёрловчи корхона.

**БИОФИЗИКА** (*гр. bios*↑, *physis* – табиат) – физикавий, қимёвий ҳодисалар, шунингдек, ташқи муҳит физик омилларининг тирик организмга таъсирини ўрганадиган фан.

**БИОФИЛЬТР** (*гр. bios*↑, *filter* – сузма) – ифлосланган оқар сувларни тозалайдиган қурилма. Бу қурилма юзасида майда



**БУНЬЯВИРУСЛАР** – *Bunyaviridae*, яъни буньявирус оиласига мансуб 200 дан ортиқ вирусларни бирлаштирувчи қон сўрувчи ҳашаротлар орқали ҳайвон ва одамларга ўтадиган касалликларни кўзгатади (масалан, Рифт иситмаси, Найроби касаллиги ва бошқалар).

**БУЮМ ШИШАСИ** – қалинлиги 2–3 мм, эни 2,5 см ва бўйи 5 см бўлган шиша бўлиб, микроскопик текширишлар ўтказишда, вирусологик, бактериологик, гематологик, гельминтологик ва гистологик препаратларни тайёрлашда ишлатилади.

## В

**ВАКУОЛА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ВИРУС** – папавириде авлодига мансуб, ҳужайраларнинг морфологик хусусиятини ўзгартирувчи вирус. Улар ҳужайрада бўшлиқ ҳосил қилади.

**ВАКЦИНА** (лот. *vaccinum, f, n*) – махсус биологик препарат бўлиб, касаллик кўзгатувчиларидан тайёрланади. Асосан касалликнинг олдини олиш учун ишлатилади.

**ВАКЦИНА (алиментар вакцина)** – оғиз орқали юбориладиган, озуқа, сувга қўшиб молга бериладиган ёки ғилоф, зонд билан овқат ҳазм қилиш йўли орқали юборадиган вакцина.

**ВАКЦИНА (аэрозоль вакцина)** – нафас йўллари орқали юбориладиган вакцина. Бунинг учун САГ асбоби билан вакцина суюқлиги босим остида ҳаво заррачаларига айлантирилади. Ҳайвонлар ўша ҳаво заррачалари билан нафас олади ва эмланган ҳисобланади.

**ВАКЦИНА (депонент вакцина)** – таркибига секин сўрилувчи моддалар (аччиқтош, алюмин гидроксиди, ёғ эритмалари) қўшилган вакцина.

**ВАКЦИНА (моновалент вакцина)** – битта юқумли касаллик кўзгатувчи антигенидан тайёрланган вакцина.

**ВАКЦИНА (поливалент вакцина)** – бир неча юқумли касаллик кўзгатувчи антигенидан тайёрланган вакцина.

**ВАКЦИНА (тирик вакцина)** – кучсизлантириш ёки заифлатиш туфайли касаллик пайдо қилиш хусусиятини йўқотган,

аммо иммуногенлик хусусиятини сақлаган касаллик қўзғатувчиларидан тайёрланган вакцина.

**ВАКЦИНА (фаолсизлантирилган вакцина)** – микроорганизмлар ва вирусларнинг антигенлик хусусиятларини сақлаган ҳолда уларнинг инфекциян фаолиятини кимёвий ёки физикавий ишлов бериш йўли билан бутунлай йўқотиб тайёрланган вакцина.

**ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКА** – юқумли касалликнинг олдини олиш мақсадида вакцина билан эмлаш.

**ВАКЦИНОТЕРАПИЯ** – вакцина билан даволаш.

**ВЕЗИКУЛА** (лот. *vesicula, ae, f* – тошма-пуфакча) – тери тошмаларининг дастлабки морфологик элементларидан бири, тери ташқи қавати (эпидермис)да экссудат (суюқлик) тўпланишидан ҳосил бўлган пуфакча.

**ВЕНА** (лот. *vena, arum*) – қонни орган ва тўқималардан юракка элтувчи қон томирлар.

**ВЕРТИКАЛ ЎТИШ** – касаллик қўзғатувчисининг бир авлоддан иккинчисига оғиз сути, уруғ, тухум ёки бачадон орқали ўтиши. Масалан, пуллороз, лейкоз, Ньюкасл ва бошқа касалликларда кузатилади.

**ВЕТЕРИНАРИЯ** (лот. *veterinarius* – ҳайвонларни даволаш) – ҳайвон касалликларининг олдини олиш ва уларга қарши курашда илмий асосланган усулларини, даволаш масалаларини, моллар маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек, инсонларни ҳайвонлар ва одамлар учун умумий бўлган касалликлардан ҳимоя қилишни ўрганадиган фанлар мажмуаси.

**ВЕТЕРИНАРИЯ ГУВОҲНОМАСИ** – бир жойдан бошқа туманга ёки вилоятга олиб кетилаётган ҳайвонлар, уларнинг маҳсулотлари, ем-хашаклар юқумли касалликлар хусусида соғлом худуддан чиққанини тасдиқловчи ҳужжат – ветеринария сертификати.

**ВЕТЕРИНАРИЯ–САНИТАРИЯ КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ ХОНАСИ** – одамларнинг уст-бошлари, оёқ кийимлари, транспорт ва идишлар ветеринария-санитария қондалари асосида зарарсизлантириладиган махсус хона. Юқумли касаллик қўзғатувчиси би-

лан ишловчи биофабрика, илмий-текшириш ташкилотларининг махсус лабораторияларига ёки чорвачилик фермалари худудига кириш жойида бўлади.

**ВЕТЕРИНАРИЯ – САНИТАРИЯ ЧИҚИНДИСИ ЗАВОДИ** – ўлган ҳайвонларни, чиқиндиларни йўқотиш ёки озуқа ва техник маҳсулотлар (гўшт-суяк уни, техник мой ва б.) учун уларни қайта ишловчи корхона.

**ВЕТЕРИНАРИЯ – САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯСИ** – деҳқон бозорларида ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини санитария ҳамда гигиена жиҳатдан текширадиган давлат ветеринария муассасаси. Бу муассаса зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва унда тегишли текширишлар ўтказиладиган бактериология, кимёвий, токсикологик, гистологик ва радиобиологик бўлимларга эга бўлиши шарт.

**ВЕТЕРИНАРИЯ–САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ** – ҳай-

**ВЕТЕРИНАРИЯ ХАБАРЛАРИ** – хавfli касаллик чиққанида унга қарши кўрсатилган тадбирлар ҳақида юкори ветеринария ташкилотига бериладиган хабарлар.

**ВЕТЕРИНАРИЯ ЧЕКЛАШЛАРИ** – хўжаликда, туманда, вилоятда юкумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик учун қўлланиладиган чеклаш тадбирлари. Бундай тадбирларнинг жиддий шакли карантин ўрнатишдир.

**ВЕТЕРИНАРИЯ ШИФОХОНАСИ** – касал ва касалликка гумон қилинган ҳайвонларни алоҳида ёки тўда қилиб сақлаш ҳамда уларни даволаш учун махсус жиҳозланган бино.

**ВЕТЕРИНАРИЯВИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ** – ветеринариянинг бир қисми бўлиб, ҳайвонлар ва одамлар учун умумий бўлган касалликларга қарши кураш олиб боради ва чорвачилик махсулотларининг сифатини назорат қилади.

**ВЕТЕРИНАРИЯДА СТАНДАРТЛАШ** – ветеринария соҳасида унинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида ўрнатиладиган ва амал қилинадиган қоидалар. Масалан, чорвачилик махсулотларига, ветеринария дори-дармонларига нисбатан қўйилган талаблар.

**ВИБРИОЗ** (лот. *vibriones, onum, m, pi*) – вибриоз бола ташлаш, йўлдош ушланиб қолиш. Қорамол, қўй-эчкилар, камдан-кам ҳолларда чўчқаларда учрайдиган юкумли касаллик, қисирлик, вагинит (қин яллиғланиши) ва метрит (бачадон яллиғланиши) билан намоён бўлади.

**ВИБРИОНЛАР** (лот. *vibrio*) – вибрио авлодига мансуб, проп. бийиқис бийиқисин қалта дининиз оғилган ёки тўғри таъуна

**ВИРИОНЛАРНИНГ ЁПИШУВИ** – вируслар кўпайиши биринчи босқичида вирионларнинг электростатик кучлар таъсирида хужайра қобиғига ёпишиши.

**ВИРИОНЛАР ЛИПИДЛАРИ** – вирионлар таркибидagi ёғсимон моддалар. Асосан мураккаб тузилишли вирусларда бўлади.

**ВИРИОНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ** – оддий вирусларнинг нуклеокапсидлари (ядро қобиғлари) «яланғоч», изометрик ёки таёғчасимон (ипсимон) шаклда бўлади. Уларнинг тузилиш белгилари бўлмайди. Мураккаб вирусларнинг бир ёки икки қават кўшимча қобиклари (мембраналари устида суперкапсид иккинчи қатлам капсидлар) бўлади. Бундай вируслар яхши ривожланган, морфологик шаклланган тузилишга эга.

**ВИРИОНЛАР ЎЛЧОВИ** – одатда вирионлар 20-350 (400) нм. гача бўлади.

**ВИРИОННИНГ ДЕПРОТЕИНЛАНИШИ** – вирионнинг ечиниши, яъни юкумли нуклеин кислотасининг вирус қобиғидан ажралиш жараёни.


**ВИРИОННИНГ КИМЁВИЙ БИРЛИГИ** – вирионнинг морфологик тузилиш бирлигини ташкил қилувчи айрим полипептидлар (капсомерлар).

**ВИРОГЕНИЯ** (*лот. vira†, genus* – ген, ҳосил бўлиш) – вирус геномининг хужайра геноми билан кўшилиш феномени. Бундай хужайра бўлинганда ҳар икки геномда ҳам вируслар бўлади. Масалан, лейкоз вируси, ўсма пайдо қилувчи РНКли вируслар.

**ВИРОЗЛАР** (*лот. vira†, oses* – касалликни билдирувчи кўшимча) – вируслар қўзғатадиган касалликлар.

**ВИРУЛЕНТЛИК** (*лот. virulentus* – захарлилик) – муайян микроб ёки вирус штаммининг касаллик қўзғатувчанлик даражаси. В. ҳайвоннинг чидамлилигига ва уни зарарланиш шароитига боғлиқ. В. микроб ва вируснинг касаллик қўзғата олиш хусусиятларига: юкумлилиги, ҳимоя воситаларини енга олиш қобилияти, макроорганизмда нечоғлик тез кўпайиб, захарли нарсаларни ҳосил қилишига ҳам боғлиқ. Бактерияларнинг асосий

вирулентлик омиллари бўлиб экзо ва эндотоксинлар, заҳарли антиген компонентлари (масалан, грамм билан бўялмайдиган микробларнинг С – антигени), агрессивлар, капсула ҳосил қилиш, уларнинг ферментлари (лецитиназа, фосфатаза, гиалуро-нидаза, фибринолизин, стрептокиназа, ДНКаза, декарбоксилаза, уреаза) ҳисобланади. Вирусларнинг В. омиллари бўлиб, нуклеин кислоталари ҳисобланади. В. тажриба ҳайвонларида аниқланади. Уларнинг ёши, тури, тирик вазни бир хил бўлиши шарт. В.ни физикавий, кимёвий омиллар таъсирида сусайтириш мумкин. Вируснинг вирулентлигини товуқ эмбрионида, чидамлироқ ҳайвон организмда, сунъий ўстирилган хужайраларда ўстириб қамайтириш мумкин.



лик қўзғатувчилар ҳисобланади ҳамда тирик ҳужайралардагина яшайди. Шунинг учун уларни ҳужайраларнинг ирсий паразити дейилади. В. микроорганизмлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади: таркибида ДНК ёки РНК бўлади, бактериологик филтёрлардан ўтади; мустақил оксил синтез қилмайди; ўзи кўпая олмайди, мустақил нафас олмайди, озикланмайди. В. кўпайишини ҳужайралар амалга оширади, яъни вирус оксили ва РНК ёки ДНКси ҳужайранинг ҳар хил жойида ҳамда ҳар хил вақтда ҳосил бўлади ҳамда улар бирикиб, вирус заррачасини вужудга келтиради. В.нинг ўлчами жуда кичик бўлиб, 20 нм дан 400 нм гача, ДНК мол. массаси эса  $1-10^6$  дан 250 млн. дальтонгача бўлади. В. 19 оилага бирлашган бўлиб, шуларнинг 7 таси ДНКли ва 12 таси РНКли вируслар. В. ҳаётнинг энг пастки шакли бўлгани учун ердаги органик дунёнинг эволюция қонунларига амал қилади.

**ВИРУСЛАР ГЕНЕТИКАСИ** – вируслар ирсияти ва ўзгарувчанлигини ўрганувчи фан.

**ВИРУСЛАР ГИБРИДИЗАЦИЯСИ** (лот. *hybridisatio* – ўзаро чатишуви) – вируслар чатишуви бир вирус геномида бир неча аждод вируслар ирсий хусусиятларини мужассамланиши.

**ВИРУСЛАР ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ** (инг. *interfere* – тўсқинлик) – бирор вирусли касаллик ривожланиши жараёнида организм томонидан интерферонлар ажратиб чиқарилади, улар иккинчи юқумли касалликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

**ВИРУСЛАР ПРОТЕИНКИНАЗАСИ** – айрим вируслар (иридовирюслар, С типидagi онкорнавируслар гуруҳи ва ҳ.к.) капсиди ичидаги фермент. Эҳтимол ҳужайраларнинг трансформациясида ва вирусларнинг кўпайишида рол ўйнайди.

**ВИРУСЛАР РЕПРОДУКЦИЯСИ** (аом. *reproductio, onis, f* – қайтадан тиклаш) – фақат ҳужайра ичида содир бўладиган жараён. В.Р. вирусларнинг ноёб хусусияти бўлиб, комплементарлик қонунияти асосида репликация йўли билан аввал вируснинг ДНК ёки РНКлари ҳосил бўлади. Кейин эса ҳужайрада вирус учун зарур оксиллар ҳосил бўлади, сўнгра вирус ДНК ёки

РНКли бўлишига кўра ўзига хос оксиллар билан бириктиб, вирус заррачаларини ҳосил қилади. Вируслар репродукцияси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: вирусларнинг хужайрага ёпишиши, унинг ичига кириши, транскрипция, аввалги ва кейинги оксиллар трансляцияси, вирус ДНК ёки РНКсининг репликацияси, вирус ДНК ёки РНКси билан тегишли оксиллар қўшилиб, вирус заррачаларининг ҳосил бўлиши ва вируснинг хужайрадан ташқарига чиқиши. Транскрипция ва репликациялар ферментлар ҳисобига амалга ошади.

**ВИРУСЛАР СИММЕТРИЯСИ** (лот. *symmetria, ae, f* – тартибли жойлашиш) – оксил қобиғида вирус капсиди заррачаларининг тартибли жойлашиши. Вирус капсидларининг тузилиши сферик (кубсимон) ёки спирал (бурама) ҳолатда бўлади. Капсидлар кубсимон симметрияли, кўп капсомерлардан (икосаэдра тури) иборат бўлади. Таёқчасимон вирусларнинг спирал туридаги капсиди бирдан ортиқ буралган бўлиб, ўртасида нуклеин кислотаси бўлади.

**ВИРУСЛАР ТРОПИЗМИ** (гр. *tropes* – йўлланиш) – вирусларнинг хужайра ва тўқималарни танлаб, уларда ривожланиш хусусияти. Вирус фақат унга мойил хужайраларда кўпаяди. Мойиллигига қараб асаб хужайраларида кўпаядиган вирусларни нейротроп (кутуриш вируси), тери хужайраларида – дермотроп (чечак вируси), ўпка хужайраларида – пневмотроп (грипп вируси), лимфоид хужайраларда (лейкоз вируси), ҳар хил турдаги хужайраларда кўпаядиган вирусларни пантроп (ўлат вируси) вируслар дейилади.

**ВИРУСЛАР ЭКОЛОГИЯСИ** (гр. *oikos* – яшаш жойи, *logos* – таълимот) – вирусларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганувчи таълимот.

**ВИРУСЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ** (лот. *identificatio* – бир-бирига тенглаштирмақ) – вируснинг қайси тур ва типга мансублигини аниқлаш. Вирус касалликлари диагностикасининг сўнгги босқичи В.И.дир. В.И. серологик усуллар (ГАР, БГАР, ГАРТ, АР) ва бошқалар орқали амалга оширилади.

**ВИРУСЛАРНИ ФАОЛСИЗЛАНТИРИШ** – вирус геномининг юқумлилиқ хусусиятини физикавий ёки кимёвий омиллар ёрдамида йўқотиш.

**ВИРУСЛАРНИНГ ИНФЕКЦИОНЛИГИ** – вирус ирсий хусусиятининг унга сезгир бўлган организм ҳужайрасида намоён бўлиши. Бу қобилият вируснинг нуклеин кислотасига боғлиқ. Шунга кўра, вирус фаоллигини пасайтириш учун, аввало, унинг нуклеин кислотасига таъсир кўрсатиш лозим.

**ВИРУСНИНГ КУРТАКЛАНИШИ** (лат. *gemmatio* – куртак) – ҳужайрадаги вирус кўпайишининг (репродукциясининг) сўнгги босқичи. Вируслар ҳужайрадан «портлаш» натижасида ёки куртакланиб ажралади. Куртакланиш ортомиксовируслар, ретровируслар ва парамиксовирусларга хос хусусиятдир. Гемагглотинин ва нейраминидазаси бўлган плазматик мембранада кўринарли ўсимталар, айнан ўша вақтда мембрананинг ички томонида эса янги оксил қавати ҳосил бўлади, мембрананинг юқоридаги ўзгарган морфологик зоналарига нуклеопротеид қўшилади.

**ВИРУСЛАРНИНГ ПЕРСИСТЕНЦИЯСИ** (лат. *Persis-tentia* – туриш, сақланиш) – вируслар инфекциянинг ҳамма босқичларида ҳам сақланиши, вирусларнинг сурункали ёки яширин касаллик пайдо қилиш қобилияти. Масалан, лейкоз, парагрипп, ринотрахеит, грипп, СПИД касалликларида вирус персистенцияси кузатилади.

**ВИРУСЛАРНИНГ ЭНЗИМЛАРИ** – вируслар ферменти, нуклеин кислоталарини ҳосил қилишда, парчалашда, транскрипция жараёнида (транскриптаза), вируслар кўпайишида асосий ролни ўйнайди. Нейраминидаза ферменти орқали вирус ингибиторлар таъсирини йўқотади. Фермент иштирокисиз вируслар ҳужайрада кўпая олмайди.

**ВИРУСНИ ТОЗАЛАШ** – вирионларни ёт моддалардан, асосан ҳужайра қолдиқларидан ажратиш. Бу турли усуллар билан: эритроцитларга бириктириш, аммоний сульфат, этанол билан чўктириш, адсорбция ва центрифуга қилиш йўли билан амалга оширилади.

**ВИРУСНИНГ МЕМБРАНА ОҚСИЛИ** – вируснинг мембрана оқсили, вируслар қобиғи ички юзасини қоплаб турувчи оқсил қатлами.

**ВИРУСНИНГ ТРАНСОВАРАЛЬ ҶТИШИ** (*лат. trans* – орқали, *ovarium* – тухумдон) – вирусни тухумдон, тухум ёки ҳашаротларнинг тухуми орқали иккинчи генерациясига ўтиши. Бу ҳодисани биринчи бўлиб 1917 йили Р.Е.Монтгомери қўй ва эчкилар кана энцефалити касаллигида вирус ҳашаротлар орқали ўтишини исботлаган. Бундан ташқари, отларнинг юқумли энцефаломиелит, африка ўлати, юқумли анемия, қўйларнинг юқумли катарал иситмаси, вирусли энцефаломиелит ва қорамолларнинг эфемер иситмаси, чўчкаларнинг трансмиссив гастроэнтерит, африка ўлати, куйдирги, туляремия, ку–иситма ва барча арбовирусли касалликлари, отлар ринопневмонияси касалликлари вирусларини ҳам ҳашаротлар орқали ўтиши аниқланган.

**ВИРУСОЛОГИЯ** (*virusologia, ae, f*) – вируслар ва вирусли касалликлар ҳақидаги таълимот.

## Г

**ГАБИТУС** – касал ҳайвонларни текширишда ташқи тана тузилишининг умумий белгиларини таърифлаш.

**ГАПТЕНЛАР** – таркибида оқсил бўлмаган моддалар. Антителолар билан бирикувчи, аммо организмда мустақил равишда антителолар ҳосил қила олмайдиган, кичик молекулали моддалар, липидлар, рибонуклеаза, инсулин ва шунга ўхшаш моддалар мисол бўлади. Бундай моддаларга катта молекулали моддалар қўшилса, улар антигенга айланади ва антитело ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади.

**ГЕМАГГЛЮТИНАЦИЯ** (*гр. haima* – қон, *agglutinatio* – ёпишиш) – эритроцитлар юзасига ёпишиш хусусиятига эга бўлган вируслар, бактериялар ва токсинлар таъсири остида, эритроцитларнинг бир-бирига ёпишиб чўкиши.

**ГЕМАГГЛЮТИНИН** – айрим вируслар таркибида учрайдиган, бир ёки бир неча турдаги ҳайвонлар эритроцитларини ёпиш-

тириб, чўкма ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган модда. Грипп, парагрипп, Ньюкасл касаллиги вирусларида бўлади.

**ГЕМАТОГЕН** (лот. *haematigenes* – қон орқали) – касаллик кўзгатувчисининг қон орқали тарқалиши.

**ГЕМОЛИЗ** (гр. *haima*†, *lysis* – эриш) – қондаги эритроцитларнинг парчаланиб, ичидаги гемоглобиннинг ташқи муҳитга чиқиши. Масалан, лептоспироз касаллигида учрайди.

**ГЕМОЛИЗИНЛАР** (гр. *haemolysina*) – қизил қон таначаларидан (эритроцитлардан) гемоглобиннинг озод бўлишига олиб келадиган, яъни гемолиз келтириб чиқарадиган моддалар (антигенлар).

**ГЕМОРАГИК ДИАТЕЗ** – захарланиш натижасида тўқималарда кўплаб қон қуюлишлар содир бўлиши. Бу ҳолат кўпинча вирусемия ва бактериемия билан кечадиган инфекцион касалликларда (чўчкалар ўлати, отларнинг юкумли анемия касали ва б. қ.) учрайди.

**ГЕН** (гр. *genos* – авлод, келиб чиқиш) – аجدодларнинг ирсий ахбороти мужассамлашган ДНК ёки РНК молекулаларининг бир бўлаги, ирсиятнинг энг оддий бирлиги. Г. хромосомаларнинг узунлиги бўйича фарқ қиладиган махсус қисмлар (локуслари)дан иборат бўлади. Хужайралар ва умуман организмнинг ривожланишидаги ҳар қандай белгининг юзага чиқиши ана шу генларга боғлиқ.

**ГЕН ИНЖЕНЕРИЯСИ** – ДНКнинг рекомбинант молекулаларини яратиш қонуниятларини ва унинг хужайрага таъсирини ўрганадиган фан. Г.И. мақсади янги рекомбинант молекулали ирсий аждодни яратиш, яъни хужайра ирсий молекуласига вирус ДНКсининг зарур ирсий қисмини улаб, хужайранинг тегишли моддани ишлаб чиқаришга мажбур қилиш.

**ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯ** – касаллик жараёнининг дастлабки чегараланган ўчоғидан бутун организм ёки аъзога тарқалиши.

**ГЕНЕРАЦИЯ** (лот. *generatio* – авлод, аждод) – тирик организмлар (ҳайвонлар, ўсимликлар, бактериялар, вируслар)нинг бир авлоди.

**ГЕНЕТИК КОД** – нуклеин кислоталарининг молекулаларига ёзилган ва сақланган генетик ахборот тизими. Булар нуклеотидларнинг маълум кетма-кетлиги асосида жойлашган бўлади.

**ГЕНОТИП** (*гр. genos* – авлод) – организмнинг ҳамма ирсий омиллари, яъни генларининг мажмуаси – авлоддан-авлодга бериладиган ирсий ахборот, организмнинг ирсий асоси.

**ГЕНОФОНД** – аини турдаги ҳайвон, вирус, бактерия генларининг йиғиндиси, мажмуаси.

**ГЕРПЕС – ВИРУСЛАР** (*herpes virus*) – кўпчилиги яширин касалликка сабаб бўладиган ДНКли, хужайра ядросида кўпаядиган вируслар оиласи.

**ГЕТЕРОТРОФИЯ** – озикланишда органик моддаларни истеъмол қилиш. Г. одамлар, барча ҳайвонлар, айрим микроорганизмларга хос хусусият.

**ГИАЛУРОНИДАЗА** – стафилакокклар, стрептококклар, кластридиялар, компиобактериялар ва бошқа микроблар ишлаб чиқарадиган фермент, гиалулин кислотасини гидролитик йўл билан ва диполимерли парчаланиши жараёнида катализаторлик қилиб, уни парчалайди, натижада организм тўқималарининг ўтказувчанлигини оширади. Г. вирусларда ҳам мавжуд.

**ГИБРИДОМАЛАР** – сичқон миеломаси хужайраси билан талоқ хужайраси қўшилишидан ҳосил бўлган дурагай хужайра юзага келтирган ўсма.

**ГИГИЕНА** – ташки муҳит ва ишлаб чиқариш жараёнидаги хилма-хил омилларнинг одам соғлигига, унинг меҳнат қобилиятига, умр кўришига таъсирини ўрганадиган, одамнинг турмуш ва меҳнат шароитларини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқадиган фан.

**ГИДРОЛИЗ** – сув таъсирида мураккаб моддаларнинг таркибий қисмларга ажралиши.

**ГИДРОФОБИЯ** (*гр. hydor* – сув, *phobos* – қўрқиш, сувдан қўрқиш) – сувдан қўрқиш, одам ва ҳайвонларда учрайдиган кутуриш касаллигида шундай белги кузатилади.

**ГИПЕРЕРГИЯ** (*гр. hyperergiya, ae, f – hyper–* юқори, *ergon* – таъсир) – сезгирликни ҳаддан ташқари ортиши, бирорта моддага нисбатан организмнинг реактивлигини жуда юқори кўтарилиши.

**ГИПОЕРГИЯ** (*гр. hypo* – камайиш, пасайиш, *ergon*↑) – организм реактивлигининг сусайиши, организмга аллерген киритилганда умумий ва маҳаллий жавоб реакцияларининг пасайиши билан таърифланади.

**ГИПЕРЕСТЕЗИЯ** (*гр. hyper* ↑, *aisthesis* – сезгирлик) – сезувчи асаб учларининг кўзгалувчанлигининг юқори бўлиши, сезувчанликнинг кучайиши (қутуриш, қотма, Тешен касалликларида кузатилади).

**ГИПЕРИММУНИЗАЦИЯ** – бактерияларга, вирусларга ёки токсинларга қарши махсус зардоб олиш мақсадида ҳайвонларни вакциналар, токсинлар ёки микроблар, вируслар билан маълум тизим бўйича бир неча бор эмлаш.

**ГИПЕРКИНЕЗЛАР** (*гр. kinesis* – ҳаракат) – асаб система-сидаги органик ва функционал ўзгаришлар натижасида ортиқча, ихтиёрсиз ҳаракатлар бўлиши (отларнинг энцефаломиелит касаллигида кузатилади).

**ГИПОСЕНСИБИЛИЗАЦИЯ** (*гр. hypo*↑, *лат. sensibilisatio* – сезувчанлик) – организмга ёт оқсил моддаларининг парентерал (оғиздан ташқари) йўл билан киритилишига сезувчанликнинг пасайиши ёки йўқотилиши.

**ГИПОТЕРМИЯ** (*гр. hypo*↑, *therme* – ҳарорат) – иссиқ қонли ҳайвонлар организмда иссиқлик ажратилишининг юқори бўлиши натижасида ҳароратнинг пасайиши (совуқотиш).

**ГЛИКОПРОТЕИДЛАР** – ўзаро ковалент боғланган пептид ва углевод бўлақчаларидан ташкил топган мураккаб оқсиллар.

**ГЛОБУЛИНЛАР** – дистилланган сувда эримайдиган, бироқ, нейтрал тузлар эритмасида эрийдиган ҳамда қиздирилганда чўкадиган оқсиллар (протеинлар) гуруҳи.

**ГНОТОБИОНТЛАР** – микробсиз шароитда ўстирилган макроорганизмлар.

**ГОМЕОСТАЗ** (*гр. homoios* – ўхшаш, *stasis* – турғунлик) – организмнинг турғунлик ҳолати. Организм ички муҳити таркиби

ва хусусиятларининг нисбатан динамик доимийлиги ва асосий физиологик функцияларининг барқарорлиги.

**ГОМОЛОГИК** (гр. *homogenes* – бир хил) – ўхшаш, бир хил.

**ГОРИЗОНТАЛ УТИШ** – касалликларнинг горизонтал йўл билан юқиши, яъни касаллик кўзгатувчиларининг вертикал йўлдан ташқари бевосита ёки билвосита бир ҳайвондан иккинчисига ўтиши.

**ГРАМ БИЛАН БЎЯЛМАЙДИГАН БАКТЕРИЯЛАР** – грам усулида қизил рангга бўялмайдиган бактериялар.

**ГРАМ БИЛАН БЎЯЛУВЧИ БАКТЕРИЯЛАР** – грам усулида бинафша рангга бўяладиган бактериялар.

**ГУРУҲЛАРГА АЖРАТИШ** – бир хил юқумли касалликка чалинган ҳайвонларни ажратиб бирга сақлаш.

## Д

**ДАВОЛАШ–ПРОФИЛАКТИКА ПУНКТИ (мавсумли)** – яйловларда касал ёки ҳолсизланган ҳайвонларни сақлаш жойи бўлиб, у ерда ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилади.

**ДЕЗИНСЕКЦИЯ** (лот. *desinsectio, onis, f*) – ҳашаротларга қарши кураш чора–тадбирлари, уларни йўқотиш.

**ДЕЗИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *des* – парчаланиш, *integer* – бутун) – бўлиниш, қисмларга ажралиш. Масалан, ҳужайра, вирус ва бактерияларнинг бирор таъсир натижасида қисмларга парчаланиши.

**ДЕЗИНТОКСИКАЦИЯ** (лот. *des*†, гр. *toxikon* – захар, захарсизлантириш) – организмни захарли моддалардан ҳоли қилиш, унинг доимийлигини таъминловчи физик, кимёвий ва ферментатив механизмлар иштирокида захарли моддаларни зарарсизлантириш.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ** (лот. *desinfectio* – юқумсизлантириш) – юқумли касалликларни кўзгатувчи вирус, замбуруғ ва микробларни физикавий ва кимёвий таъсир этиш билан йўқотиш.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ (аэрозолли дезинфекция)** – махсус аэрозол ҳосил қилувчи генераторлар ёрдамида аэрозол ҳолатига ўтказилган кимёвий ва биологик препаратлар билан дезинфекция қилиш.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ (мажбурий дезинфекция)** – юкумли касаллик бор носоғлом хўжаликларда касаллик кўзгатувчисини йўқотиш, унинг четга тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказиладиган дезинфекция.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ (мажбурий жорий дезинфекция)** – эпизоотик ўчоқларда даврий равишда ўтказиладиган дезинфекция бўлиб, у касал ҳайвонлар ажратадиган кўзгатувчини йўқотишга хизмат қилади.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ (мажбурий якуловчи дезинфекция)** – юкумли касаллик тугатилгач, карантин ёки чеклашни олиш олдидадан ўтказиладиган дезинфекция.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ (профилактик дезинфекция)** – ҳайвонлар турган ташқи муҳитни ва уларнинг маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш корхоналарида юкумли касаллик кўзгатувчиларининг тўпланиши ва тарқалишининг олдини олиш учун ўтказиладиган дезинфекция.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ ВОСИТАЛАРИ** – одам, ҳайвон ва фойдали ўсимликлар атрофидаги муҳитда мавжуд юкумли касалликлар кўзгатувчисини йўқотиш учун қўлланиладиган физикавий ва кимёвий воситалар.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ КАМЕРАСИ** – ходимлар кийимларини, инвентарлар, ҳайвонларга ишлатиладиган буюмларни дезинфекция ва дезинсекция қилиш учун ишлатиладиган стационар ёки кўчма камера.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ ОТРЯДИ** – чорвачилик ва бошқа объектларда дезинфекция ўтказувчи ветеринария хизмати қисми.

**ДЕЗОБАРЬЕР** – дезинфекция қилувчи ғов, тўсиқ, яъни фермаларга кириш остонасига қўйилган махсус ванна ёки бетонланган чуқур жой, унга ҳар доим вақти-вақти билан дезинфекция қилувчи кимёвий эритмалар қуйиб турилади.

**ДЕЗОДОРАЦИЯ** (лот. *des*†, *odor* – ҳид) – ёмон ёки қўланса ҳидларни турли воситалар билан йўқотиш.

**ДЕЗОКСИРИБОНУКЛЕИН КИСЛОТА (ДНК)** (лот. *desoxyribonucleinica acida*) – организмда оқсил синтезланишда

иштирок этадиган нуклеин кислоталарнинг бири, ҳар бир хужайрада, барча микроорганизмларда бўлади.

**ДЕКОНТАМИНАЦИЯ** (лат. *de* – йўқотиш, *contaminatio* – ифлосланиш) – биологик материалларни юқумли касаллик кўзгатувчиларидан тозалаш, зарарсизлантириш.

**ДЕНИТРИФИКАЦИЯ** – алоҳида денитрификацияловчи микроблар воситасида нитрат ва нитритлардан молекуляр азот ва аммиак ажралиш жараёни. Денитрификацияловчи микроорганизмларга тупроқда яшовчи ва кўпаювчи мукум ва факултатив анаэроблар (кlostридиялар) киради.

**ДЕПРЕССИЯ** (лат. *depressio* – тушкунлик, ланжлик ҳолати) – кўпгина юқумли касалликларда кузатилади.

**ДЕРАТИЗАЦИЯ** (лат. *de* ↑, *rattus* – каламуш) – юқумли касаллик ташувчи ва тарқатувчи зарарли кемирувчиларни йўқотиш.

**ДЕРМАТОМИКОЗЛАР** (гр. *derma* – тери, *mykos* – замбуруғ, *osis* – касалликни билдирувчи кўшимча) – патоген замбуруғлар пайдо қиладиган тери касалликлари.

**ДЕСТРУКЦИЯ** (лат. *destructio* – емирилиш, бузилиш) – хужайра, микроб ва вирус тузилишининг бузилиши ёки унинг парчаланиши.

**ДЕСЕНСИБИЛИЗАЦИЯ** (фр. *de* ↑, *sensibilise* – сезувчанлик) – оксилли моддалар ва воситаларни оғиздан бошқа йўллар билан организмга оз миқдорда юбориб, унинг сезувчанлигини йўқотиш ёки пасайтириш, яъни бирор модда таъсирига организмнинг ўта сезувчанлигини камайтириш ёки бартараф этиш.

**ДЕФИБРИНЛАНГАН ҚОН** – қон ивишида иштирок этадиган оксил фибринлардан ҳоли қилинган, ивимайдиган қон.

**ДИАГНОЗ** (гр. *diagnosis* – аниқлаш, ташҳис) – шифокорнинг ҳар томонлама текширишлари натижасида касал ҳайвон ҳолати ва касаллик тўғрисида чиқарган хулосаси. Юқумли касалликларга диагноз кўйишда касалликнинг клиник белгиларига, эпизоотологик маълумотларга, патологоанатомик ўзгаришларга ва албатта лабораториявий (серологик, аллергик, бактериологик, вирусологик, патогистологик биологик синов) текшириш натижалари

асосида диагноз қўйилади. Диагноз қўйишда касалликнинг клиник белгиларига, эпизоотологик маълумотларга ва патологоанатомик ўзгаришларга асосланиб қўйилган диагноз **дастлабки**, қўшимча лабораториявий: серологик, аллергияк, бактериологик, вирусологик, патогистологик текширишлар ва биологик синов натижалари асосида қўйилган диагноз **якуний** ҳисобланади.

#### **ДИАГНОЗ ТУРЛАРИ:**

**Дастлабки диагноз** – касалга қўйилган дастлабки диагноз. Уни яна текширишлар ўтказиб, тасдиқлаш талаб этилади.

**Дифференциал диагноз** – мазкур касалликка ўхшаш белгилар билан ўтадиган касалликлар мустасно қилингандан кейин

**ДИАГНОСТИК ИММУН ЗАРДОБЛАР** – инфекциян касалликларга серологик усул ёрдамида диагноз қўйиш учун қўлланиладиган иммун зардоблар.

**ДИАГНОСТИКА** (*гр. diagnostiko* – аниқлаш) – касалликни аниқлаш усуллари ҳақидаги фан. Диагноз қўйиш жараёни касал ҳайвонни текшириш, кузатиш ва шифокорнинг касал тўғрисидаги фикрларини ўз ичига олади.

**ДИАГНОСТИКА (биологик диагностика)** – турли объекталарга мавжуд бўлган юзгирди касаллик хайвоннинг касал

**ДИСКИНЕЗИЯ** (лат. *dis* – ажралиш, инкор, гр. *kinesis* – ҳаракат) – касал ҳайвон ҳаракатининг бузилиши.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ-ДИАГНОСТИК МУҲИТЛАР** – культурал ва биокимёвий хусусиятларга қараб, маълум бактерия турларини фарқ қилишда қўлланиладиган озуқа муҳитлари. Уларга микробларнинг протеолитик хусусиятларини аниқлаш учун

## Ж

**ЖИНССИЗ КЎПАЙИШ** – организмларнинг жинсий алоқасиз кўпайиши (масалан, вегетатив кўпайиш, спора ҳосил қилиб кўпайиш).

**ЖУФТ ҚОН ЗАРДОБЛАРИ** – серологик текширишлар учун касалликнинг бошланишида ва 2–3 ҳафта ўтгандан кейин олинган қон зардоблари. Антителолар даражасининг иккинчи текширганда тўрт ва ундан ортиқ марта ортиши вирус касаллигининг борлигини кўрсатади.

## З

**ЗАРДОБ КАСАЛЛИГИ** – бирор оқсил (антиген) организмга такрор юборилганида, унинг биринчи юборилганига қарши ҳосил бўлган антителоларнинг учраши (бир–бирига ёпишиши нагижасида) пайдо бўладиган касаллик. З.К. айниқса, аввалдан шу зардобга сезгирлиги ошган ҳайвонлар ва одамларда оғир кечади.

**ЗАРДОБ ТИТРИ** – серологик реакцияларда энг юқори даражада суюлтирилган қон зардобдаги антителоларнинг антигенга нисбатан фаоллигининг кўриниши.

**ЗООАНТРОПОНОЗЛАР** – одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган юқумли касалликлар гуруҳи (сил, куйдирги, бруцеллёз, кутуриш каби касалликлар).

**ЗООНОЗЛАР** – фақат ҳайвонларга хос юқумли касалликлар гуруҳи. Масалан, юқумли ринотрахеит, қорасон, чўчқа ўлати ва ҳ.к. касалликлар.

## И

**ИЗОАГГЛЮТИНИНЛАР** – организмга махсус антиген юборилмаган пайтда қонда бўладиган нормал антителолар.

**ИЗОАНТИТЕЛОЛАР** – ҳайвон организмда шу турдаги бошқа ҳайвон антигенига қарши ҳосил бўладиган антителолар.

**ИКОСАЭДР** – вирус таначаси капсидида капсомерларнинг жойланиш тартибининг кўриниши. Тенг томонли 20 та учбурчакдан ташкил топган кўп қиррали шакл.

**ИММУН ЗАРДОБ** – махсус антителолари мавжуд қон зардоби, схема асосида кўп марта антиген ёки вакцина билан эмланган ёки касалланиб соғайган моллардан олинади, юқумли касалликларни даволаш ва олдини олишда ишлатилади.

### **ИММУН ҚОН ЗАРДОБИ ХИЛЛАРИ:**

**Моновалент зардоб** – битта касаллик қўзғатувчисига қарши антителолари мавжуд бўлган бир валентли иммун зардоб.

**Поливалент зардоб** – икки ва ундан кўп инфекцияцион касаллик қўзғатувчиларига қарши антителолари мавжуд бўлган кўп валентли иммун зардоб.

**Реконвалесцент зардоб** – юқумли касаллик билан касалланиб, соғайган ҳайвонлар қонининг зардоби. Бу зардобда ҳам махсус антителолар бўлади, шунинг учун у, айнан ўша касалликни даволашда ёки унинг олдини олишда ишлатилади.

**ИММУНЛАШ** (*immunisatio, onis, f* – эмлаш) – одам ва ҳайвонлар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш чоралари сифатида уларда иммунитет ҳосил қилиш учун ҳайвонларни вакциналар билан эмлаш.

**ИММУНЛАШ, ЗАИФ ХИЛИ** – таркибида махсус антителолари мавжуд бўлган гиппериммун зардоб ёки касалланиб тузалган мол қон зардобини юбориш йўли билан организмда юқумли касалликка чидамликни юзага келтириш.

**ИММУНЛАШ, ФАОЛ ХИЛИ** – вакцина юбориш йўли билан организмда маълум касалликка қарши фаол чидамлилигини юзага келтириш.

**ИММУНЛОВЧИ СУБИНФЕКЦИЯ** – табиий инфекциянинг яширин турларидан бири бўлиб, фақат иммунобиологик реакциялар орқали аниқланади. Бу ҳолат ҳайвон организмга касал қўзғатувчиларининг узоқ вақт давомида бир неча бор оз миқдорда кириши натижасида вужудга келади ва организмда шу касал қўзғатувчиларига махсус чидамлик пайдо қилади (лептоспироз).

**ИММУНИТЕТ** (лот. *immunitas, atis, f* – чидамлилик, касал юқтирмаслик) – организмнинг унга ирсий ёт ахборотга эга бўлган юқумли ва юқумсиз моддалардан (антиген) ҳимояланиши, яъни касал юқтирмаслик ҳолати, касалликларга қарши курашиш қобилияти. И. даражаси организм ички муҳитини доимо бир мувозанатда сақловчи физиологик ҳимоя воситаларига боғлиқ. И. фақатгина касалликдан тузалсагина эмас, балки ўлган ёки тирик микроорганизмларга, уларнинг айрим қисмларига, захарларига ҳамда ҳар хил оксил, гаптенларга ҳам пайдо бўлади. Организмга ёт бўлган барча антиген хусусиятига эга бўлган моддаларни дарров пайқайди. Организмда иммунитетни шаклланиши ундаги барча номахсус реакцияларни (гематологик, гистологик, цитологик, биокимёвий ва бошқалар) ҳар хил намоён бўлиши 3 тур кўринишдаги махсус иммунологик ҳолатга боғлиқ: а) жуда сезгирликнинг секин тури; б) жуда сезгирликнинг дарҳол тури; ва в) толерантлик (ареактивлик). *Жуда сезгирликнинг секин тури* – организмда кўзгатувчига қарши зардоб антителолари пайдо бўлмасдан иммунокомпетент хужайраларнинг махсус ўзгариши туфайли ҳосил бўлади. Бу ҳолат аллергия текшириш натижасида аниқланади. Бунда иммунитет ўрнига ушбу кўзгатувчига нисбатан жуда сезгирлик (сенсibiliзация) пайдо бўлади (м: туберкулез, манка, бруцеллез). *Жуда сезгирликнинг дарҳол тури* – қонда махсус антителоларни пайдо бўлиши ва уларни махсус антигенлар билан реакцияга кириши билан ҳосил бўлади. Антителоларни қонда пайдо бўлиши организмда иммунологик ўзгаришлар содир бўлганидан дарак беради ва кўп ҳолатларда мустаҳкам иммунитет шаклланади.

### **ИММУНИТЕТ ХИЛЛАРИ:**

**Антибактериал иммунитет** – касалланиб тузалиш ва эмлаш натижасида юзага келган, бактериал касалликларга нисбатан чидамлилик, организмнинг умумий (гуморал моддалар, фагоцитоз) ва махсус ҳимоя воситалари (антителолар) бирлигида шаклланади.

**Антитоксик иммунитет** – токсин ишлаб чиқарувчи касаллик кўзгатувчиларга чидамлилик, асосан организмга анатоксин, антитоксин юбориш натижасида юзага келади.

**Гуморал иммунитет** – қон зардоби таркибидаги махсус иммуноглобулинларнинг (антителолар) микроорганизмларни, вирусларни зарарсизлантириш хусусиятига боғлиқ чидамлилиқ.

**Инфекциядан сўнгги иммунитет** – маълум бир юқумли касаллик билан касалланиб тузалгандан сўнг, айнан шу касалликка қарши кучли чидамлилиқ юзага келиши.

**Ирсий иммунитет** – маълум тур ҳайвонга ирсий берилган иммунитет, у наслдан – наслга ўтади. Уни тур иммунитетидеб ҳам юритилади. М.: от оқсил билан, қорамол манқа билан касалланмайди. Аммо И.И. абсолют эмас, совуқ, иссиқ, очлик, захарланиш ушбу И.И.ни ўзгартириши мумкин (каптарга спирт юборса, у куйдирғи билан касалланиши мумкин.

**Колострал иммунитет** – тайёр иммунитет маҳсули иммуноглобулинларни – антителоларни увиз сути билан онасидан олиш натижасида ҳосил бўлган юқумли касалликка чидамлилиқ.

**Орттирилган иммунитет** – ҳайвон яшаши давомида бирор касаллик кўзгатувчи билан зарарланганда ёки унга вакцина юбориш натижасида шаклланган иммунитет. О.И. 2 хил: фаол ва пассив бўлади. Вакцинация ёки касаллик кўзгатувчиси билан зарарлаш натижасида организмда иммунитетни шаклланиши **фаол О.И.**, аксинча организмга айнан бир кўзгатувчига қарши гипериммунлаш ёки касалликдан тузалган ҳайвонда шаклланган тайёр антителолар – реконвалесцент қон зардоблари юборилганда **пассив О.И.** ҳосил бўлади. Пассив иммунитет организмда узок сақланмайди (ўртача 15–20 кун).

**Ностерил иммунитет** – касалланиб тузалиш оқибатида юзага келадиган, маълум касалликка нисбатан чидамлилиқ, бунда организм касаллик кўзгатувчидан бутунлай холи бўлмайди (бруцеллез, юқумли ринотрахеит, туберкулез, манқа, лейкоз). Бу ҳолатни инфекцион иммунитет деб ҳам юритилади. Айрим ҳолларда бруцеллездан тузалган ҳайвон кўзгатувчидан тўлиқ озод бўлиши, ундаги иммунитет стерил бўлиши ва у ҳайвон бруцеллалар билан қайтадан зарарланиши (реинфекция) мумкин. Кўзгатувчининг турига қараб: **антибактериал, антивирус** иммунитет деган



**омилларга:** тери ва шиллик пардаларнинг ҳимоя хусусиятлари, меъёрий микрофлоранинг ва лимфоид тизимнинг ҳимоя фаолияти, фагоцитоз, гуморал ҳимоя омиллари (лизоцим, комплемент, меъёрий антителолар, зардобнинг бактерицид фаоллиги, лейкоин, лизин ва бошқалар), физиологик омиллар (ҳарорат, модда алмашинуви метаболитлари), хужайра ва тўқималарнинг генотипик ва фенотипик реактивлиги киради. Организмга касаллик қўзғатувчиси киргандан кейин иммунитетнинг доимо таъсир этувчи номахсус омилларига: яллиғланиш, С – реактив оксилни пайдо бўлиши, интерферон киради.

**ИММУНОАДСОРБЦИЯ** – эритмадаги антигенлар ёки антителоларнинг иммуноадсорбентлар юзасига ёпишиши, серологик текшириш усуларида фойдаланилади.

**ИММУНОГЕНЕЗ** (*гр. genesis* – ҳосил қилиш) – касалдан тузалган ёки сунъий эмланган ҳайвонлар организмда иммунитет – антителолар пайдо бўлиш жараёнлари. Организмга антиген киргандан кейин 2–3 кун давомида антитело шаклланиши секин бўлади, уни аниқлаш қийин. И. нинг бу босқичини **индуктив**, кейин 7–14 кун давомида антитело ишлаб чиқариш тезлашади ва буни **продуктив** босқич дейилади.

**ИММУНОГЕНЛИК** (*гр. genes* – ишлаб чиқариш) – касаллик қўзғатувчилари ёки айрим моддаларнинг махсус иммунлик ҳолатини юзага келтириш қобилияти.

**ИММУНОГЛОБУЛИНЛАР** – антителолар, гаммаглобулинлар, қон зардоби оксиленинг глобулин фракцияси. Антителоларга қаранг.

**ИММУНОДЕПРЕССАНТЛАР** – иммунитетнинг шаклланиш жараёнига тўсқинлик қилувчи кимёвий бирикмалар ёки физикавий омиллар. Организмга антиген юборилганда унга қарши лимфа системасида ҳосил бўлади ва унинг таъсирида организмнинг ёт нарсаларга қарши курашиш қобилияти йўқолади.

**ИММУНОДЕПРЕССИЯ** – организм чидамлилигини турли усуллар билан сўндириш.

**ИММУНОДЕФИЦИТ ҲОЛАТ** – иммунитет танқислиги, организмда иммунитетни таъминловчи тизим нуқсони натижасида

иммунологик жавобнинг пасайиши ёки бутунлай бўлмаслиги. Агаммаглобулинемияда организм гаммаглобулиннинг ҳамма турларини ҳосил қила олмайди. Организм яшаши давомида орттирилган агаммаглобулинемия лейкоз касаллигида кузатилади.

**ИММУНОДИАГНОСТИКА** – юкумли касалликларни ва организм ҳимоя воситалари фаолиятидаги ўзгаришларни аниқлашда серологик ҳамда аллергик реакциялардан фойдаланилади. Шу реакциялар асосида қўйилган диагноз иммунологик диагноз ҳисобланади.

**ИММУНОДИФФУЗИЯ** – антиген ва антители молекулаларининг махсус муҳитда (гельда) бир-бирига қараб ҳаракатланиши. Агарли гелдаги преципитация реакцияси шунга асосланган.

**ИММУНОКОМПЕТЕНТЛИК** – организмнинг юборилган антигенга қарши иммун реакцияси билан жавоб қайтариш қобилияти. Ёш молларда лимфа тўқимаси тўлиқ шаклланмаган ва ривожланиши паст бўлгани учун ушбу қобилият паст бўлади. Организмда иммунологик хизматни асосан макро ва микрофаглар, лимфоцитлар ва плазмоцитлар бажаради. Лимфоцитлар морфологик ва функционал хусусиятлари бўйича 2 турга бўлинади: **T– ва B– лимфоцитлар**. T– (тимусга боғлиқ) лимфоцитлар организмга кирган антиген қитиқлаши эвазига **иммун лимфоцитларга** ва **иммунологик хотира** сақловчи **лимфоцитларга** айланади. T– **лимфоцитлар** хужайрали иммунитетда (ўта сезгирликнинг секин тури) ва аутоиммун касалликларни ривожланишида иштирок этади. B– **лимфоцитлар** эса иммунологик жавоб вақтида иммунобласт орқали антители ишлаб чиқарувчи плазматик хужайраларга айланади. Макрофаглар, микрофаглар ва плазмоцит хужайраларга қаранг.

**ИММУНОЛОГИК ЕТИШМОВЧИЛИК** – организмга антиген юборилганда тўлиқ иммунологик жавоб бера олмаслик ҳолати. Бу икки хил: физиологик ва патологик бўлади. Физиологик хили ёш молларда кузатилади, патологик етишмовчилик эса лимфа тўқимаси фаолияти бузилганда юзага келиши мумкин.

**ИММУНОЛОГИК РЕАКТИВЛИК** (лот. *immunis* – иммун, *ge* – қайта, *activatis* – фаоллик, таъсирчанлик) –



**ИММУНОТЕРАПИЯ** (*гр. therapia* – даволаш) – организмни иммун тизимига таъсир қилиш орқали юқумли касалликларни биологик препаратлар (вакциналар, иммун қон зардоблари ёки гаммаглобулинлар) билан даволаш усули.

**ИММУНОФЕРМЕНТ УСУЛИ** – ферментлар (пероксидаза ёки ишқорли фосфатаза) таъсирида парчаланувчи антиген-антителолар комплексини аниқлашда қўлланиладиган усул. Бу ниҳоят юқори сезгир реакция бўлиб, унинг асосида эрийдиган антителолардан фойдаланиш ётади.

**ИММУНОФЛЮОРЕСЦЕНТ УСУЛИ** (*лот. fluorescens* – нурланувчи) – юқумли касалликларни аниқлашда қўлланиладиган лаборатория усули бўлиб, антиген-антитело реакциясига асосланган. Бунда, албатта, антиген ёки кўпроқ антитело нурланувчи флюорохром моддаси билан бўялган бўлади. Бу усул воситасида текширилаётган материалда антиген ёки антитело мавжудлиги, антигеннинг жойлашган жойи, антителонинг ҳосил бўлиш жараёни аниқланади. Бу усул юқумли касалликларнинг люминесцент диагностикасида қўлланилади.

**ИНГИБИРЛАШ** – ингибиторлар ёрдамида микроорганизмлар ва вируслар ривожланиши ҳамда кўпайишини тўхтатиш, секинлатиш.

**ИНГИБИТОРЛАР** (*inhibitor* – ушлаб туриш) – табиий ёки сунъий йўл билан олинган моддалар бўлиб, ферментлар фаоллигини ва мураккаб биологик жараёнларни пасайтиради. Ингибиторлар организмдаги суюқликларда (қон зардоби, кўз ёши ва ҳ.к.) мавжуд бўлиб, асосан вирус касалликларига қарши иммунитет омилларидандир.

**ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОЛОГИЯ** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологик усуллари.

**ИНКУБАЦИЯ ДАВРИ** – яширин давр, организмга касал қўзғатувчиси кирган вақтдан, то касалликнинг илк клиник белгиси пайдо бўлгунча орадан ўтадиган даврни ўз ичига олади. Яширин ўтувчи, яъни латент (белгисиз) инфекцияларда эса организмнинг то иммунобиологик жавоб реакцияси кузатилган давр-

гача бўлган муддатни ўз ичига олади. И.Д. фақат юқумли касалликларга хос бўлиб, унинг давом этиши турли касалликларда ҳар хилдир. Масалан, оксил, грипп ва куйдирги касалликларида бир неча соатдан, бир неча кунгача, лейкоз, қутуриш касалликларида эса бир неча ойни, айрим вақтда йилни ташкил қилади.

**ИНКУБАЦИЯ** – маълум бир белгиланган ҳароратда парранда тухумидан жўжа чиқиши. Вирусологик текширишларда 8–12 кунлик товук эмбриони ва микробларни меъёрида ўстириш учун уларни тегишли ҳароратда ҳамда маълум муддатларда сақлаш.

**ИНТАКТЛИК ҲОЛАТИ** (лот. *intactus* – ўзгармаган, бутун, ўзгаришга учрамаган) – ўзгаришга учрамаган бактериялар, вируслар ёки ҳайвонлар. Айрим вақтда назоратдаги ҳайвонлар маъносида ҳам қўлланилади.

**ИНТЕГРАТИВ КАСАЛЛИК** – вирус ва ҳужайралар ирсий материалларининг тўпланиши натижасида келиб чиқадиган касаллик. Масалан, лейкоз.

**ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* – тикланиш, бирлашиш) – элемент ва қисмлар қўшилиб, бир бутун нарса ҳосил қилиши, масалан, онкорнавирус ёки бактериофагнинг ҳужайра геноми билан бирикиши.

**ИНТЕРКУРЕНТ** – қўшимча, тасодиф қўшилиб кетмоқ.

**ИНТЕРКУРЕНТ КАСАЛЛИГИ** – бир касаллик асносида иккинчи касаллик бошланиши. Масалан, ротавирус ёки парагрипп касаллиги ҳолатига колибактериоз, пастереллёзларнинг қўшилиши. Ассоцияланган инфекцияга қаранг.

**ИНТЕРМИТЛАНИШ** (лот. *intermitens* – гоҳ-гоҳ такрорланувчи ҳолат) – вақти-вақти билан хуруж қиладиган. Масалан, такрорланиб турадиган безгак тури. Кўпинча сил, безгак касалликларида тана ҳарорати вақти-вақти билан кўтарилиб, иситма-лаш ҳолати хуруж қилади.

**ИНТЕРФЕРОН** (лот. *inter* – ўзаро, *ferio* – зарба, зарарлаш) – вирусли касалликларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган, вирус билан зарарланган ҳужайрада бўладиган оксил, паст молекулали гликопротеид. Унинг молекуляр оғирлиги 20–40 минг дальтон, вирусни ўлдирмайди, ҳужайралар учун заҳарсиз. Умумий

чидамлилик шаклланишида интерферон муҳим аҳамиятга эга. Бир вирусга ҳосил бўлган интерферон иккинчи бошқа вирусларнинг кўпайишига ҳам тўсқинлик қилади.

**ИНТОКСИКАЦИЯ** (лот. *in* – да, гр. *toxikon* – заҳар) – организмга ташқаридан кирган (экзоген) ёки организмнинг ўзида ҳосил бўлган (эндоген) моддаларнинг умумий таъсири натижа-сида вужудга келган заҳарланиш ҳолати.

**ИНФЕКЦИОН ЖАРАЁН** – Микро ва макроорганизмнинг ўзаро таъсир реакциялари динамикаси, яъни айнан кўзгатувчи билан зарарланган организмда кузатиладиган жараёнлар мажмуа-си. Яширин давр, касаллик белгиларининг бошланиш, ривожла-ниш, сўниш босқичлари –бу инфекция жараёни ташкил этади.

**ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИК** – ҳайвон организмда паразит-лик қилишга эволюцион мослашган вирус ва микроорганизмлар кўзгатувчи юқумли касаллик. Одатда, бу касаллик бир ҳайвондан бошқасига ўтиши, босқичли ривожланиши, макроорганизмнинг вирус ва микробларга қарши махсус реакциялари (аллергия ва антителолар) ва касалликдан тузалгандан сўнг иммунитет ҳосил қилиши билан характерланади.

**ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИК ДАВРЛАРИ** – яширин (инкубация), касаллик белгиларининг бошланиш, ривожланиш ва сўниш даврларини ўз ичига олади (инкубация даврига қаранг). Юқумли касалликнинг инкубация даврдан кейин касаллик бел-гиларининг бошланиш даври келади ва у бир неча соатдан 1–2 кунгача давом этади. Бу даврда касалликка хос бўлмаган клиник белгилар: иситма, анорексия, беҳоллик ва маюслик кузатилади. Кейин касалликнинг тўлиқ ривожланиш даври бошланади. Бу даврда айнан шу касалликка хос клиник белгилар ёрқин намён бўлади. Аммо касалликка хос клиник белгилар айнан шу касал-ликда доимо бир хил бўлмаслиги мумкин. У ҳайвоннинг индиви-дуал резистентлигига, иммунитетнинг шаклланиш вақтига ва даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам касалликнинг тўлиқ ри-вожланиш даврида аниқ муддат бўлмайди. Кейин касалликнинг сўниш, яъни тузалиш даври (реконвалесцент) бошланади, бунда организмда кўзгатувчи кўп касалларда тўлиқ йўқолади, бироқ

айрим касалларда организм вирус ёки бактерия ташувчи бўлиб қолади.

**ИНФЕКЦИОН ЭКЗАНТЕМА** (*гр. exanthema* – тошма) – терининг ўчоқли яллиғланиб шикастланиши бўлиб, айрим юкумли касалликлар натижасида пайдо бўлади. Масалан, ҳайвонларнинг чечак касалида шундай ҳолат кузатилади.

**ИНФЕКЦИЯ** (*infectio* – юқиш, юқтириш) – бу мурракаб биологик жараён бўлиб, организм билан касаллик қўзғатувчи вирус ёки микробларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган зарарланиш ҳолати. Организмга кирган қўзғатувчи кўпайиши натижасида унда патогенга жавобан мураккаб патологик ва химоя мослашув реакциялари кузатилади. Ушбу реакциялар организмда биокимёвий, морфологик ва функционал ўзгаришлар шаклида ҳамда иммунологик жавоб тариқасида бўлиб, улар организмнинг инки муҳитини доимийлигини (гомеостаз) сақлашга қаратилган

**Ассоциаланган инфекция** (*associatio* – бирлашган) – ҳайвон организмига кирган ҳар хил вирус ва микроорганизмларнинг биргалашиб қўзғатадиган инфекцияси. Бу ҳолда синергизм, яъни бир турдаги микроблар касаллик қўзғатиш хусусиятининг иккинчи турдаги микроблар эвазига кучайиши кузатилиши мумкин. Масалан, қотма касали микробини касаллик қўзғатиш қобилиятини стафилакокклар ошириб юборади. Аммо айрим ҳолларда бу ҳодисага қарама-қарши ҳодиса микроблар антагонизми ҳам кузатилиши мумкин. Интеркурент касаллигига қаранг.

**Аэроген инфекция** (*гр. aeg* – ҳаво, *genes* – ҳосил бўлиш) – касал қўзғатувчиларининг ҳаво орқали организмга тушиши эвазига ҳосил бўлган инфекция.

**Бактериал инфекция** – бактериялар қўзғатадиган инфекция.

**Белгисиз инфекция** – кўринмайдиган, яширин, клиник белгилар намоён қилмайдиган юқумли касаллик. У иммунобиологик реакциялар, микробиологик, вирусологик усуллар ёрдамида аниқланади.

**Жароҳат инфекцияси** – яраларга, айниқса, чуқур яраларга айрим касал қўзғатувчи микроблар кириши натижасида юқтирилган инфекция. Бу ҳолат кўпроқ қотма касаллиги мисолида намоён бўлади.

**Замбуруғли инфекция** – патоген замбуруғлар пайдо қиладиган инфекция.

**Йирингли инфекция** – йиринг ҳосил қилувчи микроорганизмлар инфекцияси.

**Латент инфекция** (*лот. latent, ae, f* – яширин) – клиник намоён бўлмайдиган белгисиз, мудроқ (яширин, инаппарант) инфекция. У иммунологик реакциялар, бактериологик, вирусологик ва патоморфологик текширишлар орқали аниқланади (м: юқумли анемия, манқа, Рифт водийси иситмаси, вирусли диарея, туберкулез, псевдотуберкулез, паратуберкулез, микроспория, микоплазмоз, итларнинг юқумли гепатити). Бундай яширин инфекцияли ҳайвонлар касал юқтирувчи жуда хавфли манба бўлиб хизмат қилади. Яширин инфекция натижасида организмда иммунитет вужудга келиши мумкин.

**Оддий инфекция, моноинфекция** – вирус ёки микро – организмнинг бир тури пайдо қилган инфекция.

**Регионал инфекция** (лот. *regie* – маълум ҳудуд, жой) – айрим касаллик кўзгатувчилар (туберкулёз – сил, бруцеллёз, туляремия кўзгатувчилари ва б.к.) организмга киргандан кейин дастлаб лимфа йўллари билан лимфа тугунларига жойлашиб, бирламчи инфекция ўчоғини пайдо қилади. Натижада лимфа тугунлари жароҳатланади.

**Реинфекция** (лот. *re*– қайта) – касал ҳайвонни тузалгандан кейин, яна қайтадан айнан олдинги кўзгатувчи билан зарарланиши ва касалланиши. Бу ҳолат туберкулёз, дизентерия касалликларида кузатилади.

**Респиратор инфекцияси** (лот *respiratorius* – нафас орқали) – ҳаво орқали юқадиغان инфекция.

**Секин кечувчи инфекция** – касал кўзгатувчиси организмга киргандан кейин яширин даври жуда узоқ бўладиган, секин ривожланадиган юқумли касаллик (лейкоз, висна ва меди, скрепи, аденоматоз ва ҳ.к.).

**Секундар инфекция** (лот. *secundarus* – иккиламчи) – бирламчи (асосий) инфекция устига қўшилган иккиламчи инфекция. Бу, биринчи инфекция ўтишини оғирлаштиради. Масалан, пастерелла ва салмонелла бактериялари чўчқаларда ўлат касаллиги ўтишини оғирлаштиради. Одатда, иккиламчи инфекция кўпроқ шартли кўзгатувчилар гуруҳига кирувчи микроорганизмларга алоқадор бўлади. Улар терида ва шиллик пардаларда яшаб, фақат организмнинг касалликларга чидамлилиги пасайган пайтда ўз фаоллигини оширади ва касаллик кўзгатадиган бўлиб қолади.

**Спонтан инфекция** (лот. *spontaneus* – ўз-ўзидан) – табиий шароитда ўз-ўзидан юзага келадиган юқумли касаллик.

**Сунъий инфекция** – касаллик кўзгатувчиларини сунъий равишда юбориш йўли билан пайдо қилинган инфекция.

**Суперинфекция** (лот. *super* – юқори) – касаллик тузалмасдан қайтадан айнан ўша кўзгатувчи билан қайтадан зарарланиш. Бунда касаллик оғир ўтади.

**Тарқалган инфекция** – микроорганизмларнинг ҳайвон организмдаги ҳимоя тўсиқларини ёриб ўтиб, бутун организмга тарқалиши натижасида вужудга келган инфекция.

**Томчи инфекцияси** – касаллик қўзғатувчисининг касал ҳайвондан ажралган шилимшиқ, суюқлик заррачалари билан қўшилиб, ҳайвоннинг нафас йўлларига тушиши натижасида ҳосил бўлган инфекция.

**Трансмиссив инфекция** (*лот. transmissibilis* – берилувчи) – қон сўрувчи бўғим оёқлилар, кемирувчилар ва бошқа вирус, микроб ташувчилар томонидан тарқатиладиган юқумли касалликлар.

**Чанг инфекцияси** – касаллик қўзғатувчилари юққан чанг заррачалари билан нафас олиш натижасида ҳосил бўлган инфекция.

**Экзоген инфекция** (*лот. exo* – ташқари, *genes* – туғилиш, ҳосил бўлиш) – ҳайвон организмга ташқи муҳитдан тушган патоген вирус ва микроблар пайдо қилган касаллик.

**Эндоген инфекция** – **аутоинфекция** (*лот. endon* – ичкари, *genes* – ҳосил бўлиш) – ҳайвон организмнинг умумий чидамлилиги пасайиши натижасида организмда мавжуд микробларнинг кучайиши эвазига юзага келадиган касалликлар (пастереллез, сальмонеллез, колибактериоз, сарамас, сақов).

**Яққол инфекция** – ташқи клиник белгилари аниқ кўриниб турадиган инфекция.

**ИНФЕКЦИЯ ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИНИ ТАШУВЧАНЛИК** – юқумли касалликнинг қўзғатувчи кўринарли белгилари бўлмасда, одам ва ҳайвонларнинг шу касаллик қўзғатувчисини ўз организмда олиб юриши ва уни ташқи муҳитга ажратиб туриши. Бу ҳолатни бактерия ёки вирус ташувчанлик деб ҳам юритилади.

**ИНФЕКЦИЯЛАНГАН ҲАЙВОН** – ҳайвон организмда касаллик қўзғатувчи микроблар ва вирусларнинг мавжудлиги.

**ИНЦИДЕНТЛИК** (*лот. incidentis* – содир бўлмоқ) – маълум вақт ичида бирданга 1000, 10000 ёки 100000 бош ҳайвонлар орасида янги аниқланган касалликлар микдори. Бунда касалликка чалинган ҳайвонлар бош сони мазкур юқумли касалликнинг тарқалиш тезлигини кўрсатади.

**ИНЪЕКЦИЯ** (*injectio, onis, f* – юбориш) – даволаш ёки касални аниқлаш мақсадида эритмаларни организмга укол қилиб юбориш (тери ичига, тери остига, мушакларга, қон томирига, тана бўшлиғларига).

**ИРИДОВИРУСЛАР** – *liridoviridae* – оиласига мансуб ДНКли вирус. Масалан, чўчқалар Африка ўлати касаллиги кўзгатувчиси.

**ИСИТМА** (*лот. febris* – иситма) – ҳимояловчи мосланиш реакцияси. Тана ҳароратининг кўтарилиши, модда алмашинувининг ва қон айланишининг ўзгариши юқумли касалликларнинг белгиларидан биридир.

**ИЧАК ТАЁҚЧАСИ** – энтеробактериялар оиласи, эшериха авлодига мансуб бактериялар. Масалан, колибактериоз касаллиги кўзгатувчилари.

## Й

**ЙЎРИҚНОМА** – биологик препаратларни, кимёвий терапевтик дори–дармонларни ишлатиш тўғрисида Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан қабул қилиниб тасдиқланган ҳужжат, йўриқнома.

**ЙЎТАЛ** (*лот. tussis, is, f* – йўтал) – нафас органлари: ҳиқилдоқ, трахея ва бронхлар шиллиқ пардасининг шилимшиқ ёки унга ёт модда билан таъсирланиш белгиси. Бронхлар, ҳиқилдоқ шиллиқ пардалар яллиғланганда бўлади. Й. жарангдор ва хириллоқ; тез-тез ва кам-кам ҳамда доимий; кучли ва кучсиз; юзаки ва чуқур, оғриқли ва оғриқсиз; ҳўл (балғам ажралиш билан) ва куруқ бўлиши мумкин.

## К

**КАВЕРНА** (*лот. caverna* – ғор, бўшлиқ) – касаллик жараёнида тўқималар емирилиши натижасида органларда пайдо бўлган бўшлиқ. Масалан, ўпка силида.

**КАЛИЦИВИРУСЛАР** (*лот. calix* – товон) – *caliciviridae* оиласига мансуб РНКли вирус. Шакли қаварик, диаметри 35–39 нм,

сиртида 32 косачасимон ўймаси икосаэдр тартибида жойлашган.

Чўйқаларла вазиқибар эҳсанга қосаллиғини йўлсати

яллиғланиши. Куйдирги касаллиги карбункулида тўқималар геморрагик яллиғланиш ва некрозланишга учрайди.

**КАСАЛЛАНИШ** – бирор бир касаллик билан касалланган ҳайвонлар сонини характерловчи кўрсаткич, касалга учраган ҳайвонларнинг шу касалга мойил у ёки бу гуруҳдаги ҳамма ҳайвонларга нисбати. Бу кўрсаткич 100, 1000, 10000 ҳайвонга нисбат қилиб олинади. Масалан, шу касалликка мойил 1000 бошдан 15 таси касал бўлса, 1,5 фоизни ташкил қилади.

**КАСАЛЛАРНИ АЖРАТИШ** (*фр. isolation* – ажратиш) – юқумли касаллик кўзгатувчилари манбалари (касал ёки касалга гумон қилинган ҳайвонлар)ни ажратиб сақлаш. Бу касалликнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Ажратиб сақлаш касалдан тузалган ҳайвонлар организмларидан касал кўзгатувчи микроб ёки вируслар ажралиб чиқиши тугаганича давом этади.

**КАСАЛЛИК** – ташқи муҳитдаги ҳаддан ташқари кучли таъсир натижасида организм ҳаёт фаолиятининг бузилиши, мослашув пасайиши билан бир вақтда организм ҳимоя кучларининг сафарбар этилиши билан характерланади.

**КАСАЛЛИКНИ КЕЧИШ ШАКЛЛАРИ** – юқумли касалликлар ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир, сурункали, абортив, латент шаклларда кечиши мумкин. Касаллик ўта ўткир кечганда (бир неча соат) ҳайвон тез ўлгани сабабли, унга хос клиник белгилар намоён бўлишга улгирмаслиги мумкин (куйдирги, брадзот), ўткир шаклда (1–12 кун) эса касалликка хос белгилар яхши намоён бўлади. Ярим ўткир кечиш (2–3 ҳафта) клиник белгиларни ёрқин намоён бўлмаслиги билан характерланади. Касаллик сурункали кечганда у бир қанча ҳафтадан бир неча ойгача, ҳаттоки йиллар давом этиши мумкин (лейкоз, бруцеллез, туберкулез, энзоотик пневмония, манқа, эпизоотик лимфангит, юқумли анемия). Абортив ва латент инфекцияларга қаранг.

**КАСАЛЛИККА МОЙИЛЛИК** – иммунитетнинг тескариси, яъни реактивликни кўриниши. У юқори ёки паст бўлиши мумкин.

**КАСАЛЛИК ЮҚҚАНЛИГИГА ГУМОН ҚИЛИНГАН ҲАЙВОНЛАР** – касал ёки касаллик кўзгатувчиси мавжуд бўлган ҳайвонларга яқин турган ҳайвонлар.



маълум йўллари. К.Қ.Ю.М. қўзғатувчининг ҳайвон организмидан чиқиши, ташқи муҳитда туриши ва янги организмга кириб, касаллик пайдо қилиши жараёнларини ўз ичига олади. Касал қўзғатувчиси бошқа организмга 4 йўл билан юқади: оғиз орқали, нафас олиш, трансмиссив ва контакт. Контакт ҳам 2 хил: конгенитал (жинсий алоқа) ва касал ва соғ ҳайвонларни бевосита бир-бирига тегиши орқали бўлади. Касал қўзғатувчисининг организмдан ташқи муҳитга чиқиб (**горизонтал**) юқишидан ташқари, вертикал (ота-онасидан боласига тухум, уруғ, йўлдош, увиз сути, сут орқали) юқиши ҳам мавжуд. М.: Ауески, юкумли ринотрахеит, чўчқалар ўлати вируслари йўлдош орқали, юкумли ринотрахеит вируси уруғ орқали ҳам юқади.

**КАСАЛЛИККА ГУМОН ҚИЛИНГАН ҲАЙВОНЛАР** – клиник белгилари ноаниқ ёки ҳарорати юқори бўлган ҳайвонлар.

**КАСАЛЛИКЛАР ТАСНИФИ** – касалликларни илмий асосланган гуруҳларга бўлиш, яъни касалликлар ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида уларни синфларга ажратиш. Масалан, ҳайвонлар касалликлари юкумли ва юкумсиз касалликларга, юкумли касалликлар эса ўз навбатида инфекцион ва инвазион касалликлар гуруҳларига бўлинади.

**КАТАБОЛИЗМ** (*гр. catabolismus* – улоқтириш, парчалаш) – организмда мураккаб органик моддаларнинг парчаланиши.

**КЕЧКИ ГЕНЛАР** (*лот. genos* – насл, туғилиш, келиб чиқиш) – ДНК репликацияси бошлангандан кейингина транскрипция тезлиги бирмунча ортадиган генлар.

**КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАР** – кимёвий йўл билан олинган даволовчи воситалар. Табиий ва сунъий усул билан ҳосил қилинган доривор моддалар асосан ҳайвонларнинг юкумли ва юкумсиз касалликларини даволашда қўлланилади. Табиий К.П.га антибиотиклар, алкалоидлар, сульфаниламидлар, нитрофуранли бирикмалар, маргимушнинг органик бирикмалари, рангли дорилар ва бошқалар кирази.

**КИМЁВИЙ ПРОФИЛАКТИКА** (*гр. prophylaktikos* – олдини олиш) – махсус моддалар ёрдамида юкумли ва инвазион касал-

ликларнинг олдини олиш. Юкумли касалликларга қарши тadbирлар асосини вакциналар билан эмлаш ташкил қилади. Ундан ташқари, вирус касалликларини даволашда ва олдини олишда кимевий даволовчи воситалар ҳам ишлатилади. Бу дори моддалари (интерферон, ингибиторлар ва бошқалар) вирусларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади ва организм химоя функциясини оширади.

**КИРИТМА ТАНАЧАЛАРИ** – вирус билан зарарланган хужайралардаги характерли морфологик ўзгаришлар. Буларнинг шакллари ва ўлчамлари ҳар хил бўлади. К.Т. хужайралар ядроси ёки цитоплазмасида жойлашиши мумкин. Айрим вирус касалликларига диагноз қўйишда жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, қутуриш касаллигида – Бабеш Негри К.Т., одамларнинг чечагида – Гварньери, товуқлар чечагида – Болленгер К.Т. ва ҳ.к. Вирус билан зарарланган хужайралар махсус усуллар билан бўялади ва бу К.Т. оддий микроскопда кўрилади.

**КЛИБСИЕЛЛАЛАР** – энтеробактериялар оиласига мансуб, организм ва озуқа муҳитида капсула ҳосил қилувчи, йўғон, калта таёқчасимон, узунлиги 0,6-6 мкм, ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайдиган бактериялар.

**КЛИНИК СОҒАЙИШ** – касаллик клиник белгиларининг йўқолиши. Аммо касаллик қўзғатувчиси бир қанча вақтгача клиник соғломлашган ҳайвон организмида сақланиши мумкин. Ҳайвон организмнинг касаллик қўзғатувчисидан тўлиқ тозаланиши микробиологик соғайиш дейилади.

**КЛОН** (*гр. klon* – насл, уруғ) – бир бактерия, хужайра ёки вируснинг насли, шунингдек, вирус ёки бир хужайрали (кўп хужайрали) организмнинг вегетатив йўл (жинсиз кўпайиш йўли) билан ҳосил қилинган, ирсий жиҳатдан бир хил хусусиятга (белгига) эга бўлган аждоди.

**КЛОНИК ҚИСҚАРИШ** (*гр. klonos* – изтироб, нотинч) – айрим мускуллар ёки мускул гуруҳларининг тез-тез ва тартибсиз қисқариши ва бўшашиши.

**КЛОНЛАШ** – лаборатория шароитида сунъий йўл билан насл олиш, яъни сунъий ўстирилган хужайра ёки бактерия наслини егиштириш.

**КЛОСТРИДИОЗЛАР** – спора ҳосил қилувчи, грам усулида бўялувчи, ҳавосиз жойда яшовчи анаэроб бациллалар (кlostридиялар) туфайли одам ва ҳайвонларда пайдо бўладиган касалликлар. Масалан, қотма, қорасон, брадзот, энтеротоксемия касалликлари.

**КЛОСТРИДИЯЛАР** (*гр. kloster* – ип) – спора ҳосил қилувчи анаэроб (ҳавосиз шароитда ўсувчи) граммусбат бактериялар авлоди, Бациллалар оиласига мансуб, спора ҳосил қилганда урчуқсимон шаклга киради (қорасон, қотма касалликлари кўзгатувчилари мисол бўлади).

**КОККЛАР** (*гр. kokkos* – дон) – шарсимон, факультатив анаэроб, айрим ҳолларда ҳаракатчан, спора ҳосил қилмайдиган, грам бўйича бўяладиган шарсимон бактериялар.

**КОЛИНДЕКС** (*лот. Eschericha coli* – ичак таёқчаси–кўрсаткич) – текширилаётган суюқликнинг 1 литрида мавжуд ичак таёқчаларининг сони. Қаттиқ озуқа муҳитда ўсгач, ичак таёқчаси бактерияси колониялари санаб аниқланади. Сув, ҳаво, озуқа ва бошқа муҳитларнинг шу бактериялар билан зарарланганлик даражасини кўрсатади.

**КОЛИТИР** (*лот. coli*↑, + *фр. tite* – асос) – ташки муҳит объектларининг нечоғлик ифлосланганини ифодалайдиган кўрсаткич. Текширилаётган материалларнинг миллилитр ёки граммлар ҳисобидаги энг оз қисмида битта ичак таёқчага қараб ҳисобланади.

**КОММЕНСАЛ МИКРООРГАНИЗМЛАР** (*лот. commensalis* – текинхўр) – ҳайвон организмда доимо унинг ҳисобидан яшовчи, аммо организмга зиён келтирмайдиган микроорганизмлар. Буларга терида яшовчи: актиномицетлар, замбуруғлар, стафило– ва стрептококklar; ичакларда фаолият кўрсатувчи: эшерихиялар, сальмонеллалар, чиритувчи бактериялар, энтерококklar; юқори нафас олиш аъзолари шиллиқ пардаларда яшовчи: пастереллалар, пневмококklar, стрептококklar, микоплазмалар каби бактериялар киради. Аммо ушбу саналган микробларнинг кўплари организмнинг резистентлиги пасайганда касалик чақириш қобилиятига эга бўлади ва эндоинфекция натижасида, айниқса ёш ҳайвонларни нобуд бўлишига олиб келади.

**КОМПЕНСАТОР МЕХАНИЗМЛАР** (лот. *compensatio* – ўрнини тўлдирмоқ) – ташқи муҳитнинг салбий таъсири натижа-сида организмда бўлаётган функционал ўзгаришларга қаратилган организмнинг бирламчи мослашув рефлектор реакциясини ву-жудга келтирувчи механизмлар.

**КОМПОНЕНТ** (лот. *componens* – ингредиент) – бирор нар-санинг таркибий қисми; масалан, дорининг таркибий қисми.

**КОНВУЛЬСИЯ** (лот. *convulsio* – тортишиш) – айрим мус-кулларнинг тез ва ритмик равишда қаттиқ тиришиб тортилиши.

**КОНСЕРВАЛАШ** (лот. *conservare* – сақлаш) – физикавий ва кимёвий таъсир этиб, айрим нарсаларни (микроорганизмлар, вируслар, кон, орган ёки тўқима ва ҳ.к.ларни) узоқ вақт ичида ўз хусусиятларини ўзгартирмай тургун ҳолда сақлаш усули.

**КОНТАГИОЗЛИК** (лот. *contagiosis* – юқумли) – юқумли ка-салликларнинг нечоқлик тез юқа олишини ифодалайдиган атама. Касал кўзгатувчисининг касал ҳайвондан соғлом ҳайвонга бево-сита контакт ёки ўтиш омиллари орқали юқиши. Жуда тез ва кенг тарқалувчи контагиоз касалликларга оқсил, чечак, ўлат, грипп касалликлари киради.

**КОМПЛЕМЕНТ** (лот. *complementum, i, n* – қўшимча восита) – ҳайвонлар қон зардобида ферментлар типиди бўлган махсус бириктирувчи, боғловчи восита. Диагностик мақсадларда ўтказиладиган иммунологик реакцияларда кенг қўлланилади, деңгбз чўчқасининг қонидан олинади.

**КОНТАМИНАЦИЯ** (лот. *contaminatio* – жойини алмаш-тирмоқ) – бир нарсани иккинчи нарса (микроб, вирус) билан ифлосланиши. Масалан: биопрепаратларни микроб ёки вирус билан ифлосланиши, вирус култураларини микроорганизмлар билан ифлосланиши ёки стерил озуқа муҳитларида касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар ва вируслар мавжудлиги.

**КОРОНАВИРУСЛАР** (лот. *corona* – тож) – *Coronaviridae* оиласига мансуб, геноми бир занжирли РНКдан иборат, нуклеин капсиди найсимон, липопроteid қобикли, тожсимон вируслар. Бу оилга ташқи қобиғининг тузилиши умумий бўлган вирус-

лар киради. Вирионларнинг ташқи қобиғида тўғнағичга ўхшаш бўртган жойлар қуёш тожини эслатади. Коронавируслар йирик шохли ҳайвонлар ва паррандаларда гепатит, неврит, ич ўтиш, энцефаломиелит ва нафас йўли касалликларини кўзгатади.

**КРЕПИТАЦИЯ** (лот. *crepit* – ғажир-ғужирлаш) – тўқималар ўртасида микробларнинг ривожланиши туфайли пайдо бўлган ҳавонинг силжишидан вужудга келадиган товуш. Қорасон касаллигида мушаклар орасида вужудга келган шишни қўл билан босганда ғажир-ғужирлайдиган товуш пайдо бўлади.

**КРИЗИС** (гр. *krisis* – тасодиқ ўзгариш) – касаллик тез кечаётган пайда ҳароратнинг зудлик билан меъёргача ёки ҳаттоки, ундан ҳам пастга тушиши натижасида вужудга келган кескин бурилиш ҳолати.

**КРУПОНЛАШ** (фр. *crupos* – бош қисмисиз ва курсоғсиз ишланган тери) – қимматбаҳо тери хом ашёсидан елка ва ёнбош томон териларини ажратиб олиш.

**КТЕНОНОЗЛАР** (гр. *ktenos* – уй ҳайвонлари, *nosos* – касаллик) – касаллик кўзгатувчиларнинг манбаи бўлиб, фақат уй ҳайвонлари касалликлари гуруҳи.

**КТЕНОТЕРИОНОЗЛАР** (гр. *ktenos*↑ + *therion* – йиртқич, ёввойи) – касаллик кўзгатувчиларининг манбаи бўлиб, уй ва ёввойи ҳайвонлар касалликлари гуруҳи.

**КУЛЬТУРАЛАШ** – микроорганизмлар, вируслар, ҳайвон ва ўсимлик хужайраларини, тўқималарини, аъзоларини сунъий шароитда ўстириш, кўпайтириш.

**КУМБС РЕАКЦИЯСИ** – эритроцитлар сатҳида ва қон зардобида тўлиқ шакланмаган антителиларни аниқлаш қобилятига эга бўлган серологик текшириш усули. Бу тақрор эмлаш йўли билан олинган глобулинга қарши қон зардобини қўллашга асосланган.

**КЎЗ СИНОВИ** – кўз конъюктивасига махсус аллерген юбориб, ундаги ўзгаришларни кузатиш билан касал молларни аниқлаш усули (туберкулёз, отларнинг манқа касаллигига ташхис қўйишда ишлатилади).

**КЎК ЙИРИНГ ТАЁҚЧАЛАРИ** (*Pseudomonas aeruginosa*) – ҳаракатчан, турли хил шаклдаги бактериялар. Нейтрал ёки ишқорли муҳитда кўк рангли, кислотали муҳитда эса қизил рангли пигмент ишлаб чиқаради. Табиий шароитда К.Й. таёқчалари тупроқда, сувда, ўсимликларда яшаб, кўпинча куйган яралардан, таносил аъзоларининг ярасидан ажратилади ва псевдомоноз касаллигини кўзгатади.

## Л

**ЛАБОРАТОРИЯ ҲАЙВОНЛАРИ** – оқ сичқон, каламуш, денгиз чўчқачаси, куён сингари майда ҳайвонлар илмий, амалий мақсадлар учун фойдаланилади.

**ЛАГ – ФАЗА** – хужайранинг кўпайиши бошланишидан олдинги давр.

**ЛАКТОБАКТЕРИЯЛАР** – сут ачитқи бактериялари, таёқча шаклида бўлиб, сигир сутини ачитишда ишлатилади. Шунингдек, углеводларни сут кислотасига айлантиради. Ичакда чири-тувчи микроорганизмларга қарши таъсир кўрсатади.

**ЛАКТОБАЦИЛЛИН** – турли сут ачитқи бактерияларининг аралашмаси, ичакдаги чириш жараёнига қарши қўлланилади. Л. таркибига лактобациллалар, болгар ацидофил таёқчалари ва сут ачитувчи стрептококклар киради.

**ЛАПИНЛАШГАН ШТАММЛАР** – (*фр. lapen* – куён) – куён организмга мослашган, унинг организмда кўпайган микроор-ганизмлар ёки вируслар.

**ЛАТЕБРА** (*лот. latebra* – яширинган) – паррандалар тухумининг сариғидаги тиниқ, ёришган майдонча, шакли колбасасимон, эмбрионнинг остида жойлашган бўлади.

**ЛАТЕКС** (*лот. latex* – нам, суюқлик) – сутсимон суюқлик, каучукли ва бошқа дарахтларда бўлади. Антигенлар ушбу манбадан тайёрланган таначаларга бириктирилади ва адсорбент сифатида серологик реакцияларда фойдаланилади.

**ЛАТЕКС ТЕСТ** – агглютинация усули, бунда антиген ёки антителоларни шимдириш учун нейтрал моддалардан фойдаланилади, бу эса реакциянинг сезгирлигини кескин оширади.

**ЛАТЕНТ ДАВР** (*лом. latentis* – яширин) – касалликнинг яширин даври, касаллик кўзгатувчиси организмга киргандан кейин касалликнинг бирор клиник ёки морфологик белгиси пайдо бўлгунича орадан ўтадиган давр.

**ЛЕЙКОВИРУСЛАР** – парранда, мушук, сичқон, йирик шохли молларда лейкоз касаллигини кўзгатадиган РНК-ли вируслар. Ретровириди оиласи, онкорнавируслар биринчи гуруҳи С турига мансуб.

**ЛЕЙКОЗ** (*гр. leukosis* – лейкомия – турғун лейкоцитоз) – ўсма табиатли юқумли вирус касаллик, оқ қон таначалари ҳосил қиладиган тўқималарнинг ортиқча фаолияти натижасида қонда тўла шакланмаган лейкоцитларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши билан таърифланади. РНКли онковирус қорамол, қўй ва паррандаларда лейкоз касаллигини кўзгатади.

**ЛЕЙКОЦИДИН** (*гр. leukas* – оқ + *лом. caedere* – ўлдириш) – лейкоцитларга заҳарли таъсир қилувчи, уларда турли ҳажмдаги ўзгаришлар пайдо қиладиган, стафилококklar ва стрептококklar ишлаб чиқарадиган токсинлар.

**ЛЕПТОСПИРОЗ** (*leptospirose* – лептоспироз – сарғайма касаллиги) – спирохета (лептоспира)лар оиласига мансуб микроорганизмлар кўзгатадиган юқумли касалликлар гуруҳи.

**ЛЕТАЛ ДОЗА** (ЛД–50) (*лом. letalis* – ўлим) – вирус ва микроорганизмларнинг тажрибадаги ҳайвонларнинг 50 фоизини ўлдирадиган микдори.

**ЛЕТАЛЛИК** – касалликнинг нечоқлик оғир ўтаётганини ифодалайдиган интенсив кўрсаткич бўлиб, касалликдан ўлган ҳайвонлар бош сонининг касалланган ҳайвонлар умумий сонига бўлган нисбатидир.

**ЛИЗИНЛАР** (*гр. lysina, orum* – эритиш, парчалаш) – бактерия ва бегона хужайра элементларини, антигенларни эритиб юборадиган ёки емирадиган антителолар. Юқорида қайд қилинган антигенлар организмга киргандан кейин уларга қарши ҳосил бўлади. Л. хужайра мембранасини ва цитоплазма комплекментини емириб ундан чиқади ва организмга ёт нарсаларга қарши

курашади. Улар бактериолизин, гемолизин ва цитолизинларга бўлинади.

**ЛИЗИС** (*гр. lysis* – эритиш, емирилиш) – организмда махсус бактериолизинлар, бактериофаглар, лизоцим, антибиотиклар ва бошқа воситалар таъсирида қон ҳужайралари, бактерия ва вирусларнинг емирилиши ва эриб кетиши.

**ЛИЗОГЕНИЯ** (*лот. lysina*† + *genus* – ҳосил қилиш) – бактерия ва фагларнинг геномларининг бир бутун хромосомадек бирга мавжуд бўлиши ва лизинлар ҳосил қилиши.

**ЛИЗОСОМЛАР** (*гр. lysis*† + *soma* – танача) – ҳужайранинг мембрана билан ўралган органоидлари, улар модда алмашинувида иштирок этади. Улар ўзида кислотали муҳитда фаол фосфатаза, катепсин, рибонуклеаза, дезоксирибонуклеаза каби ферментларни сақлайди. Л. фагосома билан қўшилиб фаголизосомалар ҳосил қилади ва ҳужайра ўраб олган ёт нарсаларнинг ҳазм бўлишини таъминлайди.

**ЛИЗОЦИМ** (*гр. lysis*† + *zyme* – ачитки, фермент) – грам усулида бўяладиган микроорганизмлар қобиғидаги мураккаб полисахаридларни парчаловчи фермент. Тухум оксили, бурун шиллиқ пардаси ва талоқ, жигар, кўз ёшида, сўлак, сут, қон зардоби ва гранулоцитларда бўлади.

**ЛИМФА** (*лот. lymphā* – тоза сув, намлик, суюқлик) – умуртқали ҳайвонлар лимфа тизимининг таркибида бўлувчи қон плазмасига яқин суюқлик.

**ЛИМФА СИСТЕМАСИ** (*лот. systema* – система, тизим, *lymphā*†) – организмдаги лимфа томирлари, лимфа тугунлари мажмуаси тизими. Вена томирлари ва тўқималардаги суюқликни, коллоид эритмалар, оксилларни ҳамда ёт моддаларни шимиб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам лимфа тизими организмда биологик филтер бўлиб ҳисобланади.

**ЛИМФОГЕҶ** (*лот. Lymphā*† *genos*†) – лимфа оқими билан тарқалиш. Микроорганизмлар ва вируслар аввало, организмнинг лимфасига дуч келади ва у орқали тарқалади.

**ЛИОФИЛЛАШ** (*гр. lyo* – эритаман ва *phileo* – севаман) – музлатиб, кейин чуқур вакуум шароитида қуритиш. Биологик

объектлар (вирус, микроб, уларнинг антигенлари, вакциналар ва ҳ.к.)ни, озик-овқатни лиофиллаш мумкин. Бунда музлатилган материалдан муз буғланиши натижасида суюқликка айланмасдан сув йўқотилади. Лиофилланган нарсалар узоқ муддатгача бузилмасдан сақланади.

**ЛИПОПРОТЕИД ҚОБИҚ** (*гр. Hpos – ёғ, protein – оксил*) – вирион қобиғининг ёғ ва оксилдан иборат ташқи қатлами, вирус вояга етгач ҳужайра мембранасида ҳосил бўлади.

**ЛИССАВИРУСЛАР** (*лот. vira↑, lyssa – кутуриш*) – кутуриш касаллиги вируси. Лиссавирус авлоди, Рабдовириди оиласига мансуб.

**ЛИСТЕРИЯЛАР** – листериоз касаллиги кўзғатувчилари (*Listerfa monocytogenes*), грам билан бўялувчи, спора ҳосил қилмайдиган, икки томонида қилсимон хивчини бўлган, ҳаракатчан, таёқчасимон бактериялар. Л. факультатив анаэроб, ташқи муҳит омилларига чидамли, қуритилган ҳолатда ўзининг касаллик пайдо қилиш қобилиятини 7 йил сақлайди. Л.га кўй, эчки, қорамол, чўчка, от, кўён, паррандалар мойил.

**ЛОКАЛ** (*лот. localis – маҳаллий*) – чегараланган. Масала, туберкулёз касаллигида жароҳат фақат лимфа тугунида, ўпкада, елинда жойлашиши мумкин.

**ЛОКАЛЛАНИШ** (*лот. localisatio – чегараланиш, жойлашиш*) – биринчидан, у ёки бу патологик жараённинг авж олган, жойлашган жойи ва таъсир чегараси; иккинчидан, ҳайвон организмнинг маълум бир жойида касал кўзғатувчисининг жойлашган жойи.

**ЛОФОТРИХЛАР** (*гр. lophos – кокил, trichos – жун*) – туклари бир учида тўп бўлиб жойлашган, ҳаракатчан, таёқчасимон бактериялар гуруҳи.

**ЛЮМИНЕСЦЕНТ ТЕКШИРИШ** – ҳайвонлардан олинган маҳсулотларни ультрабинафша нурлари ёрдамида люминесцентлаш, уларнинг нур чиқариш товланиш хусусиятини текширишда ишлатилади. Л. Т. маҳсулотларни ветеринария-санитария нуқтаи назаридан текширишда қўлланилади.

## М

**МАКРОФАГЛАР** (*гр. macros* – катта, *phagos* – фаг) – микроб ва ёт заррачаларни қамраб олиш ва ҳазм қилиб юбориш қобилиятига эга бўлган йирик хужайралар – **мононуклеар фагоцитлар** (гистиоцитлар, ретикуло–эндотелиал хужайралар ва моноцитлар).

**МАЛЛЕИН** (*лот. malleus* – манқа) – биологик препарат, аллерген, от, эшак, хачир ва туяларда манқа касаллигини аллергик усулда текшириш учун ишлатилади.

**МАЛЛЕИНЛАШ** – тоқ туёқлилар ва туяларни маллеин ёрдамида манқа касаллигига аллергик текшириш.

**МАННИТ** – маннитол,  $C_6H_{14}O_6$  – олти валентли алкохол, ўсимликларда, меваларда, ширин суюқликларда учрайди. Кам оксидланганда манноза ва фруктоза ҳосил қилади, микроорганизмларнинг кимёвий хусусиятларини ўрганишда ишлатилади.

**МАРКЕР** (*фр. marquer* – белгиламоқ) – маркер ирсий белги бўлиб, у орқали ҳар хил микроорганизмлар ва сунъий ўстирилаётган хужайралар бир–биридан фарқланади. Масалан, маркер бўлиб ферментлар, трансферинлар, антигенлар ёки бошқа моддалар хизмат қилиши мумкин.

**МАСТИСАН (А, Б)** – стафилакокк, стрептококк ва бошқа турдаги микроорганизмларнинг ўсишига, кўпайишига йўл бермайдиган антибиотиклар суспензияси. Қорамолларда мастит касаллигини даволашда ишлатиладиган махсус препарат. ўсимлик мойига антибиотиклар суспензияси ва норсульфазол кўшиб тайёрланади. Ранги сарғиш кўнғир, асосан стрептококк ва стафилакоккларга нисбатан жадал таъсир кўрсатади. Пенициллин, стрептомицин ва сулфаниламид таъсирига чидамли микроблар гуруҳига ҳам таъсир қилиш хусусиятига эга.

**МАСТИТЛАР** (*гр. mastitis* – эмчак) – сут безининг яллиғланиш касаллиги.

**МАХСУС ҲИМОЯ КИЙИМИ** – одамларга касбидаги зарарли нарсалар таъсирини кучсизлантириш ёки йўқотиш мақсадида

бериладиган махсус кийимлар. Буларга: бош кийими, халат, кўлқоп, резина этик ва бошқалар киради.

**МЕДИЦИНА, ТИББИЁТ** (лот. *medicine* – сўздан олинган бўлиб, даволаш, олдини олиш маъносини англатади). Касалликларни аниқлаш, даволаш, олдини олиш ҳамда одамларнинг соғлигини сақлаш, умрини узайтиришга қаратилган фан соҳаси ва амалий фаолияти.

**МЕЗОСОМАЛАР** – бактерия ҳужайрасининг таркибидаги шаклланган компонент, цитоплазма мембранасида таркиб топади, нуклеотид билан бириккан бўлади.

**МЕТАБИОЗ** – микроорганизмлар орасидаги ўзаро мулоқот шакли, бир микроорганизмнинг ҳаёти жараёнида ажратиб чиқарган моддалари иккинчи микроорганизм учун озукка манбаи бўлиб хизмат қилиши билан тавсифланади.

**МЕТАБОЛИЗМ** (гр. *metabolismus* – бошқа нарсага айланиш) – тирик организмда модда алмашинуви натижасида рўй берадиган ассимиляция ва диссимиляция фазаларидан ташкил топган кимёвий ўзгаришлар мажмуаси, моддалар алмашинув жараёни.

**МЕТАЗООНОЗЛАР** – умуртқасизлар орқали биологик йўл билан ўтадиган касалликлар. Бунда вируслар ёки микроорганизмлар умуртқасизлар (кана, сўна ва бошқалар) организмда кўпаяди. Метазоонозларга арбовируслар кўзгатадиган касалликлар, зооантропоноз, ўлат ва пироплазмидозлар киради.

**МЕТАСТАЗ** (гр. *metastasis* – силжиш, ўтиш) бактериялар, ўсма ҳужайралар ва бошқа турли заррачаларнинг қон ҳамда лимфа орқали тарқалиб, янги жойда ривожланиши.

**МИГРАЦИЯ** (лот. *migrativ* – кўчиш) – ҳайвонларнинг яшаши учун қулай шароит туғдириш мақсадида бир жойдан бошқа жойларга кўчиши. Вирус ва бактерияларнинг организмга тушгандан кейинги кўпайиши учун қулай шароитга жойлашиши.

**МИКОБАКТЕРИЯЛАР** (гр. *mykes* – замбуруғ, *bakterion*†) – микобактериум авлодига мансуб бактериялар, актиномицетларга яқин, спора ва тугунча ҳосил қилмайди, аэроб, ҳаракатсиз, грам

бўйича бўялади, кислотага чидамли, бўлиниб ва бўртиб кўпаяди. Табиатда зиёнсиз ҳамда касаллик чақирувчи турлари кенг тарқалган.

**МИКОЗЛАР** (*гр. mykes†*) – одам ва ҳайвонларда касаллик кўзгатувчи замбуруғлар. Замбуруғларнинг бир тури (дерматомикозлар) терини шикастласа, бошқалари нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, асаб тизимларини зарарлайди.

**МИКОЛОГИЯ** (*гр. mykes† + logos* – таълимот, фан) – замбуруғларнинг табиатда тутган ўрнини, тузилишини, ривожланишини, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ва одам, ҳайвон ҳамда ўсимликлар организмга таъсирини ўрганувчи фан. Тиббиёт ва ветеринария микологияси одам ва ҳайвон организмда учрайдиган замбуруғ касалликларини ўрганеди.

**МИКОПЛАЗМАЛАР** (*гр. mykes† + plasma* – тасвир, пайдо бўлиш) – бактерия билан вируслар ўртасидаги оралик ўринни эгаллаган микроорганизмлар гуруҳи. Микоплазмаларда ҳақиқий хужайра девори бўлмайди, улар кўринишда полиморфизм (кўп хилли морфологик тузилишга эга) ҳолатда бўлиб, хужайрасиз озуқали муҳитда ўсиш ва ривожланиш хусусиятига эга. Булар йирик шохли ҳайвонларда, товукларда микоплазмоз касаллигини пайдо қилади. М. тургун шаклга эга бўлмайди, цитоплазмаси мембрана билан ўралган, катталиги ўрта вирусларга тўғри келади. Вируслардан фарқи хужайрасиз озуқа муҳитларда ўсади.

**МИКОТОКСИКОЗЛАР** (*гр. mykes† + toxikon* – заҳар + *osis* – касаллик) – токсинли замбуруғлар билан зарарланган ҳашакни ейиш туфайли юзага келадиган заҳарланиш касалликлари.

**МИКРОАЭРОФИЛЛАР** (*гр. mikros* – кичик, *aer* – ҳаво, *philla* – мойиллик) – кам кислородли муҳитда ўсадиган микроорганизмлар, лекин анаэроб эмас, кислород кўп бўлса нобуд бўлмайди, аммо ўсиши секинлашади.

**МИКРОБ БИЛАН ИФЛОСЛАНИШ** – озиқ-овқат маҳсулотларида, ем-ҳашакларда ва биопрепаратларда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг мавжудлиги, уларга микроб юқиши. Контаминацияга қаранг.

**МИКРОБ ТАШУВЧАНЛИК** – ҳайвон касалдан тузалгач, айрим касал кўзгатувчиларининг ҳар хил муддатда организмда сақланиши. М.Т. ҳайвоннинг касал бўлиши билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолат фақат микробиологик текшириш натижасида аниқланади. Ҳайвон касалликка чидамли (резистентлиги юқори) бўлса, у клиник соғлом бўлиб қолавериши, аммо салмонеллез, пастериллез, сарамас кўзгатувчиларини ўзида сақлаб юриши мумкин.

**МИКРОБИОЛОГИК РЕАКТОРЛАР** (*лот. ze* – қайта, *actor* – амалга оширувчи, бажарувчи, воситачи) – вакцина ва анатоксинларни тайёрлашда, микробларни кўпайтириш ва ўстиришда қўлланиладиган асбоблар (идишлар). Микробиологик реакторларда озуқа муҳитни тегишли ҳароратда сақлаш орқали бактериялар, вирусларни кўпайтириш, уларни фаолсизлантириш ва тайёр биопрепаратларни идишларга қадоқлаш мумкин.

**МИКРОБИОЛОГИЯ** (*гр. mikros*†+*bios* – ҳаёт, *logos* – таълимот) – кўз билан кўриб бўлмайдиган жуда майда, тирик мавжудотлар – микроорганизмлар тизимини, морфологиясини, биокимёси, генетикаси, тарқалиш ва табиатдаги тутган ўрнини ҳамда одамлар, ҳайвонлар, ўсимликларнинг юкумли касаллик кўзгатувчиларини ўрганувчи фан.

**МИКРОБЛАР АДАПТАЦИЯСИ** (*лот. adaptare* – мослашув) – микроорганизмларнинг янги шароитда ўсиши ва ривожланиши учун мослашуви жараёнида намоён бўладиган хусусиятлари. Микроблар адаптацияга қодир бўлгани учун ҳам табиатда доимо сақланиб туради. М. А. да вақтинчалик ёки доимий ирсий, морфологик ва физиологик ўзгаришлар қайд қилиниши мумкин.

**МИКРОБЛАР СОНИ** – ташқи муҳитдаги сув, тупроқ, озуқа ва бошқа воситаларни гигиеник баҳолаш кўрсаткичи. 1 мл суюқликда, гўшт-пептонли агарда ўсган бактериялар сони билан ифодаланади.

**МИКРОБЛАРНИНГ АНТИБИОТИКЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИ** – микробларнинг айрим штаммлари антибиотикларга чидамлилик хусусиятига эга. Антибиотикларга чидамлилик

қобилияти микроорганизм штаммларида ўз-ўзидан ёки мутация туфайли юз бериши мумкин. Айниқса, бу ҳолат касаллик даврида антибиотикларни керагидан кам миқдорда ва нотўғри ишлатиш натижасида юз беради.

**МИКРОБЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДАН ЧИҚИШИ** – касалланган ёки микроб ташувчи ҳайвонлар организмидан касал кўзгатувчи микробларнинг ажралиб чиқиши.

**МИКРООРГАНИЗМЛАР** (*гр. mikro*↑, *organismus* – организм) – ўсимлик ва ҳайвонларда учрайдиган жуда майда организмлар, фақат микроскопда кўринади. Улар ўз навбатида прокариотлар ва эукариотларга бўлинади. Прокариотларга бактериялар, актиномицетлар, риккетсиялар, хламидиялар ва микоплазмалар киради. Уларнинг ядроси эукариотдан фарқли ўлароқ мембрана билан чегараланган эмас. М. ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликлар, судралиб юривчилар ва бошқа тирик мавжудотларда кўпгина юқумли касалликларни кўзгатади. М. облигат (ҳайвон иммунли бўлмаса, ҳар қандай ҳолатда ҳам касаллик кўзгатади) ва факультатив (фақат ҳайвоннинг номахсус чидамлилиги пасайса, касаллик пайдо қиладиган) бўлиши мумкин.

**МИКРООРГАНИЗМЛАР ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯСИ** – микроорганизмларнинг оксидланиш жараёнида нур тарқатиши, энергия чиқаришининг ўзига хос кўриниши. Бактерияда кислотадан оқими қанча кўп бўлса, шунча кўп товланади, нур тарқатади.

**МИКРООРГАНИЗМЛАР ТОКСИНЛАРИ** (*гр. toxikon* – заҳар) – микроорганизмларнинг заҳарли моддалари, кўпчилик патоген микроорганизмлар ўзларининг ривожланиш жараёнида ишлаб чиқаради. Уларнинг икки тури бор: экзо ва эндотоксинлар. Масалан, ботулизм, қотма, яъни қоқшол касаллиги кўзгатувчиларининг заҳарлари.

**МИКРООРГАНИЗМЛАР ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ** – микроорганизмларнинг ҳаёти давомида айрим белгиларини ва хусусиятларини ўзгартириш қобилияти.

**МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ** – микроорганизмларнинг морфологик, биокимёвий, биоло-

гик, серологик ва бошқа хусусиятларини атрофлича ўрганиб, таснифдаги ўрни ва турини аниқлаш. М.И. бактериал касалликларга диагноз қўйишнинг охириги босқичи.

**МИКРОСКОП** (*гр. micros†+skopeo* – кўриш) – кўз билан бевосита текшириб бўлмайдиган майда заррачаларни, микроорганизмларни кўриш учун ишлатиладиган оптик асбоб.

**МИКРОСКОПИЯ** – кўзга кўринмас объектларни микроскоп ёрдамида текшириш, катталаштирилган (1800 бараваргача) ҳолда кўздан кечириш.

**МИКРОСПОРИЯ** (*лот. micros†+ spora* – уруғ) – одам ва ҳайвонларнинг замбуруғли касаллиги.

**МИКРОФАГЛАР** – қоннинг турли шаклдаги ядроли хужайралари (нейтрофиллар, эозинофиллар, базофиллар), фагоцитоз хусусиятига эга. Макрофаглардан фарқи: бўёқли жинсларни, катта ҳажмли ўлган хужайраларни ютмайди, кўпинча яллиғланиш марказидаги бактерияларни ютади.

**МИЛИАР ЎЧОҚ** – катталиги тарикдек келадиган касаллик ўчоқи. Туберкулёз касаллигида кузатилади.

**МИНИ ҲАЙВОНЛАР** – тирик вазни жуда кичик бўлган ҳайвон зоти, у шу турга хос ҳамма асосий биологик белгиларни ўзида сақлаган. М. Ҳ. кам ем-хашак истеъмол қилиб, жуда эрта жинсий етилиши ва факультатив микробларга жуда чидамлилиги билан тавсифланади.

**МОЛЛАР ҚОНИНИ ОЛИШ** – касалликка диагноз қўйиш, қон зардоби тайёрлаш учун ҳайвонлар танасидан қон олинади.

**МОНОВАКЦИНАЛАР** (*гр. monos* – бир) – бир турдаги касаллик қўзғатувчиларидан тайёрланган вакцина. Масалан, куй-диргига, ўлатга, сарамасга қарши вакциналар.

**МОНОТРОП ПАТОГЕНЛАР** – бир аъзо ёки тўқимада паразитлик қилувчи бактериялар, вируслар (м: қутуриш вируси нейротроп-нейронларда, чечак вируси дерматроп-терида, қорсон бациллеси миотроп – мускулларда, паратуберкулёз қўзғатувчиси – ичакда).

**МОҒОРЛАР** – булар момиксимон, ўргимчаксимон, дуҳобасимон бўлиб, ем-хашакларда, озуқа маҳсулотларда ва бошқа

органик субстратларда моғорли замбуруғларнинг ривожланишидан ҳосил бўлади.

**МУТУАЛИСТ ЯШАШ** – бу иккала симбиотга (макроорганизм ва микроорганизм) ҳам фойда (меъерий микроорганизмлар) келтириб яшаш ҳисобланади. Ҳайвонлар организмдаги аксарият меъерий микроорганизмлар мутуалистлар ҳисобланади-ки, улар ўз фаолияти натижасида макроорганизмга фақат фойда келтиради. Айримлари эса, зарарли микроорганизмларга антогонист ҳисобланади, яъни ўз фаолияти билан бошқа микроорганизмни ривожланишига тўсқинлик қилади. М: сут-ачитки микроорганизмлар чириш микроорганизмларини ривожланишини тўхтатади, бошқалари фойдалари ферментатив фаоллик асосида (кавшовчи ҳайвонлар катта қорнида) клетчаткани парчалайди, учинчилари витаминлар ишлаб чиқаради. Шулар эвазига ҳайвонларни қорин ва бошқа бўшлиқларида яшовчи меъерий микроорганизмлар организмни резистентлигини ва табиий ҳимоясини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

**МУТАЦИЯ** (лот. *mutatio* – ўзгариш) – ген ва ген туркумларнинг ирсий хусусиятлари бошқача бўлиб қолган ўзгаришлар, яъни организмда вужудга келадиган ҳар қандай ирсий ўзгаришлар. М. нуклеин кислоталарининг таркибидаги ўзгаришдир. М. ҳамма тирив мавжудотларга – вируслардан одамларгача хосдир.

## Н

**НЕЙРАМИНИДАЗА** – ортомиксовируслар таркибига кирувчи фермент – энзим катализатор бўлиб, унинг иштирокида эритроцитлардаги вирус рецепторлари емирилади ва вирусларнинг хужайрадан чиқиб эркин тарқалишига имкон туғилади.

**НЕЙРОГЕН** (сп. *neuron* – асаб, нерв, *genes* ↑) – асаб тўқималарининг зарарланиши натижасида касалликнинг вужудга келиши. Асаб толалари орқали вируснинг юриши. Масалан, қутуриш касаллиги вируси Н. вирусдир.

**НЕЙРОТРОП** (*гр. neuron*↑ + *tropos* – йўлланиш) – захарли моддалар, микроблар ва вирусларнинг асаб тўқималарига танлаб таъсир этиш хусусияти. Масалан, кутуриш, скрепи, энцефаломиелит, ауески вируслари.

**НИСТАТИН** – касаллик чақирувчи замбуруғларга таъсир қилувчи дори, антибиотик.

**НОЗОГЕОГРАФИК КАРТА** – бир ёки бир қанча гуруҳдаги касалликларнинг ўзига хос жўғрофий тарқалишини акс эттирувчи карта.

**НОЗОЛОГИК БИРЛИК** – маълум бир касаллик номенклатураси, уни тавсифлаш бирлиги.

**НОМЕНКЛАТУРА** (*лот. nomen* – номи + *calare* – аталиши) – касалликларнинг номлари.

**НОМУКАММАЛ ВИРУСЛАР** – нуклеин кислотаси бўлмаган, лекин антиген хусусиятини сақлаб қолган вирионлар. Бундай вирионлар биринчи марта ортомиксовирусларда қайд қилинган.

**НОРМАТИВ ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР** – ваколатли давлат ташкилотлари тасдиқлаган, биологик дори–дармонларни (вакцина, аллерген, иммун зардоб, диагностикаум ва бошқаларни) тайёрлашни, уларни назорат қилишни таъминлайдиган расмий ҳужжатлар (қўлланма, техник шартлар ва йўриқномалар).

**НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ** – ваколатли давлат ташкилотлари томонидан чиқариладиган қоида ва қонунларни белгиловчи расмий ҳужжат. Масалан, Давлат ветеринария Низоми.

**НОСОҒЛОМ ПУНКТ** (*лот. punctus* – пункт, жой, манзил) – носоғлом манзил, аҳоли яшайдиган жойда ёки алоҳида бир чорвачилик объектида юқумли касаллик, яъни носоғлом эпизоотик ўчоқнинг мавжудлиги.

**НОСОҒЛОМ ҲУДУД** – чегараланган маълум бир ҳудудда бирор бир юқумли касаллик (лейкоз, кутуриш, куйдирги касалликлари ва бошқ.)ни аниқланиши.

**НУКЛЕОИД** (*лот. nucleus* – ядро, *гр. eidos*–тур) –

вируснинг нуклеин кислотали марказий қисми, бактерияларнинг ўзаги – ядроси. Н.– мукаммаллашмаган микроорганизмларда (прокариотларда) ҳам мавжуд. Прокариотларнинг ядроси катта хромосомадан ташкил топган, яъни протоплазмадан мебрана билан чегараланмаган бўлади. Прокариотларга қаранг.

**НУКЛЕОКАПСИД** – нуклеин кислотанинг вирион ирсий хусусиятларини мужассамлаштирган оксил қобиғи.

**НУКЛЕОКАПСИДНИНГ ШАКЛЛАРИ** – изометрик вирионлар капсомерининг шаклланишидаги геометрик тартиб, икосаэдра 20 та тенг томонли учбурчакдан ташкил топади ва ҳар бири 5 та учбурчак учи бирлашган баландликдан иборат бўлади.

**НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР (*nuclioproteida*)** – таркибига оддий оксиллар ва нуклеин кислота кирадиган мураккаб оксиллар.

**НУКЛЕОТИДЛАР** – ДНК ва РНКнинг бўлаклари: ДНК таркибидаги ҳар бир нуклеотид бир азотли асосдан, беш углеродли карбон суви – дезоксирибоза ва фосфат кислотаси қолдиғидан ташкил топади. ДНК таркибида 4 та: аденин, гуанин, цитозин ва тимин нуклеотидлари мавжуд. РНКда дезоксирибоза ўрнига рибоза, тимин ўрнига эса урацил нуклеотида бор.

## О

**ОБЛИГАТ ПАРАЗИТЛАР** (*лот. obligatus* – боғланган, мажбурий) – фақат маълум шароитларда яшаб, кўпая оладиган паразитлар. Масалан, облигат – трансмиссив касалликлар (пи-роплазмидозлар)да касал кўзғатувчи фақатгина қон сўрувчи хашаротлар орқали соғлом ҳайвонларга ўтади.

**ОЗУҚА МУҲИТЛАР** – текшириладиган материалдан касаллик кўзғатувчисини ажратиш ва унинг турини аниқлаш ҳамда биологик препаратларни тайёрлаш, микроб массасини тўплаш учун қўлланиладиган турли хил сунъий озуқа муҳитлар. Ҳар қандай озуқа муҳитининг таркибида керакли моддалар тоза ҳолда етарли бўлиши лозим.

**ОИЛА** (*лот. familia, ae, f*) – ҳайвонлар, ўсимликлар, микро-организмлар, вируслар системасининг таркибига кирадиган тақсоник категория. Келиб чиқиши бир–бирига яқин бўлган авлодлар оилага бирлаштирилади. Масалан, юқумли ринотрахеит вируси – герпес оиласига мансуб.

**ОНКОВИРУСЛАР – ОНКОГЕН ВИРУСЛАР** – *Retroviridae* оиласи, *onkoviridae* кичик оиласига мансуб РНКли вирус, сут эмизувчилар ва паррандаларда лейкоз ҳамда хавfli ўсма касаллигини пайдо қилади.

**ОПИСТОТОНУС** (*гр. opisthen* – орқадан, *tonos* – тортилиш) – елка, бўйин ва бош мускулларининг тортишиб қисқариши. Бундай ҳол қоқшол касаллигида вужудга келади.

**ОПТИМАЛ** (*лот. optimus* – жуда яхши, қулай) – жуда қулай шароит. Масалан, аксарият бактерияларнинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши учун жуда қулай ҳарорат 37–38° С ҳисобланади.

**ОРГАНИЗМ РЕАКТИВЛИГИ** (*лот. re* – яна, *activus* – таъсирли, фаол) – организмнинг ташқи муҳитнинг ёт таъсирларига ўз фаолиятини ўзгартириши билан жавоб бериш хусусияти. Реактивлик организмни ташқи муҳитнинг ёт шароитига мослашишини таъминлайди. Реактивлик патологик таъсирлар остида организмнинг фаолиятида бўладиган ўзгаришлардир.

**ОРГАНИЗМГА ҚЎЗҒАТУВЧИНИНГ КИРИШ ЙЎЛЛАРИ** – ҳайвон организмга касаллик қўзғатувчисининг кириш йўллари турли-тумандир. Инфекция дарвозаси бўлиб, терининг жароҳатланган юзаси ва шиллиқ пардалар ҳисобланади. Аксарият касаллик қўзғатувчилари ҳайвон организмга кириш йўлларига эволюцион тарзда мослашиб олган.

**ОРГАНИЗМДА ҲОСИЛ БЎЛМАЙДИГАН НОЎБ АМИНОКИСЛОТАЛАР** – ҳайвонлар организмда синтез қилинмайдиган, лекин организмнинг меъёрида ўсиши, ривожланиши учун керак бўлган аминокислоталар. Булар жумласига валин, изолейцин, лейцин, лизин, метионин, треонин, триптофан, фенилаланинлар киради.

**ОРГАНИЗМДАН КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИСИНИНГ ЧИҚАРИЛИШИ** – касаллик қўзғатувчилари ташқи муҳитга ҳайвон организмидан турли маҳсулот ва чиқиндилар (сут, сўлак, сийдик, нажас ҳамда кўз, бурун, шунингдек, жинсий аъзолардан оқиб чиқаётган суюқликлар ва ҳ.к.) орқали ажралиб чиқади. Булардан ташқари йўтал пайтида, шунингдек, тери яраларидан ва қон томирлари жароҳатланганда оқаётган қон орқали ҳам касаллик қўзғатувчиси ажралиб чиқади.

**ОРИҚЛАШ** – барча аъзолар, тизимлар ишининг ёки бутун организм умумий фаолиятининг заифлашуви билан ифодаланадиган ҳолат.

**ОҚАР СУВЛАРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ** – санитария-техник тадбирлар мажмуаси бўлиб, у оқар сувдаги патоген микроорганизмларни ўлдириб, йўқотиб юборишга қаратилган.

**ОҚАР СУВНИ ТОЗАЛАШ** – оқинди сувларни микроорганизмлар ва кимёвий ифлос қўшилмалардан тозалашга қаратилган санитария-техник тадбирлар.

**ОҚСИЛЛАР** (лот. *albumina* – протеинлар) – аминокислоталарнинг полимерлари бўлган юқори молекулали азотли органик моддалар. Улар барча тирик организмлар ва ҳаётий жараёнларнинг асосий таркибий қисмидир.

## II

**ПАНДЕМИЯ** (гр. *pain* – ҳамма, *pandemos* – умумий, умумхалқ) – бир неча мамлакатларни қамраб олган, халқ орасида кенг тарқалган эпидемик касалликлар. Масалан, грипп, СПИД ва бошқалар.

**ПАНЗООТИЯ** (гр. *pain* + *zoon* – ҳайвон) – эпизоотик жараённинг энг шиддатли юқори даражаси бир неча мамлакат ва қитъаларни қамраб оладиган ҳайвонлар касалликлари эпизоотияси. Масалан, оқсил, қорамоллар ўлати.

**ПАНТРОП ПАТОГЕНЛАР** – бирқанча тўқима, аъзо ва қонда паразитлик қилувчи бактерия ва вируслар (туберкулез, оқсил, ўлат қўзғатувчилари).

**ПАПОВАВИРУСЛАР** – *Papovaviridae* оиласига мансуб ДНКли вируслар, икки авлодни ўз ичига олади: папиломавирус ва папиломатовирус. Ҳайвонларнинг кўп турларида 20 хилдан зиёд суял-ўсма пайдо қила олади.

**ПАПУЛАЛАР** (лот. *papula* – тугунча) – юқумли экзантема кўринишларидан бири бўлиб, терида унча катта бўлмаган қаттиқ тугунчаларнинг пайдо бўлиши. Масала, чечак касаллигида бўлади.

**ПАРААГГЛЮТИНАЦИЯ** (гр. *para* – яқинида) – касалланган ва касалликдан соғайган ҳайвонларнинг қон зардоби билан шу касалликни кўзгатувчиси бўлмаган микробларнинг агглютинацияланиши.

**ПАРААЛЛЕРГИЯ** (гр. *para*†+ *alleus* – бошқа таъсир) – сенсбиллашган ҳайвон организми сезувчанлигининг махсус бўлмаган аллергенлар таъсири остида ўзгарган ҳолати. М.: кислотага чидамли сапрофит бактерияларга сенсбиллашган ҳайвон организми қорамол туберкулинига, паратуберкулез билан касалланган қорамол эса парранда туберкулинига ижобий реакция беради.

**ПАРАИММУНИТЕТ** (гр. *para*†) – асосий кўзгатувчи: вирус ва микробга нисбатан иммунитет ҳосил бўлиши билан бир қаторда асосий бўлмаган, яъни унга яқин ҳамроҳ вирус ва микробларга ҳам иммунитет ҳосил бўлиши.

**ПАРАИНФЕКЦИЯ** (гр. *para*†+лот. *infectio* – юкиш) – айрим микроблар тўдаси таъсири остида бошқа бир микроорганизмнинг хусусиятини ўзгариши туфайли вужудга келган инфекция.

**ПАЗИТИК** – бошқа организм ҳисобидан яшаш, яъни паразитлик қилиш–симбиотларни бир-бирига нисбатан антогонист яшаш. Бу ҳолат барча патоген микроорганизмлар ва вирусларга, прионларга хос. Бунда кўзгатувчи фақатгина макроорганизмда яшабгина қолмасдан, балки уни ҳалокатга олиб келади. П. барча тур патоген вируслар, прионлар, хламидиялар, риккетсиялар, микоплазмалар, замбуруғлар, бактерияларга хос хусусият-

дир. П. облигат (бундай микроорганизмлар ташқи муҳитда ёки ҳашоротлар организмидан ташқарида яшай олмайди) ва факультатив (облигат паразитликдан фарқли ўларок, улар ташқи муҳитда ҳам ва ҳайвон организмда ҳам яшай олади) бўлади. Факультатив паразитлик қилувчи бактерияларга: анаэроблар, эшерихиялар, сальмонеллалар, стрепто ва стафилококклар, куйдирги ва сарамас кўзгатувчилари ва бошқа кўпгина патогенлар кирази. Улар табиатда кенг тарқалган, шу сабабли ушбу кўзгатувчилар қақрайдиган касаллик барча жойда учрайди.

**ПАРЕЗ** (*гр. paresis* – заифланиш) – ҳайвон танаси маълум бир қисмининг заифланиши, ярим фалажланиш ҳолати.

**ПАРЭНТЕРАЛ** (*гр. para*↑+*enteron* – ичак) – ҳамма доривор нарсаларни ичак ошқозон йўлидан эмас, бошқа йўл билан организмга юбориш. Масалан, тери ичига, тери остига, мушак орасига, қон томирга ва ҳ.к.

**ПАССАЖ** (*фр. passage* – ўтиш) – микроорганизм ва вируслар билан уларга мойил бўлган мойил ҳайвонларни, товуклар эмбриони ва ўстирилган ҳужайраларни касал кўзгатувчилар билан кетма-кет юқтириш. П. вирусларни соф ҳолда сақлаш, ажратиб олиш, сонини кўпайтириш ва фаоллигини доимо бир меъёрда сақлаш учун имконият яратади.

**ПАСТЕРИЗАЦИЯ** – пастерлаш, махсус идишларда сутни маълум бир иссиқлик ( $65^{\circ}$ – $70^{\circ}$ С) таъсирида зарарсизлантириш. П. бир неча дақиқа давом этади ва сут тезлик билан  $10$ – $11^{\circ}$ С гача совитилади. Бу режимда микробларнинг вегетатив шакллари фаолсизланади.

**ПАТОГЕН МИКРООРГАНИЗМЛАР** (*гр. pathos* – касаллик + *genos* – ҳосил бўлмоқ) – одам ва ҳайвонлар организмда юқумли касалликлар кўзгатувчи микроорганизмларнинг қатта гуруҳи. Буларга бактериялар, кокклар, микоплазмалар, риккетсиялар, хламидиялар, замбуруғлар кирази.

**ПАТОГЕН ОБЛИГАТ МИКРООРГАНИЗМЛАР** – иммунитетни бўлмаган ҳайвонларда ҳар қандай шароитда ҳам юқумли касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар.

**ПАТОГЕН ФАКУЛЬТАТИВ МИКРООРГАНИЗМЛАР** – ҳайвон организмнинг табиий касалга чидамлилиги пасайган вақтдагина касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар.

**ПАТОГЕНЕЗ** (*гр. pathos* – дард, касаллик ва *genos*†) – касалликнинг авж олиб бориши, ривожланиш йўли.

**ПАТОГЕНЛИК** – микроорганизмлар ва вирусларнинг касаллик қўзғатиш қобилияти. П. микроорганизм ва вирусларнинг ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар, умуман тирик мавжудотлар организмда текинхўрликка мослашиш жараёнида вужудга келган мураккаб касаллик қўзғата олиш хусусиятлари мажмуаси. П. маълум бир тур микробнинг ўзига хос белгисидир, яъни ҳар бир микроб фақат маълум бир юқумли касалликни қўзғатади, холос. Аммо, айнан шу тур микробнинг ҳар хил штаммлари турли патогенликка эга бўлиши мумкин. П. микроорганизм ва вирусларнинг вирулентлигини белгилайди. П. микроорганизмларнинг ирсий мустақамланган белгиси бўлса ҳам, уни физикавий, кимёвий ва биологик омиллар таъсирида ўзгартириш мумкин. П.нинг намоён бўлиши организмнинг ўша микробга мойиллигига ва унинг резистентлигига таъсир қилувчи ташқи муҳит омилларига боғлиқ.

**ПАТОГНОМИК** (*гр. pathos*† + *gnomikos* – белги) – айнан шу касалликка хос бўлган белги, патологоанатомик ўзгариш. П. организмда патологик жараённинг ривожланиш механизми ҳақидаги тушунча. П. касаллик қўзғатувчи омилларнинг таъсирида рўй берадиган морфологик ёки функционал бузилишлар эвазига организмни бошқаришдаги ҳамма, патологик ўзгаришларни ўз ичига олади.

**ПЕЦЛИС** (*гр. peplos* – пальто) – пепломерлардан ташкил топган айрим тур вирусларнинг ташқи қобиғи.

**ПЕЦЛОМЕРЛАР** – липидлардан ташкил топиб, вирионнинг липопротеид қобиғида бўртма ҳосил қилувчи шаклий бирлик.

**ПЕРМИССИВ ҲАРОРАТ** (*инг. permissive* – имконият яратиш) – вирусларни махсус муҳитларда кўпайиши учун 37° С пермиссив ҳарорат ҳисобланади. П.Ҳ. вируслардан мутант олиш учун имконият яратади.

**ПИЕМИЯ** – йирингли бактерияларнинг иккинчи йирингли ўчоқ (метастаз) ҳосил қилиши. Бактериялар айрим ҳолда биринчи ўчоқдан қон ёки лимфа орқали ички органларга ўтиб, у ерда бактеремиядагидек диффуз ҳолда кўпаймасдан, балки алоҳида– алоҳида ўчоқ (йирингли тугун) ҳосил қилиши.

**ПИКОРНАВИРУСЛАР** (*гр. piccolo* – кичик) – *Pikornoviridae* оиласига мансуб РНКли кичик ўлчамли вируслар, тўрт авлодни ўз ичига олади (энтеровируслар, кардиовируслар, риновируслар, афтовируслар). Бу вирусларнинг капсиди икосаэдрик шаклда, диаметри 25–40 нм, липопротеид қобиғи йўқ. Вирионлар сунъий шароитда бир хил шаклда ўсади, ҳужайраларда яхши кўпаяди (оксил, чўчқалар везикуляр касаллиги, ўрдаклар юқумли гепатити).

**ПИНОЦИТОЗ, ВИРИОПЕКСИС** – бир ҳужайрали организм ёки макроорганизм ҳужайрасининг моддаларни, шунингдек, вирусларни ютиши. Ютиш жараёни вирус ёки бошқа ёт нарсанинг ҳужайра қобиғига ёпишишидан (адсорбция) бошланади, ҳужайра бўртиб уни ўраб олади ва ёт нарсани ютади.

**ПЛАЗМАТИК ҲУЖАЙРАЛАР** (*лат. plasma* – плазма, *гр. kytos* –ҳужайра) – В лимфоцитларнинг сўнгги дифференцияланган звеноси бўлиб, антителоларни ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Плазматик ҳужайралар эксцентрик жойлашган ўзаги ва яхши ривожланган эндоплазматик тўрчаси билан характерланади. П.Ҳ. ўзининг тузилиши ва фаолияти билан лимфоцитлардан тубдан фарқ қилади. Улар ёши – етилиши бўйича плазмобластлар, етилган ва тўлиқ етилмаган плазмоцитлардан ташкил топади. П.Ҳ. ўта махсус без ҳужайралари ҳисобланиб, асосан иммуноглобулин–антителолар ишлаб чиқаради. Иммуногенезда макрофаглар, Т– ва В–лимфоцитлар билан биргаликда иштирок этадилар.

**ПЛАЗМИДАЛАР (эписомалар)** – бактерияларнинг хромосомалари билан боғлиқ бўлмаган генетик (ирсий) элементлари ҳисобланиб, бактериянинг кўпайиши ва ўсишида иштирок этмайди, лекин автоном кўпайишда, дориларга чидамликни юзага келишида катта аҳамият касб этади. П. бактерия ҳужайрасининг яшовчанлиги учун зарур бўлган ирсий тузилишга эга эмас, ammo

улар детерминация (*инг. determinant* – кўп нарсаларга қодир, ҳал қилувчи) хусусиятига эгадир. Масалан, конъюгация (қўшилиш) вақтида донорнинг генетик материаллини (F – плазмидалар), унинг антибиотик, сульфаниламид ва бошқа даволаш препаратларига чидамлилиқ хусусиятини (R – плазмидалар), колицин (Col – плазмидалар), энтеротоксин (Ent – плазмидалар), гемолизин (Hly – плазмидалар) ишлаб чиқариш хусусиятини ўтказишга қодир. Бактерияларнинг фенотипик кўринмайдиган плазмидалари бор, бундай плазмидалар яширин плазмидалар дейилади. Дори плазмидаларнинг (R) ёрдами билан бир бактериянинг унга нисбатан бўлган чидамлилиги бошқа бактерияга осонлик билан ўтади. Конъюгация пайтида донор хужайраси ДНКсини реципиент хужайрасига ўтказиш хусусиятига эга бўлмаган плазмидалар мавжуд. Ҳозирги пайтда плазмидлар ген инженерияси текширларида векторлар сифатида қўлланилади.

**ПОКСВИРУСЛАР** – одам, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, паррандаларнинг чечак касаллигини кўзгатувчиси *Poxviridae* оиласига мансуб, кўп микдорда ДНК сақловчи, йирик (260 x 180 x 150 нм) вируслардир. Вирионлар ғиштга ўхшаш бўлиб, мураккаб тузилишга эга, ҳужайра цитоплазмасида кўпаяди. Ташқи қобиғи эфирга сезгир эмас. Етилган вирионларда бир қанча энзимлар бор.

**ПОЛИМЕРАЗАЛАР** – вирусларнинг полимеразалари. РНК-ли вирусларга хос полимеразалар (репликазалар). Онкорнавируслардан ташқари ҳамма РНК геномли вирусларнинг репликациясини амалга оширади. Онкорнавирусларда бир толали РНКдан ДНК полимераза (тескари транскриптаза) ферменти ёрдамида транскрипция йўли билан ДНК ҳосил қилади.

**ПОЛИМОРФИК** – микроорганизмларнинг ҳар хил шаклларда кўриниши.

**ПОЛИОВИРУСЛАР** (*гр. polios* – оқарган) – *Enterovirus* – авлодига кирадиган вируслар бўлиб, одамларда полимиелит, чўчкаларда Тешен касалликларини кўзгатади.

**ПОЛИТИП ҚЎШИЛИШ** – ҳар икки она вирусдан келиб чиққан, РНК ва оқсиллардан иборат бўлган авлод.

**ПОПУЛЯЦИЯ** (лот. *populatio* – аҳоли) – маълум шароитда, бир мухитда узок муддат давомида яшайдиган бир тур макро– ва микроорганизмлар мажмуаси. Табиий шароитда кўпинча микроорганизмларнинг ҳар хил турлари бир–бирлари билан симбиотик боғланган ҳолатда яшайди, айрим ҳолларда эса бошқасининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

**ПОСТУЛАТЛАР** (лот. *postulatus* – аввалги ҳолат) – патолог немис олими Р.Кох (1843–1910) номи билан аталди. Кох постулатлари ёки триадаси бўйича юқумли касалликларда учта хусусият мужассамланиши шарт. Булар қуйидагилардан иборат: 1) касаллик белгиси айнан шу касалланган организмда учраб, соғлом организмда ва бошқа хил касалликларда учрамайди; 2) касал организмдан касаллик қўзғатувчи соф ҳолда ажратилади; 3) касаллик қўзғатувчи юққан ҳайвон ёки одамда унга қарши махсус антителолар ҳосил бўлади.

**ПРЕВАЛЕНТЛИК** (лот. *praevalere* – устунлик қилиш) – маълум бир даврда ҳайвонлар ўртасида касалликнинг тарқалишини ифода этадиган кўрсаткич бўлиб, 100, 1000, 10000 ёки 100 минг ҳайвонга нисбатан касал ва микроб ташиб юрувчи ҳайвонлар сони билан белгиланади.

**ПРЕВЕНТИВ** (гр. *praeventivus* – огохлантирувчи) – касалликнинг олдини олувчи ўзига хос биологик препарат. Масалан: гипериммун қон зардобӣ махсус касалликни даволаш ва олдини олиш учун ишлатилади.

**ПРЕЗЕРВЛАР** (гр. *presirvius* – сақлайман) – герметик ёпиладиган тунука ёки шиша идишларда қадоқланган ҳолатда сақланадиган озиқ–овқат маҳсулотлари.

**ПРЕЦИПИТАТ** (лот. *praecipitation* – чўкма) – махсус антигенлар (преципитиногенлар), корпускуляр моддалар ва антителолар (преципитинлар) ўртасида бўладиган алоҳида иммунологик реакция натижасида ҳосил бўлган чўкма.

**ПРЕЦИПИТАЦИЯ** (лот. *praecipitatio* – чўктириш) – эрувчан антиген (преципитиноген) ва антитело (преципитин)нинг электролит (0,85 % ли эритмаси) ёрдамида ўзаро таъсири натижасида

преципитат ҳосил қилувчи иммунологик реакция. Преципитация асосида юқори дисперсли коллоидларнинг физик-кимёвий ўзаро таъсири ётади. Преципитация юқумли касалликларнинг (куйдирги, чечак, лейкоз, туляремия ва бошқалар) иммунодиагностикасида кенг қўлланилади. У махсус ва сезгир бўлиб, унинг ёрдамида то 1:1 дан 1:10 млн нисбатда суюлтирилган антигенни (преципитино-генни) аниқлаш мумкин.

**ПРЕЦИПИТИНОГЕНЛАР** (лот. *praecipitum* – преципитин, гр. *genos*†) – преципитация реакциясида қатнашадиган антигенлар. Преципитацияга қаралсин.

**ПРЕЦИПИТИНЛАР** – преципитация реакциясида қатнашадиган антителолар. Преципитацияда ҳосил бўлган чўкма. Преципитацияга қаралсин.

**ПРИОНЛАР** (протеинли инфекция заррачалар) – секин ривожланувчи юқумли касалликларнинг қўзғатувчилари. П. оксил бўлиб, улар тирик ҳужайрада кўпаядилар, лекин уларда РНК ва ДНК борлиги аниқланмаган, қорамолларда юқумли энцефалопатия, қўйларда скрепи ва одамларда Крейффельд – Якоба, куру касалликларини қўзғатади. П. ташқи муҳит омилларига жуда чидамли. Масалан, 30 дақиқа қайнатиш унинг фаоллигини пасайтирмайди. П. формалин, ферментларга: ДНК-аза, РНК-аза, пепсин, трипсинга чидамли. П. нинг катталиги 17–27 нм, Сан-Францискодаги Калифорния университетининг тиббиёт мактабиди 1984 йилда С.П.Пруснер биринчи марта аниқлаган.

**ПРОВИРУС** – тўла етилмаган вирус заррачаси, ҳар хил омилларнинг (ультрабинафша нурлари, ҳар хил моддалар) ҳужайраларга таъсири натижасида вирус геноми билан бириккан хромосомалардан ажралган ДНКдан ҳосил бўлган. У одатдагидек репродукция босқичларини ўтиб, вирус авлодларини пайдо қилади. Провирусларда янги вирус вужудга келиши учун керак бўлган барча ахборотлар мавжуд.

**ПРОГНОЗ** (гр. *prognosis* – олдиндан билиш) – бирор бир ҳолатни, ходисани олдиндан кўра билиш. П. йўли билан эпизоотияларнинг ҳайвонлар ўртасида пайдо бўлиш эҳтимоллини, ривожланишини ва тугатилишини олдиндан айтилади.

**ПРОДРОМАЛ ДАВР** (*гр. prodromes* – нишона, даракчи) – касалликнинг ўзига хос типик белгилари пайдо бўлишидан олдинги босқичи, яширин давр деб ҳам юритилади.

**ПРОДУЦЕНТ** (*лот. producentis* – ишлаб чиқарувчи) – бу атама ветеринария фанида кенг ишлатилади. Масалан, айрим заҳарли микроскопик замбуруғлар ривожланиб кўпайиши даврида микотоксинларни ишлаб чиқаради, улар продуцент ҳисобланади.

**ПРОКАРИОТЛАР** (*лот. pro* – илгариги, олдин, *гр. karyon* – ядро, ўзак) – ўзакли микробларгача пайдо бўлган микроблар бўлиб, чегараланган ўзаги ва ички плазматик тўрининг йўқлиги билан характерланади, таркибида фақат ДНК бўладиган ҳамма бактериялар шуларга киради.

**ПРОЛОНГАЦИЯ** (*гр. prolongation* – узайтирувчи) – таъсир муддатини узайтириш. Аксарият ҳолларда дори-дармонларнинг организмга таъсирини узайтиришни ифодалайдиган ибора. Бунинг учун ҳар хил адьювантлардан, полимерлардан фойдаланилади.

**ПРОПЕРДИН** (*лот. pro* – учун, *perdere* – ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ, бузмоқ) – ўзида комплементнинг айрим компонентларини ва магний ионларини сақловчи, нормал қон зардобининг оксили бўлиб, микробга қарши омилдир. П. термолабил М иммуноглобулин деб фараз қилинади, лекин улар антителолардан фарқ қилиб, махсус таъсир қилмайди. Кўпчилик микроорганизмларга ва вирусларга ҳалокатли таъсир этади. Қоннинг бактерицидлик хусусияти пропердинга боғлиқдир.

**ПРОТОПЛАСТЛАР** (*гр. protos* – асосий, бирламчи, *platos* – тузилган, пайдо бўлган) – ферментлар (масалан, лизоцим) таъсирида парчаланиб, хужайра деворини йўқотган бактерияларни ўзига хос ўзгарувчан шакллари. П. шарсимон шаклда бўлиб, бўлиниш, нафас олиш, оксил, нуклеин кислоталар, энзимлар, споралар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Грам бўйича бўялмайдиган таёқчасимон хужайра деворини сақлаб қолган бактерияларга сферопластлар дейилади. П. микроорганизмларнинг ўзига хос ўзгарувчанликка эга бактериялардир. Масалан, бруцеллезнинг S шакли.

**ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР** (*гр. prophylaktikos* – олдини олиш) – юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуаси.

**ПСЕВДОАГГЛЮТИНАЦИЯ** (*гр. pseudēs* – сохта, *лот. agglutinatio, onis* – ёпиштириш, тўплаш) – муҳитдаги қислота, ишқор, туз концентрацияси, ҳарорат ва бошқа омиллар мувозанатининг ўзгариши натижасида бактериялар, эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитларнинг ёпишиши ва чўкмага тушишидир.

**ПСЕВДОАЛЛЕРГИЯ** – организмда тўқимани ўлиши ва парчаланиши эвазига аутоаллергия, вакцинани юқори дозада юбориш, айрим касалликлардаги (эхинококкоз, актиномикоз, диктиокаулез) махсус ҳолат, оқсил, витамин алмашинувининг бузилиши натижасида номахсус аллергия реакцияни пайдо бўлиши. Номахсус аллергия реакциясидан паратуберкулезга диагноз қўйишда ишлатилади, аммо аллергия реакция тавсия қилинган бошқа касалликларда (туберкулез, манка, бруцеллез, кўчқорларнинг юкумли эпидидимити) халақит беради.

**ПСЕВДОВИРИОНЛАР** – ҳужайра ДНКсининг парчасидан ҳосил бўлган, вирус қобиғига ўралган вирус заррачаси. П. биосферада ирсий ахборот ташувчиси бўлиши мумкин.

## Р

**РАБДОВИРУСЛАР** – РНКли цилиндрсимон вируслар бир учи қайрилган бўлиб, узунлиги 170 нм, диаметри 70 нм келади, *Rhabdoviridae* оиласига киради. Липопротеидли қобиғи бўртиб чиққан пепломерлар билан қопланган, филофи ўқсимон. Бу оилага ҳайвонларда касаллик кўзгатадиган вируслардан (*lyssavirus*, *Vesiculovirus*) ташқари ҳашаротлар ва ўсимликларнинг айрим вируслари ҳам киради.

**РАДИОИММУНОЛОГИЯ УСУЛИ (РИУ)** – вируслар кўзгатадиган касалликларни аниқлашда қўлланиладиган иммунологик усул бўлиб, унинг ёрдами билан патологик материалда вирус антигени аниқланади. Шу усулда ҳайвоннинг вирусга чи-

дамлилиги, тоқ ва жуфт қон зардобларида иммуноглобулин (антителолар) миқдорининг ошиши текширилади.

**РАДИОМЕТРИК ВЕТЕРИНАРИЯ–САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ** – озиқ–овқат маҳсулотларининг радиоактив моддалар билан ифлосланганлик даражасини ва турини аниқлашга қаратилган умумий ветеринария–санитария назорати.

**РЕАКТИВАЦИЯ** (лот. *re*– қайта, *activus* – таъсирчан, фаол, амалий) – микроорганизмларнинг патогенлик қобилиятини қайта тикланиши натижасида инфекция жараёни қайталаниши.

**РЕАКТОГЕНЛИК** (гр. *genos* – вужудга келиш, пайдо бўлиш) – айрим биологик дори–дармонлар ҳайвон организмга юборилганда уларда кучли умумий ва маҳаллий реакцияларини вужудга келтириш хусусияти.

**РЕАКЦИЯ (Агглютинация реакцияси)** (лот. *agglutinatio, onis* – агглютинация–ёпишиш) – антителолар билан корпускулляр антигенларни махсус реакцияда аниқлаш ва идентификация қилиш усули. Қон группасини, баъзи юқумли касалликларни аниқлаш учун қуйиладиган серологик реакциялар агглютинацияга асосланган.

**РЕАКЦИЯ (Гемагглютинация реакцияси – ГАР)** – кўпгина вирусларнинг айрим тур ҳайвон эритроцитлари билан агглютинацияланишига (ёпишишга) асосланган. РГА учун ҳар хил суюлтирилган эритроцитлар суспензияси ва вирусли материал бўлиши шарт. РГА вирусни борлигини ва уни титрини аниқлаш учун ишлатилади.

**РЕАКЦИЯ (Гемагглютинацияни тўхтатиш реакцияси – ГАТР)** – вирус гемагглютинини унга қарши бўлган антителоларнинг ёрдами билан аниқлаш. Касалликдан соғайган ҳайвонларни ретроспектив диагностика қилишда қўлланилади.

**РЕАКЦИЯ (Латекс агглютинация реакцияси – ЛАР)** – ўзининг механизми бўйича билвосита гемагглютинация реакциясига ўхшаш. Вируслар ва бактериялар томонидан кўзғатилган касалликларни аниқлаш учун қўлланиладиган иммунологик усул. Бу реакцияни қўйиш учун эритроцитлар ўрнига сенсibiliзация қилинган полистирол латекснинг заррачалари қўлланилади.

**РЕАКЦИЯ (нейтраллаш реакцияси – НР)** – касаллик кўзгатувчисининг антигени билан махсус антителоларнинг мустаҳкам бирикиш хусусиятига асосланган биологик реакция. Антиген билан антителоларнинг ўзаро таъсири натижасида, касаллик кўзгатувчисининг фаоллиги нейтралланади. НР. вируслар кўзгатадиган касалликларни аниқлашда қўлланиладиган асосий серологик реакциялардан биридир.

**РЕАКЦИЯ (билвосита гемагглютинация реакцияси – БГАР)** – юқумли касалликларни аниқлаш учун қўлланиладиган иммунологик усул. Юзасига олдиндан махсус антителолар ёки антигенлар адсорбланган эритроцитларнинг худди шундай антитело ёки антигенлар бўлган муҳитда агглютинацияланишига асосланган.

**РЕАКЦИЯ (Преципитация реакцияси – РП)** – орган ва тўқималарни, вирус ва бактерияларни (преципитиногенларни) олдиндан маълум бўлган махсус преципитин–антителолар ёрдамида аниқлаш учун қўлланиладиган серологик реакция. Бундай реакция ҳайвонлар терисидаги куйдирги касаллигини текширишда кенг қўлланилади.

**РЕАКЦИЯ ТИТРАРИНИНГ ОШИШИ** – бактерияларни сунъий озуқа муҳитларида соф ҳолда ажратиб олмасдан туриб, уларни патологик материалда аниқлаш усули. Бунинг учун индикатор фаг патологик материалга қўшилади. Агар патологик материалда тегишли микроорганизм бўлса, унда қўшилган махсус фагларнинг титри (миқдори) кўпаяди.

**РЕАКЦИЯ (Флокуляция реакцияси – ФР)** (лот. *flocculus* – парча-парча) – иммунологик реакция бўлиб, у бактерия токсинлари билан унга қарши қон зардобдаги антителоларнинг бир-бирига ёпишиши натижасида оқсил парчаларининг эритмадаги чўкмага тушишига асосланган. Ф.Р. юқори даражада ўзига хослик билан характерланади, токсинлар, анатоксинларнинг фаоллигини, титрини аниқлашда ишлатилади. Тез флокуляция бўлувчи қон зардобларининг шифобахш таъсири юқори бўлади.

**РЕВАКЦИНАЦИЯ** (лот. *re†+vaccinatio* – эмлаш) – мустаҳкам ва турғун иммунитет вужудга келтириш учун маълум

бир муддат ўтгандан кейин ҳайвонларни такрор вакцина билан эмлаш. Масалан, бруцеллёз, сальмонеллёз, Ауэски, брадзот ва х.к.ларда ана шундай эмлаш усули кенг қўлланилади.

**РЕВЕРСИЯ** (лот. *reversio* – қайта тиклаш) – вакцина қилиш мақсадида кучсизлантирилган (аттенуация) микроорганизм, вирусларнинг вакцина билан организмга киргандан кейин олдинги, бирламчи хусусиятларининг қайта тиклаши.

**РЕИНФЕКЦИЯ** (лот. *re*↑+*infectio, onis, f* – зарарлаш) – бирор юқумли касаллик билан касалланиб тузалган ҳайвоннинг яна қайтадан шу патоген микроб билан зарарланиши. Р. ривожланиши лозим бўлган шароитлардан бири организмнинг касаллик қўзғатувчисига бўлган сезгарлигининг сакланиши ёки резистентликнинг пасайиши ёки иммунитетнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигидир

**РЕКОНВАЛЕСЦЕНТ** (лот. *reconvalescens* – соғаяётган) – касалликдан соғаяётган организм. Юқумли касалликлардан соғайган ҳайвоннинг қон зардоби таркибида айнан шу касаллик қўзғатувчисига нисбатан махсус антителолар мавжуд бўлади. Р. ҳайвон қон зардоби юқумли касалликни даволашда ва унинг олдини олишда қўлланилади.

**РЕМИССИЯ** (лот. *remisio* – пасайиш, камайиш) – касалликлар клиник белгилари маълум бир вақтга йўқолиши ёки шу белгилар кўриниш даражасининг пасайиши.

**РЕОВИРУСЛАР** – *Reoviridae* оиласига мансуб РНКли вируслар. Улар геномида икки занжирли 10 қисмдан иборат РНК мавжуд. Сут эмизувчиларнинг реовируслари умумий антигенга эга бўлиб, паррандалар реовирусининг гуруҳ антигенларидан фарқ қилади. Капсид қобиғи кубсимон симметрия – икосаэдра шаклида бўлади. Р. да гематглютинин бор, сунъий ўстирилувчи ҳужайраларда кўпаяди, ўша муҳитга цитопатик (ҳужайраларда касаллик қўзғатиш) хусусиятига эга, ёғ эритувчилар ва кислоталарга, иссиққа чидамли. Авлодлари: реовирус, ротавирус ва бошқалар. Р. сут эмизувчилар, паррандалар, ҳашаротлар, ўсимликларда касаллик қўзғатади. Ҳайвонлар орасида арбови-

руслар (қўйларнинг катарал иситмаси, отларнинг Африка ўлати) ва ротавируслар касаллик қўзғатишда энг муҳим рол ўйнайди.

**РЕПАРАЦИЯ** (лот. *reperatio* – қайта тиклаш) – қандайдир физикавий ёки кўмёвий омиллар таъсирида емирилган бактерия ДНКсининг асл ҳолатига тикланиши.

**РЕПЛИКАЦИЯ** (инг. *replication* – синтез, ҳосил қилмоқ) – вирус, бактерия, ҳужайра геномига гомологик нуклеин кислота-лар синтез қилиш. ДНКли вируслар ДНКни, РНКли вируслар эса РНКни синтез қилади. Демак, Р. тирик мавжудотларни, шу жумладан, вирусларни маълум бир шароитда ўз геномига мос ҳолда янги нуклеин кислота ҳосил қилиш қобилияти. Кичик ва ўртача катталиқдаги вируслар Р. учун ҳужайранинг ДНК полимеразасини, катта вируслар эса ўзининг ДНК синтез қилувчи ферментини ишлатади. РНКли вируслар Р.си табиат мўъжизасидир, чунки ҳужайрада вирус РНКсини Р. қиладиган фермент йўқ. Шунинг учун вирус Р.сида иштирок этувчи фермент – репликаза вирусларнинг ўзиникидир. У транскрипцияни ҳам амалга оширади.

**РЕСПИРАТОР ВИРУСЛАР** (лот. *respiratorius* – нафас олиш) – нафас олиш органларида касаллик қўзғатувчи вируслар. Буларга парамиксовируслар, аденовируслар, риновируслар ва бошқалар киради.

**РЕТИКУЛОЭНДОТЕЛИАЛ ТИЗИМ** (гр. *systema* – система тизим, *reticuloendothelialis* – ретикулоэндотелиал тўқима) – РЭТ, макрофаг – организмдаги мезенхимадан келиб чиқадиган ҳужайралар йиғиндиси. Улар эркин ҳаракатланиш ва фагоцитоз хусусиятига эга.

**РЕТИНОК** – А витамини, инфекцияга қарши таъсирга эга бўлган витамин бўлиб, ёғда эрийди, ранги сариқ. Денгиз қайвонлари жигарида кўп миқдорда бўлади.

**РЕТРОВИРУСЛАР** (лот. *retro* – тескари) – *Retroviridae* оиласига мансуб РНКли вирус бўлиб, вирионларида липидли қобиғ ва тескари транскриптаза ферменти борлиги билан характерланади, геноми эса бир занжирли РНКдан иборат. Тескари транскриптаза ферменти таъсирида (транскрипция натижасида)

ирсий ахборот РНКдан ДНКга берилади. ДНК эса хужайра геноми билан қўшилиб, ахборот РНКга айланади ва ундан ахборот оксилларга боради. Сўнгра вирус РНКси репликация натижасида ҳосил бўлади, оксиллар ва липидлар билан қўшилиб, хужайра мембранасида вирионларга айланади. Бу вирусларнинг қуйи *Oncoviridae* оиласи ҳисобланиб, онкоген (ўсма пайдо қилувчи) вируслар гуруҳига киради.

**РЕФЕРЕНС-МАРКАЗ** (референс лаборатория) (*инг. referense* – эталонловчи) – патологик материални аниқ идентификациялаш, айнан фарқлаш илмий текшириш маркази ёки лабораторияси. Ана шундай илмий текшириш маркази чўчқаларнинг Африка ўлати касаллиги бўйича АҚШда Панама оролида, оксил касаллиги бўйича “План Айленд” (АҚШ) ва Бутун дунё референс маркази Пербрайтда (Англия) мавжуддир.

**РЕФРАКТОМЕТР** (*лот. refractio* – синдираман, қайтараман, *гр. metris* – ўлчайман) – биокимёвий текширишларда оксилларнинг суюқликлардаги миқдорини аниқлаш учун қўлланиладиган асбоб.

**РЕЦИДИВ** (*лот. recidivum* – қайтариш) – ҳайвон клиник тузалгандан кейин юқумли касаллик белгиларининг қайтадан пайдо бўлиши. Табиий чидамлилиги пасайгандан сўнг сурункали кечадиган инфекцияларнинг ҳайвон организмда уйғониши натижасида касалликнинг қайталаниши. Р. етарлича иммунитет ҳосил қилмайдиган юқумли касалликларга кўпроқ хосдир.

**РЕЦИПИЕНТ** (*лот. recipiens* – олувчи, қабул қилувчи) – бошқа манбадан, донордан олинган материал (қон, тўқима ва бошқалар)ни қабул қилувчи тирик организм (одам, ҳайвон) ёки микроб хужайраси.

**РИБОНУКЛЕИҢ КИСЛОТА, РНК** – спиралсимон занжирлардан иборат полимер, катта молекулали полинуклеотид. РНК хужайра цитоплазмаси ва ядрочаси таркибига киради. РНК – таркибида рибоза углеводи бўладиган нуклеин кислота тури. Тирик хужайра ДНКсидаги бўлажак оксил тузилишини акс эттирган ахборот фақат РНК орқали амалга оширилади.

**РИБОСОМАЛАР** (*лат. ribosomata*) – ҳужайраларнинг суб-микроскопик органоидлари сферик шаклдаги электрон тизим доналар бўлиб, цитоплазмада эркин жойлашади, таркибида РНК бўлади ва цитоплазмада оқсиллар синтезланадиган марказ ҳисобланади. Уларнинг 40 фоизини оқсил, 60 фоизини РНК ташкил қилади. Р. иккита катта ва кичик бирикмадан иборат. Кичик бирикмадан сирғанма ҳаракат билан ахборотли РНК молекуласи ўтади; катта бирикмада тегишли транспорт РНК молекуласи кетма-кет ҳосил бўлиб ажралади, бу молекулалар полипептид занжирларига уланадилар. Эркин Р. эндоплазматик тўр билан боғланганда уларда иммун оқсиллар синтезланади.

**РИГИДЛИК** (*лат. rigiditas* – қаттиқлик) – мускулларнинг та-ранг тортилган ҳолда қотиб туриши.

**РИККЕТСИОЗЛАР** – одамлар ва ҳайвонлар ўртасида риккетсиялар пайдо қиладиган юқумли касалликлар гуруҳи.

**РИККЕТСИЯЛАР** (*Rickettsia* – америкалик олим Х.Т.Риккетс номи билан аталган) – бактерия ва вирус орасида турадиган ҳужайра ичида яшовчи, майда, грам бўйича бўялмайдиган микроорганизмлардир. Р. морфологияси, бўлиниши, озикланиши ва кўпайиш усуллари билан бактерияларга, фақат тирик ҳужайра ва тўқима муҳитларида ривожланиши билан (облигат паразит) вирусларга ўхшайди. Р.га Ку – иситмаси, қорамолларнинг гидроперикардит касалликлари кўзгатувчилари киради.

**РИНИТ** (*гр. rhinos* – бурун, *itis* – яллиғланиш, касаллик) – бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Р. кечишига қараб сурункали ва ўткир, характери бўйича: катарал, крупоз, фолликуляр ва йирингли, келиб чиқиш сабабига кўра бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Иккиламчи ринит айрим юқумли касалликларда (отларнинг манқа, соқов, вирусли ринопневмония, итларнинг ўлат, бузоқларнинг юқумли ринотрахеит, парагрипп-3 ва ҳ.к.) учрайди. Р.нинг асосий белгиси бурундан суюқлик оқиб туришидир.

**РИНОВИРУСЛАР** – *Picornaviridae* оиласига, риновирус авлодига мансуб. Вируслар одам, от, қорамол ва бошқа ҳайвонларга

хос серовариантлари бор. Р. РНКли вирус бўлиб, вирион икосаэдр шаклда, катталиги 20–30 нм. 3,0 рН да тез фаоллигини йўқотади, эфирга, музлатиш ва эритишга чидамли, 56° С да 15 дақиқа ичида ўз фаоллигини саклайди. Шимпанзедан ташқари лаборатория ҳайвонлари ва товук эмбриони Р.га сезгир эмас.

**РИНОПНЕВМОНИЯ** (*гр. rhinos*†, *pneumon* – ўпка) – отларнинг вирус касаллиги бўлиб, нафас йўлларининг яллиғланиши, иситма билан, бияларда бўғозлигининг иккинчи ярмида бола ташлаш билан характерланади. Р. дунёнинг барча қитъаларида мавжуд бўлиб, катта иқтисодий зарар еткази. 90 фоиз биялар бола ташлаши мумкин, туғилган тойчалар эса нимжон бўлади. Касалланган отлардан чиққан вируслар билан зарарланган емхашак, сув, тўшама ва бошқа нарсалар вирус тарқатувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Зарарланиш асосан ҳаво орқали амалга ошади.

**РИНОСПОРИДИОЗ** – одам ва ҳайвонларнинг бурун шиллик пардасида полипсимон қалинлашган ўсимта ҳосил қилувчи сурункали миоз касаллиги бўлиб, *rhinosporidium* замбуруғи қўзғатади. Замбуруғ облигат паразит бўлиб, споралар ҳосил қилади. Бу замбуруғларга қорамол, от, хачир ва итлар мойил. Зарарланиш асосан ҳаво орқали, тупрокнинг чанг заррачалари билан амалга ошади.

**РНКли ВИРУСЛАР** – таркибида фақат РНК сакловчи вируслар. Кўпгина вирусларда РНК бир занжирли бўлиб, молекуляр массаси  $1 \times 10^6$  га тенг. РНКли вирусларга: пикорна-, тога-, парамиксо-, ортомиксо-, корона-, арена-, буя-, рабдо-, ретро-, кальци- ва флавивирус оилалари киради.

**РОЗЕОЛАЛАР** (*лот. roseola* – қизғиш) – инфекция экзантеманинг бир шакли бўлиб, яллиғланиш жараёни натижасида терини босганда оқариб қоладиган қизғиш доғлар пайдо бўлиши билан таърифланади (чечак касаллигида бўлади).

**РОМАНОВСКИЙ–ГИМЗА УСУЛИ** – қон ва бактериялардан тайёрланган препаратларни махсус бўяш усулидир. Д. Л. Романовский (1891) биринчи бўлиб бу усулни тақлиф қилган.

Гимза (1905) эса бўйшда аниқ натижа берадиган азур-эозин эритмасини тайёрлаган. Микробиологик техникада, кўпинча хужайралардаги нозик морфологик элементларни, масалан, бактерияларнинг, капсуласини ва метахроматик доначаларини аниқлашда қўлланилади.

**РОТАВИРУСЛАР** – *Reoviridae* оиласига кирадиган вируслар авлоди, ўта юкумли ва ёш молларда шиддатли ўтадиган гастро-энтерит касаллигини кўзғатади.

**РОФЕОЦИТОЗ** (*гр. ropheo* – тортиш, *kytosis, is, f* – хужайра) – хужайранинг ўз атрофидаги муҳитдан субмикроскопик заррачалар ва молекулаларни ўзлаштириш жараёни.

## С

**САЛЬМОНЕЛЛАЛАР** – энтеробактерия оиласига кирадиган *Salmonella* – авлодининг бактериялари (америкалик бактериолог Д.Сальмон номи билан аталади). Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида, шунингдек одамларда сальмонеллэз, 1200 дан ортиқ серологик вариантлари бор; улар грамм бўйича бўялмайди, ҳаракатчан, *S. gallinarum* дан бошқалари учлари қайрилган, спора, капсула ҳосил қилмайдиган таёқчасимон бактериялардир.

**САЛЬМОНЕЛЛЭЗЛАР** – ёш ҳайвонларда сальмонеллалар кўзғатадиган ўткир ичак касалликлари.

**САНАЦИЯ** (*лот. sanatio* – соғломлаштириш) – юкумли касалликлар билан оғриган ҳайвонлар йўқотилгандан сўнг чорвачилик биноларини, майдончаларини тозалаш, дезинфекция қилиш ва 3–6 ой давомида бўш қолдириш. Масалан, туберкулэз (сил), бруцеллэз ва бошқа касалликларда бундай тадбирлар кенг қўлланилади.

**САНИТАРИЯ** (*лот. sanitas* – саломатликни муҳофаза қилиш) – зоогигиена талабларига риоя қилишга қаратилган тадбирлар тизими.

**САПРОФИТЛАР** (*гр. sapos* – чириган, *phyton* – ўсимлик) – ўлган организмларнинг органик моддалари ёки тириклар ажратган суюқликлар билан озикланадиган ўсимлик, бактерия ва замбуруғ

турлари. С. гетеротроф (турли моддалар билан) озикланувчи организмлар гуруҳига кириб, табиатда моддалар алмашинувида муҳим рол ўйнайди, улар касаллик кўзгатиш қобилятига эга бўлмаган организмлардир, лекин маълум шароитларда патоген ҳолатга ўтиши мумкин.

**САРИҚ КАСАЛЛИГИ** (лат. *icterus* – сариқ касаллиги) – қонда билирубин миқдорининг кўпайиши натижасида тери, шиллик пардалар, конъюнктиванинг сариқ тусга кириши (лептоспироз касаллигига хос клиник белги).

**САРЦИНА** (лат. *sarcina* – боғланган той) – коккларнинг бир тури бўлиб, ўзаро уч перпендикуляр текисликда бўлиниди ва характерли кубсимон шаклдаги пакет (боғлам) ҳосил қилади. Саккиз ва ундан ортиқ ҳужайралардан иборат. Масалан, *S. Ventriculi* – ошқозонда яшайди. Сарциналарнинг касаллик кўзгатувчи турлари аниқланмаган.

**СЕКВЕСТР** (лат. *sequestrum* – бир томонга ажратиб қўйилган унсур) – тирик тўқималарнинг улардан алоҳида ажратилган ёки ўзи ажралиб чиқадиган ўлик қисми.

**СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ** (лат. *sensibilisatio* – сезувчанликнинг кучайиши, сенсibilланиш, сенсibilлаш, организмнинг бирор аллергенга ортиқча сезувчанлик намоеън қилиши.

**СЕПСИС** (гр. *sepsis* – чириш, ириш) – организмда инфекция жараёни бордиги туйфайли келиб чиқадиган умумий юқумли касаллик. Сепсис пайтида, албатта, қонда вирус ёки бактериялар мавжуд бўлади ва унда кўпайиб организм бўйлаб тарқалади.

**СЕПТИКОПИЕМИЯ** – сепсис ва пиемия ҳолатини қўшилиши натижасида ҳосил бўлган аралаш инфекция шакли.

**СЕПТИЦЕМИЯ**, (гр. *septicos* + *haima* – қон) – касаллик кўзгатувчисининг қонда кўпайиши ва бутун организмга тарқалиши натижасида организмда чуқур ўзгаришлар пайдо бўлиши. С. кескин ўтиш, некротик, дегенератив ва геморрагик ўзгаришлар билан характерланади. Масалан, куйдирги, сарамас ва бошқа касалликлар.

**СЕРОДИАГНОСТИКА** (лот. *serum* – қон зардоби) – юқумли касалликларни серологик реакциялар ёрдамида диагностика (аниқлаш) қилиш.

**СЕРОЛОГИҚ МАХСУСЛИҚ** – серологик реакцияларда антиген ва антителоларнинг ўзаро танлаш хусусияти, яъни махсуслиги.

**СЕРОЛОГИҚ РЕАКЦИЯЛАР** (лот. *reactio* – қарши таъсир, *sero*†) – қон зардобида антитело ёки антигенни аниқлаш учун қўлланиладиган иммунологик диагностика усули. С. Р. ўта махсус бўлиб, антиген ва антителоларнинг ўзаро таъсирига асослангандир. С. Р. га: агглютинация, комплементни бириктириш, гемагглютинация, преципитация, нейтраллаш ва бошқа реакциялар қиради.

**СЕРОЛОГИЯ** (лот. *serum*†+*logos* – таълимот, фан) – иммун зардоблар билан боғлиқ диагностика усуллари ҳақидаги фан.

**СЕРОПРОФИЛАКТИКА** (лот. *serum*†+*prophylaxis, is* – олдини олиш) – махсус гипериммун қон зардобини (глобулинли) ёки реконвалесцент зардобни ҳайвонга юбориб, касалликнинг олдини олиш.

**СЕРОТЕРАПИЯ** (лот. *serum*†+*therapia* – даволаш) – махсус гипериммун қон зардоби (иммуноглобулин) билан юқумли касалликни даволаш. Масалан, колибактериоз, сальмонеллез, пастериллезга қарши иммун қон зардоби билан шу касалликларни даволаш.

**СЕРОТИПИЗАЦИЯ** (лот. *serum*†+*typis* – тип) – антиген – антитело реакциясига асосланган юқумли касаллик кўзгатувчиларини аниқлайдиган иммунологик усул. Маълум касаллик кўзгатувчисининг соф антиген тузилишини аниқлаш учун специфик монорецептор антителолари бўлган қон зардоблари қўлланилади.

**СИМБИОЗ** (гр. *symbios* – бирга яшаш) – бир неча турга мансуб, икки ёки бир қанча организмнинг бир-биридан фойдаланиб, узоқ вақтгача ёки доимий бирга яшаши.

**СИМПТОМЛАР** (касаллик белгилари) – айнан шу касалликка хос клиник белгилар мажмуаси.

**СИМУЛЬТАН ЭМЛАШЛАР** (*фр. simulane* – бир вақтда) – ҳайвон организмга махсус иммунологик зардоб ва кўзгатувчининг вирулентли штаммлари ёки вакцинани бир вақтда юбориш. Бундай эмлаш усулидан ҳозирги замон амалиётида фойдаланилади.

**СИНАНТРОП ҲАЙВОНЛАР ВА ҚУШЛАР** (*гр. syn* – бирга, бир жойда, *anthropos* – одам) – одамларнинг яқин атрофида ҳаёт кечирадиган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар (сичқон, каламуш, чумчук, майна ва ҳ.к.)

**СИНДРОМ** (*гр. syndrome* – тўплам) – одам ёки ҳайвон организми зарарланиши натижасида вужудга келадиган касаллик белгилари тўплами. Организмнинг маълум патологик ҳолатини характерлаб берувчи белгилар мажмуаси.

**СИНТЕТИК МУҲИТЛАР** – микроорганизмларни ўстириш учун қўлланиладиган озик муҳитлар, мураккаб субстратлар бўлиб, тузли эритмалар таркибидаги тозаланган аминокислоталар, витаминлар, энзимлар ва микроэлементлардан ташкил топган. Синтетик муҳитлар ёрдами билан бактерияларнинг турли бирикмаларга бўлган эҳтиёжи, модда алмашиши ва айрим физиологик хусусиятлари (заҳарлар, антибиотиклар, антигенлар, пигментлар ва бошқалар ҳосил қилиши) ўрганилади. С.М. турли бирикмаларда витаминлар, аминокислоталарни аниқлашда, вакцина, фаг ва токсинлар тайёрлашда, микробиологик текширишда, микробларни ўстиришда ва кўпайтиришда кенг қўлланилади. Зич синтетик муҳитлар агар–агар кўшиб тайёрланади.

**СИРТИ ФАОЛ МОДДА** – кучли даражада адсорбция (шиши) қобилятига эга бўлган органик моддалар. С.Ф.М. жисм юза қисмларининг тортиш кучини пасайтиради.

**СИФАТ НАЗОРАТИ ХИЗМАТИ** – барча турдаги истеъмол маҳсулотлари ва хом ашёларни тайёрлаш жараёнининг сифатини ҳар томонлама назорат қилувчи давлат ташкилоти. Бу ташкилот тайёрланган нарсаларни ёки хом ашёнинг давлат андозаси талабларига мос келишини назорат қилади.

**СМЕДИ–ВИРУСЛАР** (*инг. smedi* – қисқартирилган, яъни *stillbirth* – ўлик туғиш, *numification* – мумификация, *embryonis*

*death* – эмбрионларнинг ўлиши, *infertility* – наслсизлик сўзларининг бош ҳарфларидан олинган) – чўчкалар ўртасида ўлик ва нимжон болалар туғилиши, ҳомиланинг мумификацияланиши (ёпишиб қолиши), организмга қайта сўрилиб кетиши ва чўчкаларнинг наслсизлигига сабабчи бўлган пикорнавирус оиласига мансуб энтеровируслар.

**СОЛК РАНГЛИ СИНОВИ** – Солк томонидан таклиф қилинган вируснинг кўпайишини аниқловчи усул, вирус таъсирида ҳужайранинг емирилиши эвазига муҳитда рН ўзгармаслигига асосланган. Сунъий ўстирилаётган ҳужайрада вирус бўлмаса муҳитнинг рН и кислотали томонга силжийди, яъни пасаяди, натижада қизил (фенол роз) муҳит сарғаяди, агарда унда вирус бўлса, у тирик ҳужайраларни нобуд қилади, натижада қизил муҳит қизиллигича қолаверади.

**СОҒЛОМ ҲУДУД** – мавжуд ҳайвонлар доимий ветеринария назоратида туриб, маълум вақт ичида бирорта ҳам касал мол учрамаган, чегараланган маълум ҳудуд.

**СПИРИЛЛАЛАР** (*гр. speira* – эгри, бугри) – спиралсимон бактерияларнинг авлоди бўлиб, *spirillae* оиласига киради. С. нинг тўққиз тури бор, улар калта винтсимон таёқча ёки узун спиралсимон, грам бўйича бўялмайдиган, ҳаракатчан, факультатив аэроб бўлиб, спора ҳосил қилмайди, Романовский–Гимза, Морозов усуллари билан яхши бўялади. Сувда, тупроқда, суюқ нажасда, кўлмак сувда, ҳайвонларнинг ичагида яшайди. Кичик спириллалардан бошқаси сапрофитлардир.

**СПИРОХЕТАЛАР** (*гр. spira*†, *chaite* – ел, қил) – грам бўйича бўялмайдиган, спиралсимон шаклдаги ҳаракатчан микроорганизмлар гуруҳи, одам, ҳайвонлар ва паррандаларда спирохетоз касаллигини кўзгатади. С. нинг кўпчилиги сапрофитлар.

**СПОРАДИК КАСАЛЛАНИШ** (*гр. sporadicos* – тарқоқ) – юқумли касалликларни тасодифан камдан-кам, аҳён-аҳёнда, айрим ҳолларда, содир бўлиши.

**СПОРАЛАР** (*гр. sporos* – уруғ) – айрим ўсимликлар (замбуруғлар, сув ўтлари) ва бир ҳужайрали организмларнинг

жинссиз кўпайиши учун хизмат қиладиган эмбрионал (пушт) хужайралари. Бактерияларнинг споралари юмалоқ ёки овалсимон бўлиб, уларнинг маълум турлари учун махсус яшаш тарзидир. Улар нокулай шароитда бактерия турини сақлаш учун хизмат қилади. Споранинг ташқи муҳитнинг физикавий, кимёвий ва биологик таъсиротларига чидамли бўлган кўп қаватли мустаҳкам қобиғи бор. Улар автоклавда 120°Сда ўлади. Тупрокда бир неча ўн йиллаб тирик сақланади. Бацилла оиласига кирадиган микроблар (куйдирги касаллиги қўзғатувчиси, кластридиялар ва бошқалар) спора ҳосил қилади.

**СТАБИЛИЗАТОРЛАР** (*лот. stabili* – турғун сақлаш) – қон зардоби ва вакциналарни айнамайдиган қилиб сақлаш ва уларнинг таркибида микроблар, замбуруғларнинг кўпаймаслиги учун ишлатиладиган турли моддалар, буларга фенол, формалин, этанол, мертиолат ва бошқа кимёвий моддалар киради. Қоннинг лейкоцитларини, эритроцитларини, гемоглобин, тромбоцитлар микдорини аниқлашда, бошқа биокимёвий текширишлар ўтказиш вақтида уни турғун сақлаш учун 1 % гепарин, 10 % трилон Б, 3 % лимон кислоталарнинг натрийли тузи ишлатилади.

**СТАНДАРТ** (*инг. standart* – андоза, намуна) – стандартлаш керак бўлган объектларга ҳар томонлама меъёрий талаблар ўрнатадиган мутасадди Давлат корхоналари тасдиқлаган ҳужжат. Бу ҳужжатлар бир неча категорияларга бўлинади: Давлат стандарти (ДСТ), тармоқ стандарти (ТСТ). Масалан, биологик доридармонлар Давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

**СТАФИЛАКОККЛАР** (*гр. staphyle* – узум боши, *kokkos* – дон) – табиатда кенг тарқалган, одам ва ҳайвонларда ҳар хил касалликларни келтириб чиқарадиган микроорганизмлар. Улар узумга ўхшаб ғуж-ғуж бўлиб жойлашади. С. факультатив анаэроб бўлиб, спора ҳосил қилмайди. Кўпгина йирингли яллиғланиш жараёнлар (абсцесс, флегмона, фурункул, карбонкул, сепсис ва ҳ.к.)га сабаб бўлади.

**СТАЦИОНАР КАСАЛЛИКЛАР** – маълум бир жойда (манзилда) юқумли касалликларни бир неча марталаб пайдо бўлиши.

Масалан, кутуриш, куйдирги, сарамас, сальмонеллез, колибактериоз касалликлари.

**СТАЦИОНАР ЎЧОҚ** – инфекциян касаллик кўзгатувчисининг эпизоотик ўчоқда узоқ вақт сақланиши. Масалан, куйдирги бациллеси тупроқда, кутуриш вируси ёввойи ҳайвонларда, лептоспиралар сичқон, каламушлар организмда узоқ сақланиши.

**СТЕРИЛЛАШ** (*лат. sterilis, e* – бактериясиз, замбуруғ ва вирусиз, наслсиз маъносида) – юкумсизлантириш, қатронлаш, ҳар хил объектлардаги турли хил вирусларни, микроорганизмларни ва уларнинг спораларини физикавий ва кимёвий омиллар ёрдами билан йўқотиш, яъни улардан тозалаш, зарарсизлантириш тушунилади. Стериллашнинг физикавий омилларига: юқори ҳарорат, радиация, ультратовуш таъсири, бактериал филтёрлардан ўтказиб филтёрлаш кирази. Кимёвий стериллаш эса бактериоцид моддаларнинг ёрдами билан амалга оширилади.

**СТРЕПТОКОККЛАР** (*гр. streptus* – буралган, қайрилган, маржон, занжир, *kokkos*†) – стрептококк авлодига киразидан, калта ёки узун занжир ҳосил қиладиган, спора ҳосил қилмайдиган факультатив анаэроб, грамм бўйича бўялувчи кокклар. С. 3 гуруҳга бўлинади: 1). Патоген С. (отларда сақов, қорамолларда – мастит, одамларда ангина, қизилча касаллигини, аралаш ва иккиламчи инфекция – абсцесс, флегмона, фурункул, полиартрит, менингит, нефрит касалликларини кўзгатади. 2). Нажас С. – энтерококклар ичакда яшаб, айрим ҳолларда энтерит ва сийдик йўли яллиғланишларини келтириб чиқаради. 3). Сут ачитқи С. – улар ҳар хил ўсимликларда, сутда учрайди ва қатик маҳсулотларини тайёрлашда қўлланилади. С.нинг сапрофит хиллари ҳам (масалан, ичакда яшайдиган энтерококклар) бор.

**СТРЕСС** (*инг. stress* – жиддийлик) – ташқи муҳитнинг организмга кучли таъсирига жавобан организм реактивлигининг зўриқиш ҳолати. С. тушунчаси канадалик олим Ганс Селье томонидан 1936 йили киргизилган. У киши ҳар хил кучли таъсир қилувчи омиллар (касал кўзгатувчи вирус ёки бактериялар,

заҳарлар, ташқи муҳит ҳароратининг тез ва кучли ўзгариши ва бошқалар), яъни стрессорлар организмда номахсус, мослашиш синдромини пайдо қилишини исботлайди. С. омилларининг узоқ таъсир қилиши натижасида организмнинг иммунологик реактивлик ҳолати пасаяди ва шу ҳолатда эмланган ҳайвонларда иммунитет яхши ҳосил бўлмайди.

**СУБЛИМАЦИЯЛАШ** (лот. *sublimare* – сублимациялаш) – юқори вакуумда ва паст ҳароратда сувни йўқотиш йўли билан озуқалар муҳитини, вакциналарни куриштиб сақлаш усуллари-дан бири. Сублимация қилинган озуқаларнинг сақланиш муддати 2 йилгача, бу усул тирик вакциналарни турғун сақлаш учун қўлланилади.

**СУНЪИЙ ШАРОИТДА УЗЛУКСИЗ КЕТМА-КЕТ ЎСУВЧИ ҲУЖАЙРАЛАР** – сунъий муҳитда узоқ муддат давомида кўпайиш қобилиятига эга бўлган бир типга мансуб ҳужайралар. Кўпинча ўсмалар ва диплоид ҳужайралардан ҳамда бир турдаги ҳайвон эмбрионининг буйрак, ўпка, тимус, уруғдон, тери ва бошқа ҳужайраларидан олинади.

**СУПЕРИНФЕКЦИЯ** (лот. *super* – юқори, кўпроқ, *infectio onis*– зарарланиш) – бирор юкумли касаллик бутунлай тузалмасдан, ўша кўзгатувчи билан қайтадан зарарланиш. С.да касаллик зўрайиб, оғирлашади.

**СУСПЕНЗИЯ** (лот. *suspensio* – илиниб қолмоқ) – икки ва ундан ортиқ моддаларнинг аралашма ҳолати, улардан бири (қаттиқроқи) иккинчисида (суякликда) майда заррачалар каби бир меъёрда аралашган, аммо эримаган бўлади.

**СУЯК УНИ** – чорва молларининг суякларини қайта ишлаб олинадиган унсимон маҳсулот, бу ун озуқа ва ўғит сифатида ишлатилади.

## Т

**ТАБИИЙ НОСОҒЛОМЛИК ҲОЛАТ** – юкумли касалликлар бўйича носоғломлик ҳолат, яъни ҳўжаликда, туманда ёки

бирор манзилда юкумли касаллик билан касалланган ҳайвон ва паррандаларнинг мавжудлиги.

**ТАБИИЙ РЕЗИСТЕНТЛИК (чидамлилиқ) (*nom. resistantia* – қаршилиқ)** – организмнинг ўз биологик хусусиятларига кўра ёки эмланиши туфайли инфекцияларга чидамли бўлиши. Т.Р. организмнинг номахсус бўлган ҳимоявий кучлари: комплемент, лизоцим, пропердин, қоннинг бактерицид фаоллиги, лимфоид макрофаг тизимини ўзида мужассам қилиш хусусиятига боғлиқдир. Т.Р. мутлоқ ва нисбий бўлади. Масалан, ҳайвон турларига хос бўлган юкумли касалликлар фақат маълум бир тур ҳайвонни зарарлайди. Қорамол отларнинг юкумли анемиясига Т. Р.

**ТАБИИЙ ХЎЖАЙИН** – юкумли ва инвазион касаллик қўзғатувчилари учун ҳақиқий озуқа муҳити ҳисобланадиган ҳайвон тури, оиласи.

**ТАБИИЙ ЎЧОҚЛИЛИК** – муқаддам касалликдан ҳоли бўлган жойда янги табиий ўчоқнинг вужудга келиши. Т.Ў. бир неча хил бўлади: аутохтон, антропоургик, синантроп, туташган, диффузли, ҳаракатчан ва аралаш.

**Аутохтон Т.Ў.** – инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган. Ушбу Т.Ў. ни ёввойи ҳайвонот дунёси таъминлаб туради.

**Антропоургик Т.Ў.** – асосан инсон хатти–ҳаракати натижа-сида пайдо бўлади. Бунда Т.Ў.ни инсонлар ўз фаолияти ёки уй ҳайвонлари ёввойи ҳайвонлар учун касаллик қўзғатувчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин (м: куйдирги, гўштхўрлар ўлати, оксил).

**Синантроп Т.Ў.** – аҳоли пунктларида яшовчи ёввойи қушлар, каламуш, сичқонлар, бугимоёқли ҳашоротлар касаллик қўзғатувчи манбани ўзида сақлаб туриши туфайли ҳосил бўлади (лептоспироз, қутуриш, листериоз, туляремия, Ауески касаллиги, куйдирги, отларнинг юкумли энцефаломиелит, африка ўлати, юкумли анемия, каналар энцефалити, қўйларнинг юкумли катарал иситмаси, вирусли энцефаломиелит ва қорамолларнинг эфемер иситмаси, африка ўлати, Ку–иситма ва барча арбовирусли касалликлар).

**Туташган Т.Ў.** – бир ўчоқда бир неча касаллик кўзгатувчи манба бўлган ҳудуд (м.: лептоспироз, туляремия, Ку–иситма).

**Диффузли Т.Ў.** – айрим кўзгатувчиларга бир қанча тур ҳайвонлар мойил ва улар табиий ҳолатда жуда катта ҳудудда ҳашарот ва кемирувчиларда мавжуд бўлади (м.: листериоз кўзгатувчиси).

**Ҳаракатчан, кўчиб юривчи Т.Ў.** – касаллик кўзгатувчи манбанинг кўчиб юриши, ҳаракатланиши (м.: орнитоз кўзгатувчиси манбаи бўлиб ёввойи қушлар, листериозда – кемирувчилар, қутуришда – енот, қутб тулкилари ҳисобланади ва улар доимо ҳаракатда ўз жойини ўзгартириб туради).

**ТАКСОНОМИЯ** (*гр. taxis* – тартиб билан жойлаштириш, белгилаш, *nomos* – қонун, қоида) – организмларнинг таснифланиш тамойилларини, усулларини ва қоидаларини ўрганадиган тизим бўлаги. Энг қуйи таксономик категория тур ҳисобланса, ундан юқориси авлод, оила, қатор, синф ва бўлимдир.

**ТАШҚИ МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ** – ер юзидаги инсонлар ва келажак авлодларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат ва жамоатчилик томонидан қонулаштирилган тадбирлар тизими.

**ТЕМИР БАКТЕРИЯЛАРИ** – темир моддаси бор сувда ва занглаган темирда яшовчи бактериялар. Улар темир тузларини оксидлаб, темир гидроксиди ҳосил қилади. Т.Б. ўсиб ривожланиши учун органик моддалар талаб қилинади.

**ТЕНЕЗМЛАР** (*гр. teinezmi* – кучаниш) – оғриқ натижасида ҳайвоннинг сийиш ва тезаклашга уришиб, қуруқ кучаниши.

**ТЕРАПИЯ** (*гр. therapeion* – даволаш) – 1) касалликларга даво қилиш усул–амаллари тўғрисидаги фан; 2) касалликларни барта-раф этишга қаратилган тадбирлар мажмуаси.

**ТЕРИ ОРАСИ СИНОВИ** – ҳайвонлар касаллигини аниқлаш усулларидан бири, бунда махсус аллерген тери орасига юборилади. Игна санчув ўрнининг ўзгаришига қараб ташҳис қўйилади. Масалан, туберкулёз, манқа, бруцеллёз касалликларига шундай синов натижасида диагноз қўйилади.

**ТЕРМИНАЛ ҲОЛАТ** (лат. *terminalis* – охириги) – ҳайвон ҳаётининг охириги босқичи, яъни ҳаёт ва ўлим ўртасидаги ҳайвоннинг ҳолати, жон талвасаси.

**ТЕСКАРИ ТРАНСКРИПТАЗА ФЕРМЕНТИ** – РНК билан боғлиқ бўлган ДНК полимеразаси, ретровируслар таркибига кирувчи фермент. Бу фермент воситасида вируслар репродукцияси босқичлари, транскрипцияси ва ДНК репликацияси амалга ошади. ДНКнинг қолипи бўлиб ретровирусдаги РНК хизмат қилади, яъни вирус РНКсида шу фермент натижасида ДНК ҳосил бўлади.

**ТИНДАЛЛАШ** – инглиз физиги Ж. Тиндал (1820–1893) номи билан аталган стериллаш, қатронлаш усули. Озиқ–овқат маҳсулотлари ва суюқликларга 100° С ҳароратдаги буғ оқими билан бўлиб-бўлиб ишлов бериш. Юқори бўлмаган 25–27°С да 24 соат споралар ҳосил бўлиш учун қолдирилади. Кейин Т. қуйидагича амалга оширилади: 1) 100° С да 20–30 дақиқа 3–4 марта; 2) 70–80° С да 1 соатдан 3–4 марта; 3) 60–65° С да 1 соатдан 5 марта. Бунда омон қолган бактерия споралари шу вақт ичида униб олади ва улардан чиққан вегетатив хужайралар кейинги сафар қиздирилганда нобуд бўлади.

Т. нарсаларни 100° С дан юқори бўлмаган ҳароратда стериллаш керак бўлсагина қўлланилади. Масалан, фармацевтика саноатида юқори ҳароратга чидамсиз эритмаларни, микробиологияда айрим озуқа муҳитларини стериллаш учун қўлланилади.

**ТОВУҚ ЭМБРИОНИ** – инкубаторда сақланадиган уруғланган товуқ тухуми, айрим вирусларни ўстиришда ёки улар мавжудлигини аниқлашда қўлланилади.

**ТОГАВИРУСЛАР** (лат. *toga* – камзул) – *Togaviridae* оиласига мансуб РНКли вирус ҳисобланиб, 3 та авлоддан иборат. Ўлчами 20 дан 70 нм гача бўлган сферик вирион. Т. ни марказига нуклеокапсид жойлашган бўлиб, атрофи ички икки қатлам липид мембранаси (қобиғи) билан ва ташқи томонидан яна гликопротеидли суперкапсид қобиғи билан ўралган. Т. нинг кўплари (арбовируслар) ҳашарот хужайраларида кўпаяди.

**ТОЗАЛАШ ИНШООТИ** – оқова сувларни тозалаш ва зарризлангиришига қаратилган иншоотлар ва санитария-техник курилмалар.

**ТОКСЕМИЯ** (*гр. toxikon* – заҳар, *haima* – қон) – қонда заҳарларнинг бўлиши, қондаги микроб заҳарининг таъсиридан организмда рўй берган умумий касаллик ҳолати. Т.нинг типик белгилари ботулизм, қотма, сальмонеллез, энтеротоксемия ва бошқа касалликларда намоён бўлади.

**ТОКСИКОИНФЕКЦИЯ** (*гр. toxikon*↑+ *infectio*↑) – кўзгатувчининг организмга киргандан кейин кўпайиб, ўзидан экзотоксин ишлаб чиқариши ва организмни заҳарлаши. Бунда организмни кўзгатувчи эмас, балки унинг токсини касаллантиради (қотма, энтеротоксемия, сальмонеллез).

**ТОКСИНЛАР** (*гр. toxikon*↑) – бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар, ҳашаротлар, илонлар ишлаб чиқарадиган заҳарли маҳсулотлар, одам ёки ҳайвоннинг организмга кирганда уларни касаллантиради ёки ўлдиради. Масалан, ботулизм касаллиги кўзгатувчиси, сальмонеллалар ва кластридияларнинг токсинлари.

**ТОКСИНОГЕНЛИК** (*гр. toxikon*↑+*genes* – ишлаб чиқармоқ) – микроорганизмларнинг экзотоксин ва эндотоксинларни ҳосил қилиш хусусияти. Токсигенлик бактерияларнинг маълум генлари билан боғлиқ.

**ТОНИК ТОРТИШИШ** (*гр. tonos* – тортишиш) – мускулларнинг давомли қисқариши натижасида томир тортиши ёки титраб қақшаши.

**ТРАНСДУКЦИЯ** (*лот. trans* – орқали, *ductio* – ўтказиш) – бактериофаглар иштирокида донор бактерия хужайраси ДНКсининг генетик фрагментини реципиент бактерия хужайрасига ўтказиш жараёни. Т. йўли билан реципиент бактерияларга донорларнинг ҳар хил белгилари ўтади. Масалан, метаболизм хусусияти, қандларни парчалаш, спора ҳосил қилиш, заҳарли антигенларга чидамлилиқ, ҳаракат қилиш, сиртқи антигенларнинг харақтери ва бошқалар. Умумий, махсус ва аборттив Т.лар мавжуд.

Умумий Т.да хромосоманинг бирор қисмидаги ДНК фрагменти ўтади. Махсус Т.да донор бактериясининг хромосомасида жойлашган маълум генлар ўтказилади. Абортив Т.да бактериофаг таъсирида бактерия ДНКсининг фрагменти реципиент бактериясига киритилади ва унда ишлайди, лекин бактерия гени билан рекомбинация қилмайди.

**ТРАНСКРИПТАЗА** – вирусларнинг таркибидаги полимераза (фермент), яъни ички оксил молекуласи. Бу орқали вирус кўпайишининг босқичларидан бири – транскрипция амалга ошади.

**ТРАНСКРИПЦИЯ** (лот. *transcriptio* – кўчириб ёзиш, нусха кўчириш) – ДНКдан РНКга ахборот бериш жараёни. Бунда ДНКнинг бир занжири нуклеотидларини жойланиши бўйича айнан унга ўхшаш РНК занжирини ҳосил қилиши, бу жараён фақат РНК полимераза ферменти таъсирида намоён бўлади. Кейин РНК бу ахборотни ҳужайранинг рибосомаларига олиб келади ва шу ерда керакли оксил ҳосил бўлади.

**ТРАНСЛЯЦИЯ** (лот. *translatio* – тарқатиш) – ирсий ахборотни 4 ҳарфли (нуклеотидлар сони) РНК коддан 20 ҳарфли (аминокислоталар сони) РНКга ўтказиш, яъни ахборот РНКсидан ташувчи РНКга ахборотни ўтказиб, рибосомаларда керакли оксилни ҳосил қилиш жараёни.

**ТРАНСМИССИВ ОБЛИГАТ КАСАЛЛИКЛАР** – фақатгина қон сўрувчи ҳашарот ва каналар орқали юқадиган инфекция ва инвазия касалликлар. Масалан, кўйларнинг катарал иситмаси, гидроперикардит ва бошқалар.

**ТРАНСМИССИВ ФАКУЛЬТАТИВ КАСАЛЛИКЛАР** – қон сўрувчи ҳашаротлар ва каналар орқали ҳамда бошқа йўллар билан юқадиган касалликлар (масалан, куйдирги касаллиги).

**ТРАНСПОРТ ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИ** – ҳайвонларнинг бир жойдан иккинчи жойга ҳар хил йўллар билан олиб боришда юқумли касалликларни чиқмаслигининг олдини олиш тадбири чораларини кўриш ҳамда йўл бўйлаб ҳайвонлар ва паррандаларнинг ўлишига йўл қўймасликка қаратилган барча

турдаги транспорт ветеринария назорати. Т.В.Н. махсус Давлат муассасалари орқали амалга оширилади.

**ТРАНСПОРТ ВЕТЕРИНАРИЯ – САНИТАРИЯ ТАРМОҒИ** – Давлат Бош ветеринария бошқармасига қарашли ҳаракат воситасидаги ветеринария–санитария тармоғи. Бу соҳа сув ва темир йўлларда ҳайвонларнинг касалликларига қарши керакли тадбирий чораларни ўтказилишини назорат қилади. Юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олади ва тез соғломлаштириш чораларини кўради.

**ТРАНСПОРТ КАСАЛЛИГИ** – ёз вақтида ҳайвонларни темир йўл, сув ёки автомобил воситаларидан фойдаланиб ташишда йўл иситма (транспорт) касаллиги рўй беради.

**ТРЕМОР** (лот. *tremor* – қалтираш) – мускулларнинг ихтиёрсиз қалтираши.

**ТРИЗМ** (гр. *trismus* – гижирлаш) – юқори ва пастки жағлар мускулларининг кучли тоник қисқариши.

**ТРИХИНЕЛЛОСКОПИЯ** (гр. *skopeo* – кўриш) – гўштдаги трихинелла ғумбакларини аниқлаш учун трихинеллэзга текшириш. Ҳамма сўйиладиган чўчқалар трихинеллэзга текширилади.

**ТУБЕРКУЛИН** (лот. *tuberculinum* – туберкулин) – биологик модда (аллерген) бўлиб, туберкулёз касаллигини аллергия билан аниқлашда ишлатилади. Т.нинг куйидаги турлари мавжуд: сут эмизувчилар учун альтуберкулин (АТК) ва ППД (куруқ тозаланган оксил деривати) сут эмизувчилар ва қушлар учун АТК – ўлдирилган микобактерия. Масалан, микобактерия бовис (қорамоллар микобактерияси) билан одам туберкулёзи микобактерияси йиғиндисини сузиб олингандан кейин, устки қисмининг 10 марта камайгунча буғлатиб тозалангани, асосан қорамоллар учун ишлатилади. ППД эса ўша юқоридаги микобактерияларнинг сузиб олинган массасининг (фильтрат) лиофилизация усули билан қуритилгани. Микобактерия авиумдан қушлар учун аллергия тэйёрланади.

**ТУБЕРКУЛИНЛАШ** – туберкулин аллергияни ёрдамида туберкулёз (сил) касаллигини аниқлаш. Одатда, туберкулин тери

орасига, қорамолларнинг конъюктива халтасига, паррандалар тожисига юборилади. 72 соатдан кейин натижаси кутиметр билан ўлчанади.

**ТУЛЯРИН** – биологик модда – аллерген, туляремия касаллигини аллергик усул билан аниқлашда ишлатилади. *T. Francisella tularensis* микроорганизмининг 70°C да ўлдирилган глицеринли эритмаси. Бу аллерген тери орасига юборилади, агар ҳайвон касал бўлса, аллерген юборилган жойда шиш ва қизариш кузатилади.

**ТҶЙИНМАГАН КИСЛОТАЛАР** – биологик таъсир қилиш қобилятига эга бўлган тўйинмаган ёғ кислоталари гуруҳи, буларга миноль, липолиноль, аронхинол кислоталари киради.

**ТЎЛА БАНД – ТЎЛА БЎШ** – саноат чорвачилигининг янги технологияси бўлиб, бунда бир вақтнинг ўзида молхонадаги ҳамма молар бoшқа жойга ўтказилиб, молхона бўшатилади, унда дезинфекция тадбирлари ўтказилади ва санациядан (маълум даврдан) сўнг молхона моллар билан тўлдирилади.

## У

**УБИКВИТАР ТУРЛАР** (лот. *ubique* – ҳамма ерда) – ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг ҳамма жойда, ҳар хил шароитда мавжудлиги. Масалан, қорамол, ит, эшерихиялар, айрим кластридиялар.

**УЙ ҲАЙВОНЛАРИ** (гр. *animalia* – ҳайвон + *domos* – уй) – сут эмизувчилар, паррандаларнинг одам томонидан хонакилаштирилган, қўлга ўргатилган ва уй шароитида кўпайтирилган турлари.

**УЛЬТРАФИЛЬТРАШ** – вирус, бактерия, коллоид моддаларни ярим ўтказувчи мембранали филтрлар ёрдамида сузиш усули. У. филтрлар тешикчаларининг ўлчамларига боғлиқ бўлиб, бир нарсани ўтказиш ва иккинчи нарсани ўтказмаслик хусусиятига асосланган. У. усули билан қон зардоблари, озуқа

мухитлари бактерия, хламидия, замбуруғлардан ҳоли қилинади ёки бу усул вирусларни ажратишда, уларнинг ўлчамини аниқлашда ишлатилади.

**УЛЬТРАЦЕНТРИФУГА** (*лом. ultra* – энг юқори) – минутига бир неча ўн минг маргалаб тезликда айланиш қобилиятига эга бўлган центрифуга. Бу асосан биокимёвий ва вирусологик текширишлар ўтказишда ишлатилади.

**УНДЕЦИН** – замбуруғ касалликларини даволашда ишлатиладиган малҳам дори. Ҳаво ранг бўлиб, ундецилин кислотасидан (8%), шу кислотанинг мис тузи (8%), глицеринли парахлорфенил (4%) ва вазелиндан (80%) ташкил топган. У. дерматозларда терига суртилади.

**УНДУЛЯЦИЯ** (*лом. undulatus* – тўлқинли) – ҳайвонни пайпаслаб текширганда тери остидаги суюқликнинг тўлқинланиб чайқалиши. У. асцит, абсцесс, лимфозкстравазат ҳолларида кузатилади.

**УРЕМИЯ** (*гр. игоп* – сийдик, *haima* – қон) – қонда сийдик пайдо бўлиши, организмнинг сийдик билан заҳарланиши. У. буйрак касалликларида кузатилади.

**УТИЛЛАШ АСБОБИ** – механизациялашган алоҳида мослама, озик-овқат сифатида ишлатилмайдиган қолдиқ маҳсулотларни, ҳайвонларнинг жасадларини қайта ишлайдиган ва зарарсизлантирадиган асбоблардан ташкил топган.

## Ф

**ФАГОДИАГНОСТИКА** (*гр. phagein* – емоқ, ўраб олмоқ, ютмоқ) бактериофаг ёрдамида бактерияларни аниқлаб олиш. Ф. айрим тур бактерияларнинг фагларга жуда сезгирлигига асосланган. Ф. тур хусусиятига эга бўлмаган бактериялар, масалан, агглютинация қобилиятсиз бруцеллалар, пастереллалар, сальмонеллалар, листериялар, айрим эшерихиялар ва бошқа бактерияларни аниқлашда ишлатилади.

**ФАГОПРОФИЛАКТИКА** (*гр. phagein* ↑ + *prophylaxis* – олдини олиш) – махсус касаллик қўзғатувчиларга қарши бактериофаг-

лар ёрдамида айрим юкумли касалликнинг олдини олиш. Коли-бактериоз, сальмонеллёз касалликларида ишлатилади.

**ФАГОТЕРАПИЯ** (*гр. phagein*†+*therapien* – даволаш) – махсус бактериофаглар ёрдамида юкумли касалликларни (колибактериоз, сальмонеллёз) даволаш.

**ФАГОЦИТОЗ** (*гр. phagein*†+*kytos* – хужайра) – махсус хужайралар – фагоцитларнинг тирик микробларни, организмга ёт моддаларни ўраб олиб, ютиб юбориши. Фагоцитлар микрофагларга (асосан бактерияларни фагоцит қилувчи – нейтрофиллар ва эозинофиллар) ва макрофаглар (ретикуло–эндотелиал тўқима хужайралари – мононуклеар фагоцитлар)га бўлинади. Микрофаглар, асосан сурункали ривожланувчи касаллик кўзгатувчиларини фагоцитоз қилади. Ф. организмнинг асосий химоя воситаларидан биридир.

**ФЕНОТИП** (*гр. phaino* – кўрсатиш, *typos* – шакл) – айнан бир белгиларнинг ва хусусиятларнинг мажмуи. Ф. генотип билан ташқи муҳитнинг ўзаро таъсирига боғлиқ ҳолда вужудга келади.

**ФЕНОТИПИК ҚЎШИЛИШ** – хужайра икки хил вирус билан бир вақтда зарарланган пайтда иккала вирус оксиллари қўшилиши (аралашиви) натижасида гибрид вирус пайдо бўлиши.

**ФЕРМЕНТАЦИЯ** (*лот. fermentare* – ачиш ҳолатига олиб келиш) – мураккаб органик моддалар (оксиллар, углеводлар ва ҳ.к.)нинг микроорганизмлар ёки уларнинг ферментлари иштирокида оддий бирикмаларга парчаланиш жараёни.

**ФИЛОМЕНТЛАР** (*лот. phili* – тукчалар, қил) – микроорганизмлардаги узунлиги 0,3–1 мкм, хивчинлар калта ва ингичка қилчалар, ҳар хил нарсаларга ёпишишга имкон берувчи туклар. Ф. сони ҳар бир микробда 100 дан 400 гача бўлиши мумкин. Ф. микробнинг ҳаракат органларига кирмайди.

**ФИТОНЦИДЛАР** (*гр. phyton* – ўсимлик, *лот. caedere* – ўлдирувчи) – касаллик кўзгатувчи бактерияларга, замбуруғларга ва оддий паразитларга ҳалокатли таъсир этувчи ўсимлик моддалари. Ф. пиёзда, саримсоқ, турп, қалампир, помидор, қорақанд ва шмуртда жуда кўп. Ф. касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар

ривожланишини тўхтатувчи ёки уларни бутунлай ҳалокатга олиб келувчи таъсирга эга.

**ФЛАВИВИРУСЛАР** – *Togaviridae* оиласига мансуб бўлиб, арбовирусларнинг В гуруҳига кирувчи РНКли вирус. Ф.ни ташувчилар бўлиб, асосан бўғимоёқлилар ҳисобланади, айримлари эса сут орқали бошқа ҳайвонларга ўтиши мумкин.

**ФЛАГЕЛЛИН** (лот. *flagellum* – хивчин) – хивчинли бактериялар Н–антигеннинг полимер компоненти. Ф. микроорганизмларни идентификациялашда (фарқлашда) ишлатилади.

**ФЛЮРЕСЦЕНЦИЯЛОВЧИ АНТИТЕЛОЛАР УСУЛИ** – иммунологик текшириш усули бўлиб, нур сочувчи модда флюорохром билан бириккан антителоларнинг антиген билан бириккиб антиген–антитело бирикмасини ҳосил қилиши ва люминесцент микроскоп остида бу бирикманинг нур сочишига асосланган.

**ФОТОБАКТЕРИЯЛАР** (*sp. photos* – ёруғлик, *bacterion* – бактерия) – гўштда, балиқда, чириган ёғочда ва денгиз сувида учрайдиган бактериялар. Айрим шароитларда ўзидан ёруғлик тарқатиш қобилиятига эга. Агарли ва желатинали муҳитларда яхши ўсади.

**ФОТОГЕТЕРОТРОФ БАКТЕРИЯЛАР** – бу микроорганизмлар учун энергия манбаи бўлиб, ёруғлик, углевод манбаи бўлиб эса органик бирикмалар хизмат қилади.

**ФРОСТ УСУЛИ** – сутдаги микробларнинг умумий сонини тез аниқлаш усули. Бунинг учун тоза, микроб ва вируслардан ҳоли қилинган сув билан аралаштирилган 0,1 мл сутни 1 томчи гўшт–пептон ағари билан қўшиб буюм ойначасининг 1 см<sup>2</sup> юзасига теп–текис суртилади. Суртма 30°С да термостатнинг нам бўлимида 8–10 соат сақланади. Микроскопда саналган бактерия тўпламлари сонини, сутни суюлтириш даражасига кўпайтирилса, 1 мл сутдаги микроблар миқдори аниқланади.

**ФОТОТРОФ БАКТЕРИЯЛАР** (*sp. photos*↑ + *trophe* – овқат) – қуёш энергиясидан фойдаланиб, фотосинтез қилувчи микроорганизмлар.

**ФУМИГАЦИЯЛАШ** (лот. *fumigatio* – дудлаш) – қон сўрувчи ҳашаротларга қарши молхоналарни дудлаш.

**ФУНГИЦИДЛАР** (лот. *fungus* – замбуруғ + *caedere*) – замбуруғларга қарши ҳалокатли таъсирга эга бўлган моддалар.

## Х

**ХАВФ СОЛУВЧИ ХУДУД** – юқумли касаллик мавжуд ҳудуд, бу ерда касаллик тарқалиш эҳтимоли сақланади.

**ХИМИОПРОФИЛАКТИКА** (гр. *chemeio* – кимё, *prophylaxis* – олдини олиш) – махсус кимёвий препаратлар билан юқумли ва инвазион касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш.

**ХИМИОТЕРАПИЯ** (гр. *chemeio*† + *therapeia* – даволаш) – юқумли касалликларни табиий ёки синтетик кимёвий препаратлар билан даволаш.

**ХИМОТРИПСИН** – оксилларни – парчаловчи фермент. Оксилларда пептид боғларини, яъни карбоксил гуруҳи мавжуд аминокислоталарни: фенилаланин, тирозин, триптофанли пептидларни парчалайди. Вирусологияда бирламчи трипсинлашган ўстирилувчи хужайралар олишда қўлланилади.

**ХЛАМИДИОЗЛАР** – хламидиялар туфайли инсон ва ҳайвонларда учрайдиган инфекцион касалликлар гуруҳи.

**ХЛАМИДИЯЛАР** – ҳаракатланмайдиган, кокксимон, хужайра ичида яшовчи, грам бўёғига манфий бўяладиган, ҳайвонлар ва одамда касаллик пайдо қиладиган микроорганизм бўлиб, *Chlamydiaceae* оиласига киради. Х. ўзига хос ривожланиш даврига ва хусусиятларига эга бўлгани учун ҳам бактерияларга, ҳам вирусларга ўхшаб кетади. Улар кушларда орнитоз, қорамоллар, қўй ва эчкиларда полиартрит, орхит, энцефалит, энцефаломиелит, гематопатия, пневмония, вульвовагинит, грануляр энтерит ва бола ташлаш каби касалликларни кўзгатади.

**ХРОНИК КАСАЛЛИКЛАР** (гр. *chronicas* – сурункали) – сурункали, яъни узок муддатга чўзиладиган касалликлар: масалан, лейкоз, бруцеллез, туберкулёз каби касалликлар.

## Ц

**ЦЕЙЛЕР МУҲИТИ** – анаэроб бактерияларни ўстириш ва фарқлаш учун ишлатиладиган, қон ва шаккар қўшилган агарли озуқа муҳит.

**ЦИЛ–НЕЛЬСЕН УСУЛИ** – кислота таъсирига чидамли микробларни бўяш усули. Бу усулни 1882 йили Циль тавсия этган ва 1884 йили Нельсен такомиллаштирган. Масалан, туберкулёз касаллиги қўзғатувчиси ва кислотага чидамли бошқа микробларни бўяшда қўлланилади.

**ЦИТОЛИЗИНЛАР** (*ep. kytos* – ҳужайра, *lysis* – емириш, эриш) – ҳужайра элементлари билан эмлаганда уларга қарши ҳосил бўлган антителолар. Буйрак ҳужайраларига қарши ҳосил бўлган Ц. ни нефротоксинлар, жигар ҳужайраларига қарши Ц. ни гепатоксинлар дейилади. Цитотоксинларга қаранг.

**ЦИТОПАТИК ТАЪСИР** (*ep. kytos*↑+ *phatos* – касаллик) – вируснинг ҳужайрага кўрсатадиган таъсири, яъни вирус билан зарарланган ҳужайраларда махсус морфологик емирилиш бошланиб функциянинг бузилиши. Ц.Т. уч хил бўлади: а) ҳужайрани эритиб емириш; б) трансформациялаш (ҳужайранинг морфологик ўзгариши), яъни ҳужайранинг ўсмага айланиши, бунда ҳужайра ўлмайдди, аксинча чексиз кўпайиш қобилиятига эга бўлади; в) индуктив таъсир (интерферон ишлаб чиқариш йўли билан амалга оширилади). Ц.Т.дан ўстирилаётган ҳужайраларда вируслар борлиги ва уларнинг турини аниқлашда, титрлашда (микдорини ўлчаш) фойдаланилади.

**ЦИТОПЛАЗМАТИК МЕМБРАНА** (*лот. membrana, ae-* мембрана, қобиқ) – мураккаб цитоплазма қобиғи бўлиб, липидлар, оксиллар ва полисахаридлар қаватларидан иборат. Унинг таркибида оксиллар, фосфолипидлар, липопротеидлар ва углеводлар мавжуд.

**ЦИТОТОКСИНЛАР** (*ep. kytos*↑ + *toxikon* – заҳар) – ҳар хил антигенларга – ҳужайра элементларига қарши организм томонидан ишлаб чиқилган антителолар, цитолizinлар. Булар буйрак (нефротоксин), жигар (гепатоксин), талоқ, илик, юрак, ўпка, тери ва бошқа

хужайраларга таъсир қилади. Бир қисми хужайраларни ўлдиреди, аммо қолганлари уларнинг фаоллигини ошириб, орган ишини қайтадан тез тиклайди. Ц. айрим сурункали яллиғланишни даволайди, аъзолар фаолиятини кучайтиришда ишлатилади.

**ЦИТОЦИД ВИРУСЛАР** (*гр. kytos†+ лат. caedere – ўлдириш*) – хужайраларни емирувчи, ўлдирувчи вируслар. Цитопатик таъсирга қаранг.

**ЦПД 50 (50 фоизли цитопатик доза)** – 50 фоизли цитопатоген таъсири бўлган, яъни идишларда ўстирилаётган хужайраларнинг ярмида цитопатик таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган вирусларнинг минимал дозаси (микдори).

## Ч

**ЧАПЕК МУҲИТЛАРИ** – стафилакоккларни ўстириш учун керакли бўлган озуқа муҳитлари.

**ЧЕКЛОВ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР** – касалликни бартараф қилишда карантинга нисбатан озроқ енгил тадбирлар талаб этилади, аммо чеклов тадбирларини бажариш ҳам барча маъсул кишиларга шарт. Қуйидаги касалликларга ҳокимият қарори билан чеклов қўйилади (бруцеллез, туберкулез, қутуриш, лептоспироз, листериоз, пастереллез, трихофития, некробактериоз лейкоз, кампилобактериоз, юкумли ринотрахеит, хавфли катарал иситма, қорамол, от ва чўчқалар чечаги, қўйларнинг брадзот, энтеротоксемия, агалактия, хламидиоз, туёқ чириши, отларнинг сақов, паррандаларнинг ларинготрахеит, юкумли бронхит касалликлари).

**ЧИДАМЛИЛИК** – иммунитет ва резистентлик атамаларига қаранг.

**ЧИРИШ** (*лат. putrescere – чириш, ириш*) – асосан оксилли бирикмаларнинг микроблар таъсири остида парчаланиш жараёни.

## Э

**ЭЗИЛГАН ТОМЧИ** – тирик бактериялар ва хужайраларнинг шаклини, катталигини, ўзаро жойлашишини, ҳаракатини микрос-

копик текшириш мақсадида қўлланиладиган препарат. Уни тайёрлаш учун буюм шишасига суюқлик (этил спирти билан глицериннинг тенг аралашмаси) бир томчи қуйилиб, озгина текшириладиган материал билан аралаштирилади ва устидан қопловчи шиша билан ҳаво пуфакчаларисиз қопланади. Препарат микроскоп остида текширилади.

**ЭКЗОТИК КАСАЛЛИКЛАР** (*гр. exotikos* – ташқаридан, четдан) – баъзи бир мамлакатларда учрайдиган инфекцион касалликлар қўзғатувчисининг четдан кириб келиши натижасида вужудга келадиган одатдан ташқари касалликлар. Масалан: эфемер иситмаси касаллиги.

**ЭКЗОТОКСИНЛАР** (*гр. exo* – ташқарига, *toxikon*†) – микроорганизмлардан ташқи муҳитга ажралувчи заҳарлар бўлиб, улар бактериал филтрлардан ўтади, юқори антигенлик, заҳарлик хусусиятларига эга, кўп вақтларда ем-хашакларда бўлади. Улар оксил табиатли, иссиқ ҳароратта чидамсиз, формалин таъсирида зарарсизланади, аммо антигенлик хусусияти қолади. Э.ни стафилакокклар, стрептококклар, клостридиялар кўпроқ чиқаради. Э. организмга юборилганда уларнинг таъсирини нейтралловчи антителолар – антитоксинлар ҳосил қилади.

**ЭКЛИПС ДАВР** – вирус заррачасининг қайтарилмас ўзгаришлар даври. Вируснинг ҳужайрага кирган даври.

**ЭКОЛОГИЯ** (*гр. oikos* – уй, яшаш жойи, *logos* – таълимот) – одам ва ҳайвон организми, ўсимликлар, микроорганизмлар ва вирусларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи фан.

**ЭКОСИСТЕМА** (*гр. oikos*†+ *systema* – тизим) – тирик организмлар билан улар яшайдиган муҳит ўртасида ҳосил бўлган яхлит табиий мажмуа. Э. тушунчаси биогеоценоз тушунчасидан кенгроқ маънони билдиради.

**ЭКСГУМАЦИЯ** (*лот. ex* – дона, *humus* – туپроқ) – кўмилган жасадни ердан-тупроқдан чиқариб олиш. Суд-ветеринария экспертизаси тақозоси билан ўтказилади.

**ЭКСПЕРТИЗА** (фр. *expertise* – тажриба) – патологик материал, ҳайвонлар маҳсулоти хусусида хулоса чиқариш учун уларнинг мутахассислар томонидан тажрибалар қўйиб текширишти.

**ЭКСПРЕССИЯ** (гр. *expressio, onis* – сиқиб чиқариш) – гендаги ахборотни амалга ошириш. Аввал ДНКга ўқиш РНК занжири ҳосил бўлади, кейин бу ахборот РНКси билан ҳаракат РНК орқали рибосомага берилиб, оқсил ҳосил қилади. Э. асосан транскрипция ҳолатида амалга оширилади. Вирусларнинг кўпайиб, ҳужайрадан чиқиши ҳам Э. дейилади.

**ЭКСТРАКТИВ МОДДАЛАР** – органик, азотли ва азотсиз бирикмаларни сув ёрдамида чиқариш. Экстрактив моддалар ҳайвон организмнинг мускул тўқимасида кўп.

**ЭЛЕКТИВ МУҲИТ** (лот. *electus* – танланган) – махсус танланган муҳит. Микроорганизмлар ўсиши ва кўпайиши учун керакли муҳит.

**ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОП** – вируслар, ҳаттоки айрим молекулалар тузилишини ўрганишга имкон берувчи асбоб. Замонавий Э.М. нарсаларнинг 800 минг марта катталаштириб кўриш имконини беради.

**ЭЛИМИНАЦИЯ** (лот. *elimino* – олиб ташлаш, ажратиш, узоқлаштириш) – узоқлаштириш, холи бўлиш. Масалан, вирус ташувчи ҳайвонларни ажратиб, соғлом моллардан узоқлаштириш ва кейинчалик бутунлай йўқотиш.

**ЭЛИЗА** (инг. *enzyme* – фермент, *linked immunosorbent assay* – иммунофермент усули). Бу усул юқумли касалликларга диагноз қўйишда ишлатилади. Жуда ҳам сезгир усул.

**ЭМБРИОН ВАКЦИНА** – товуклар эмбрионида кўпайтирилган вируслардан тайёрланган вакцина. Масалан, паррандалар чечаги касаллигига қарши вакцина.

**ЭМЛАШДАН СЎНГГИ РЕАКЦИЯ** – вакциналар билан эмлангандан сўнг ҳайвон организмда турли даражада рўй берадиган маҳаллий ва умумий реакциялар.

**ЭНДОКРИН ХОМ АШЁСИ** – терапевтик препаратлар, ферментлар ва биостимуляторлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

ган чорва молларининг ички секреция безлари, айрим паренхиматоз ва ташқи органлари.

**ЭНДОСПОРАЛАР** (*гр. endon* – ички, *sporos* – уруғ) – микроб ичида ҳосил бўлувчи споралар (уруғлар). Улар кимёвий моддалар таъсирига ва юқори ҳароратга чидамли. Фақат бактерияларнинг Бациллус ва Клостридиум турлари чидамли споралар ҳосил қилади. Бошқа турдаги споралар юқори ҳароратга чидамли эмас.

**ЭНДОТОКСИНЛАР** (*гр. endon*↑ + *toxikon* – захар) – микроб таркибидаги захарлар экзотоксинларга нисбатан камроқ захарли, антиген хусусиятлари кучсизроқ, иссиқликка чидамлироқ, грам бўйича манфий бўяладиган микроб ҳужайралари ўлганда ёки емирилганда ташқи муҳитга чиқади. Э. бактерияларнинг тана антигени билан чамбарчас боғланган бўлиб, полисахарид табиатига эга, формалин таъсирида фаоллиги пасаймайди.

**ЭНЗООТИКЛИК** – касалликнинг табиий ва иқтисодий омиллар таъсирида маълум бир жойга мослашганлиги.

**ЭПИДЕМИЯ** (*гр. epidemia* – кенг тарқалувчи инсон касаллиги) – бирор ҳудудда инфекцион касалликнинг кенг тарқалиши.

**ЭПИЗООТИК ЖАРАЁН** (*лот. processus* – олға силжиш) – инфекция кўзгатувчисининг касал ҳайвондан соғ ҳайвонга юқиш механизми ва омиллари, шунингдек, касалликка мойил ҳайвонлар ўртасидаги ўзаро муносабат натижасида аниқ ва яширин инфекцияларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва йўқолиши.

**ЭПИЗООТИК ЖАРАЁННИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ** – мойил ҳайвонлар ҳисобланади. Э.Ж. иккиламчи ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб табиий-географик ва иқтисодий-ижтимоий омиллар хизмат қилади.

**ЭПИЗООТИК ЗАНЖИР** – касаллик кўзгатувчисининг манбаи, ўтиш механизми ва касалликка мойил ҳайвонлар ўртасидаги мулоқот натижасида эпизоотик жараённинг ривожланиши. Э.З. эпизоотиянинг динамикасини (ҳаракатини) таъминловчи бирламчи кучларнинг ўзаро алоқаси. Э.З.нинг бирор бир элементи барҳам топса, эпизоотия вужудга келмайди.

**ЭПИЗООТИК КАРТА** – юқумли касалликлар бўйича эпизоотик ҳолатнинг тасвири туширилган одатдаги жой, туман, вилоят ва республика харитаси. Бунга касаллик белгилари қўйилади.

**ЭПИЗООТИК ҶОҚ** – ҳайвонлар сакланадиган иморатлар, яйлов ва чорвачилик фермаларида юқумли касалликни тарқатувчи ўчоқ, яъни касаллик қўзғатувчи манбанинг жойлашган жойи. Э.Ў. нинг фаоллигига ва пайдо бўлган вақтига қараб: фаол, янги, эски, сўнаётган, сўнган, стационар ўчоқларга бўлинади.

**ЭПИЗООТИК ҲОЛАТ** – юқумли касалликларнинг маълум бир жойда ва вақтда нечоғлик тарқалганига қараб баҳоланадиган вазият.

**ЭПИЗООТИК ҲОЛАТ ДАРАЖАСИ** – маълум бир жойда ва вақтда уй ва ёввойи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалиш тезлиги.

**ЭПИЗООТИЯ** (*гр. epi* – юқори, *zoon* – ҳайвон) – эпизоотик жараён интенсивлиги (шиддатлилиги)нинг ўртача даражаси бўлиб, инфекциянинг бир носоғлом манзил чегарасидан чиқиб, вилоят, ҳатто республика ва мамлакатлар бўйлаб тарқалиши.

**ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ОТҶРЯД** – юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш, пировард натижада чорвачилик хўжалиқларини, фермаларни соғломлаштириш билан шуғулланадиган мустақил ветеринария санитария бўлими.

**ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР** – юқумли касалликларни аниқлаш, олдини олиш ва бутунлай тугатишга қаратилган режали тадбирлар. Бу тадбирлар эпизоотик занжирнинг ҳамма қисмларига таъсир қилувчи усул ва воситалардан иборат бўлади, улар касаллик қўзғатувчиларни зарарсизлантиришга, бир ҳайвондан иккинчисига ўтказувчи омилларни бартараф қилишга, ўша ерда мавжуд касалга мойил ҳайвонларнинг умумий ва хусусий чидамлилигини оширишга қаратилган бўлади.

**ЭПИЗООТИЯНИНГ БОСҚИЧЛАРИ** – эпизоотиянинг маълум бир қонуният асосида кетма-кет келувчи ривожланиш

босқичлари. Эпизоотиянинг ривожланишида бир неча босқичлар мавжуд: эпизоотиялараро, эпизоотиядан олдинги, ривожланиши, юқори даражага кўтарилиш, сўниш ва эпизоотиядан кейинги босқичлар.

**ЭПИЗООТИЯНИНГ ДАВРИЙЛИГИ** – эпизоотик жараён жадаллигининг бир жойнинг ўзида бир неча йиллардан сўнг такрорланиши. Эпизоотиянинг даврийлигига хос бўлган касалликларга қутуриш, куйдирги ва бошқа касалликлар мисол бўла олади.

**ЭПИЗООТОЛОГИК БАШОРАТ** (*ep. prognosis* – олдиндан кўриш) – алоҳида бир касалликнинг эпизоотологик қонуниятлари маълумотлари асосида унинг тарихини ўз, табиий–жўғрофий ва иқтисодий хўжалик шароитларининг ролини баҳолаш орқали эпизоотиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва пасайиши тўғрисида илмий башорат қилиш, маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишнинг муҳим тизими.

**ЭПИЗООТОЛОГИК ТАЖРИБА** – эпизоотологик жараённи ҳар тарафлама батафсил, турли профилактик ва даволаш воситалари самарасини текшириш мақсадида лаборатория ҳамда чорва молларида ўтказиладиган тажрибалар.

**ЭПИЗООТОЛОГИК ТАҲЛИЛ** (*ep. analysis* – таҳлил) – маълум бир жойда (хўжалик, аҳоли яшайдиган пункт, туман, вилоят, республика) ва вақтда (ой, йил) эпизоотик жараён ҳаракатини ҳамда характерини ўзига хос усуллар ёрдамида ўрганиш.

**ЭПИЗООТОЛОГИК ТЕКШИРИШ** – хўжалик, манзил, туман, вилоят ва республикада эпизоотологик ҳолатни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширишлар. Э.Т. асосида касалликка тўғри диагноз қўйиш, инфекция кўзгатувчиси манбаини, унинг тарқалиш йўллари аниқлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

**ЭПИЗООТОЛОГИК УСУЛЛАР** – эпизоотик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш усуллари. Бу усулларнинг асосийларидан бири эпизоотологик текшириш усули бўлиб, унга қиёсий–географик таърифлаш, эпизоотологик текшириш ва тажриба ўтказиш усуллари тизими киради.

**ЭПИЗООТОЛОГИЯ** (*гр. epi* ↑ + *zoon* – ҳайвон, *logos* – таълимот, фан) – ветеринария фанининг махсус соҳаси бўлиб, эпизоотик жараёнларнинг қонуниятларини (юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини, тарқалишини, ва сўнишларини) ўрганадиган ва шу асосда ўша касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш йўлларини ўрганиб чиқади.

**ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ТАЪСИР** – касаллик қўзғатувчисига бевосита таъсир этиш, патологик жараёни тезлик билан бостириб, зарарланган орган ва системаларнинг фаолиятини тиклаш мақсадида антибиотиклар, гипериммун зардоблар ва кимёвий дармонларни қўллаш.

**ЭТИОЛОГИЯ** (*гр. aitia* – сабаб, *logos* ↑) – касалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ҳақидаги таълимот.

**ЭТИОТРОП** (*лот. aetio* ↑, *гр. tropus* – йўналиш) – касалликнинг қўзғатувчисига қарши йўналтирилган тадбир.

**ЭУКАРИОТЛАР** (*гр. eu* – яхши, тўлиқ, *karioon* – ядро, ўзак) – прокариотлардан фаркли ўлароқ эукариотларда, яъни бир ва кўп хужайрали ўсимлик ва ҳайвон организмларида хужайралар яхши ва мукамал табақалашган цитоплазма ҳамда ядрога эга бўлади, ядроларнинг генетик аппаратлари хромосомаларни ташкил қилади. Эукариотлар митоз ва мейоз хусусиятларига ҳам эга.

**ЭФЕМЕР КАСАЛЛИКЛАР** – қисқа, бир кун, ярим кун давом этувчи касалликлар. Масалан, қорамоллар эфемер иситмаси касаллиги.

## Ю

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН МОЛЛАРНИ АЖРАТИШ** – юқумли касалликка чалинган ёки шундай деб гумон қилинган ҳайвонларни соғлом ҳайвонлардан ажратиб қўйиш. Инфекция тарқалишининг олдини олиш учун қўлланиладиган чора–тадбирларнинг бири.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИККА МОЙИЛЛИК** – ҳайвонларнинг бирор юқумли касаллик қўзғатувчисига бўлган мойиллик даражаси.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ** – юқумли касалликларга қарши олиб бориладиган ялпи тадбирлар мажмуаси. Касаллик қўзғатувчисини ташқи муҳитда йўқотиш ва маълум ҳайвонлар гуруҳини соғломлаштириш, касалликни тарқатмаслик ва олдини олиш тадбирларини ўз ичига олади.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ** – организмда маълум бир юқумли касалликни қўзғатувчи микроорганизмлар ва вируслар.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ МАВСУМИЙЛИГИ** (*гр. saison* – фасл, мавсум) – юқумли касалликларнинг мавсумийлиги, айрим юқумли касалликлар йилнинг маълум бир мавсумида пайдо бўлади. Масалан, қўйларнинг юқумли энтеротоксемия касаллиги баҳорда, брадзот касаллиги эса кузда кўп учрайди.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ** – носоғлом ҳудудларнинг кенгайиши, яъни бирламчи эпизоотик ўчоқ чегарасидан инфекциянинг чиқиб кетиши ва иккиламчи, учламчи ва ҳоказо эпизоотик ўчоқларнинг вужудга келиши. Бу ҳолат касалланган ҳайвонлар бош сонининг кўпайиши билан намоён бўлади.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКНИНГ БЕХОСДАН ПАЙДО БЎЛИШИ** – бир вақтнинг ўзида ҳўжаликда бир неча ҳайвоннинг бирор юқумли касаллик билан касалланиши.

**ЮҚУМЛИЛИК ИНДЕКСИ** – касалликка дучор бўлган ҳайвонлар сонининг айнан шу касалликка мойил, яъни мубтало бўлиши мумкин бўлган ва махсус ҳимояланмаган, ўша жойда мавжуд ҳамма ҳайвонлар сонига нисбати. Бу кўрсаткич касаллик чиққандан кейин унинг тарқалиш даражасини кўрсатади. Агар юқумлилик индекси 1 бўлса, демак, 100 фоиз ҳайвонлар касалланиши мумкин.

## Я

**ЯҚҚОЛ ИНФЕКЦИЯ** – ташқи клиник белгилари аниқ кўриниб турадиган инфекция (оқсил, қоқшол, кутуриш касалликлари).

## Ў

**ЎЛИМ ДАРАЖАСИ** – юқумли касалликларнинг оғир-енгиллиги борасидаги кўрсаткич бўлиб, ўлган моллар бош сонининг касалликка мойил бўлган ҳайвонлар бош сонига нисбати билан ифодаланади.

**ЎТА ХАВФЛИ КАСАЛЛИКНИ ТУГАТИШ ДАСТУРИ** – Давлат тадбирлари тизими бўлиб, юқумли касалликларни четдан кириб келишига йўл қўймаслик ва носоғлом ферма, хўжалик, туман, вилоят ва ҳоказоларда инфекцион касалликларни йўқотишга қаратилган. Бу тадбирлар мажмуасини амалга оширишда диагностика, эпизоотология усулларида ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилади.

**ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР** – жуда тез тарқаладиган, катта иқтисодий зарар келтирадиган ўта хавфли юқумли касалликлар. Бу касалликларга оқсил, куйдирги, қутуриш, қорамоллар, чўчқалар ўлати, қўйларнинг чечак касалликлари, паррандаларнинг Ньюкасл касаллиги ва бошқалар киради.

**ЎЧОҚ (АНТРОПОУРГИК)** – инсон фаолияти таъсири остида янгидан пайдо бўладиган табиий антропоургик эпизоотик ўчоқ. Масалан, янги ерларни ўзлаштириш натижасида гўштхур ҳайвонлар ўлати, трихенеллез, куйдирги касалликларининг эпизоотик ўчоқлари вужудга келади.

**ЎЧОҚ (БИРЛАМЧИ)** – янги ёки яқинда пайдо бўлган эпизоотик ўчоқ. Бундай ўчоқларда одатда янги касалланган ҳайвонларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораверади ва шу сабабдан касалликнинг тарқалиш хавфи ўсади. Бу ҳолат кўпроқ тез тарқалувчи оқсил, чўчқалар ўлати каби касалликларда вужудга келади.

**ЎЧОҚ (ИНФЕКЦИЯ ЎЧОҒИ)** (тур. *ocak* – ўчоқ) – инфекция тарқалган ўчоқ. Инфекция жараёнининг маълум бир жойда намоён бўлиши.

**ЎЧОҚ (СТАЦИОНАР)** – стационар ёки тургун эпизоотик ўчоқларда маълум бир касалликнинг маълум бир муд-

дат ўтгандан кейин айрим шароитлар таъсири остида (микроб ташувчи ҳайвонлар, кемирувчиларнинг мавжудлиги ҳамда кўзгатувчининг ташқи муҳитда ўта чидамлилиги ва ҳ.к.) бир неча бор пайдо бўлиши. Масалан: куйдирги касаллиги.

**ЎЧОҚ (СЎНАЁТГАН)** – касалликка қарши курашиш натижасида касал ҳайвонлар соғаяди ва янгидан касал ҳайвонлар пайдо бўлиши камаяди ёки тўхтатилади. Бу эса касалликнинг тарқалиш хавфининг пасайишига олиб келади.

**ЎЧОҚ (ЭПИЗООТИК)** – касаллик кўзгатувчисининг манбаи жойлашиб олган маълум бир ҳудуд.

**ЎЧОҚ (ЯНГИ)** – янги пайдо бўлган эпизоотик ўчоқ, унда касал ҳайвонлар сони кундан-кунга кўпайиб боради.

**ЎЧОҚ ВАЛЕНТЛИЛИГИ** (*лат. valentia* – кучи) – табиий ўчоқларда юқумли касалликнинг қайта чиқиш имконияти.

**ЎЧОҚ ИНДЕКСИ** – аини бир эпизоотик манзилдаги касалланган ҳайвонларнинг ўртacha сони билан ифодаланадиган эпизоотик жараённинг интенсив – жадал кўрсаткичи.

## Қ

**ҚОН ҚУЙИЛИШИ** – шиллик пардалар ва ички аъзоларнинг ташқи сероз пардаларига, турли тўқималарга қон қуйилиши. Бу ҳол аксарият юқумли касалликлар – вирусемия ва бактеремия (куйдирги, ўлат ва ҳ.к.)да вужудга келади.

**ҚОНЛИ ГЎШТ – ПЕПТОН АГАРИ** – бактерияларнинг гемолиз (қон эритроцитларини эритиш) хусусиятини ўрганиш учун ишлатиладиган қаттиқ озуқа муҳити.

**ҚОННИ СТАБИЛЛАШ** (турғун сақлаш) (*лат. stabilis* – турғун) – ҳайвонлар сўйилганда ёки улардан атайлаб қон олганда бу қоннинг ивиб қолмаслиги учун унга махсус моддалар қўшиш. Бунинг учун кўпроқ 1 % ли гепарин, 10 % ли трилон Б, 3 % ли лимон кислотасининг натрийли тузи эритмаси ишлатилади.

**ҚУТУРИШ** (*лат. rabies, ei, f* – қутуриш) – қутуриш касаллигига дучор бўлган ҳайвонлар тишлаганда, уларнинг сўлагидан

одам ва бошқа иссиқ қонли ҳайвонларга ўтадиган ҳамда марказий асаб системасини шикастлантирадиган ўткир кечувчи вирус касаллиги.

**ҚЎЗГАТУВЧИЛАР ИНОКУЛЯЦИЯСИ** – касаллик қўзгатувчиларини организмга инъекция (санчиш) йўли билан киритиш (сунъий юктириш ёки ҳашаротлар ёрдамида касаллик қўзгатувчиларнинг организмга кириши).

## Ҳ

**ҲИМОЯЛОВЧИ ЭМЛАШЛАР** – организмга вакциналар, иммун зардоблар ёки гаммаглобулинлар юбориб, сунъий иммунитет вужудга келтириш орқали одам ва ҳайвонларни юқумли касалликлардан ҳимоялаш усули.

**ҲУЖАЙРА КУЛЬТУРАСИ** – ҳужайраларни сунъий шароитда ўстириш ва шундай шароитда кўпайтириб, етиштирилган, морфологик тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган ҳужайралар.

**ҲУЖАЙРА ОРГАНОИДЛАРИ** (лот. *organoida cellulae* – ҳужайра органоидлари) – ўзига хос тузилган ва маълум бир вазифани бажарадиган, ҳамма ҳужайраларда доимо бўладиган цитоплазманинг мукамаллашган қисмлари.

**ҲУЖАЙРАЛАРНИ СУНЪИЙ ШАРОИТДА ЎСТИРИШ УЧУН ОЗУҚА МУҲИТЛАР** – ҳужайраларни ўстиришда қўлланиладиган озуқа муҳитлар дистилланган сув ёки махсус тозаланган сувлар, анорганик тузлар; паст молекулали синтетик моддалар ва қон зардобидан ташкил топади. Ҳужайраларни ўстиришда қўлланиладиган айрим озуқа муҳитларнинг таркиби жуда мураккаб бўлади (60 дан ортиқ ҳар хил моддалардан иборат). Ҳужайраларни ўстиришда озуқа муҳитлардан, айниқса, Йгла муҳити, 199–муҳит, Лактоальбумин гидролизати кенг қўлланилади.

## **ҲАЙВОНЛАР ВА ПАРРАНДАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАСНИФИ**

Халқаро эпизоотик бюро (ХЭБ) нинг 1983 йилдаги 51–Бош сессияси ҳайвонларнинг юқумли касалликлари таснифига қарийб 20 йилдан сўнг ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. 1984 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Халқаро эпизоотик бюронинг 52 – Бош сессияси 1964 йилдан буён қўлланиб келинаётган таснифга яна бироз ўзгартиришлар киритган эди. Қабул қилинган тасниф халқаро аҳамиятга эга бўлиб, Халқаро эпизоотик бюрога аъзо бўлган барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланади.

2004 йилдан бошлаб янги тасниф кучга кирди. Мазкур таснифга биноан чорвачиликка катта зиён келтирувчи барча юқумли касалликлар уч – **А, В ва С** гуруҳларга бўлинади (аввалги тасниф бўйича улар икки **А** ва **В** гуруҳларга бўлинар эди).

Бирор давлат ҳудудида бирорта экзотик ёки **А** гуруҳга мансуб касаллик учраса ва гумон қилинса, ушбу давлат ветеринария хизматининг бошлиғи 24 соат ичида Парижда жойлашган Халқаро эпизоотик бюрога зудлик билан хабар бериши шарт. Кейинчалик эса мазкур касаллик тўғрисида ҳар ойда бир марта хабар бериб турилади. Зарур бўлган ҳолларда касаллик қўзғатувчисининг манбаи, касалликнинг кечиш шакллари, нобуд бўлган ҳайвонлар ва ўчоқлар сони ҳамда касалликка қарши кураш чора – тадбирлари тўғрисида маълумот бериб боради.

Охирги ХЭБ томонидан қабул қилинган тасниф бўйича **А гуруҳга 17 та тез тарқалувчи, панзоотия ёки эпизоотия (дунёнинг бир ва бир неча давлатлари, қитъаларида тарқалувчи) ҳолида тарқалувчи касалликлар киритилган. А гуруҳига кирувчи касалликлар халқ хўжалигига беқиёс зиён келтирибгина қолмай (масалан: фақатгина Англия давлати 2001 йилдаги оқсил эпизоо-**

тиясига қарши ўтказилган тадбирлардан 12 миллиард америка доллари миқдорида зиён кўрган), балки инсон соғлигига ҳам хавф солади ҳамда ҳайвонлар ва улар маҳсулотларининг халқаро савдода иштирок этишига халақит беради. Шунинг учун А гуруҳга таалуқли касалликлар пайдо бўлган заҳоти ўша давлат 1968 йилда қабул қилинган Халқаро ветеринария кодексининг 1.2.02 ва 1.2.03 –моддалари асосида дарҳол ХЭБни хабардор қилади.

**А ГУРУҲИГА:** оқсил, везукуляр стоматит, қорамолларнинг ўлати, майда шохли ҳайвонларнинг ўлати, қорамолларнинг юкумли плевропневмонияси, юкумли тугунли дерматити, РИФТ водийси иситмаси, қўйларнинг катарал иситмаси, қўй ва эчкиларнинг чечаги, отларнинг ўлати, туяларнинг ўлати, чўчқаларнинг везукуляр экзантема касаллиги, Тешен касаллиги, Африка ва классик ўлатлари, паррандаларнинг юқори патогенли грипп, Ньюкасл (сохта ўлат) касалликлари киради.

**В ГУРУҲИГА** кирувчи касалликлар А гуруҳдаги сингари тез тарқалиш хусусиятига эга эмас. В гуруҳига ҳайвонларнинг турига қараб бўлинган 63 касаллик киради. Шу жумладан ҳайвонларнинг барча турларида учрайдиган 6, қорамолларнинг 9, қўй ва эчкиларнинг 10, отларнинг 14, чўчқаларнинг 3, паррандаларнинг 13, куёнларнинг 3 ва асалариларда учрайдиган 5 та юкумли бактериал, вирус ва инвазион касалликлар киради.

1. Ҳайвонларнинг барча турларида учрайдиган касалликлар: куйдирги, кутуриш, бруцеллёз, туберкулёз, лептоспироз (сарик касал), Ку–иситмаси.

2. Қорамолларнинг геморагик септицемия, юкумли ринотрахеит, энзоотик лейкоз, кампилобактериоз, хавфли катарал иситмаси, губкасимон (пўкаксимон) энцефалопатия, паратуберкулёз, трихомоноз, трипанозомоз касалликлари.

3. Қўй ва эчкиларнинг чечак, Найроби, юкумли агалактия, қўйларнинг энзоотик бола ташлаш (хламидиоз), салмонелёзли бола ташлаш, аденоматоз, скрепи, кўчқорларнинг эпидидимит, эчкиларнинг артрит – энцефалит (африка гастроэнтерити), плевропневмония касалликлари.

4. Отларнинг юқумли метрит, эпизоотик лимфангит, юқумли Ғарб ва Шарқ энцефаломиелити, юқумли анемия, грипп, ринопневмония, манқа, чечак, Венесуела энцефаломиелити, вирусли артерит, Япония энцефалити, кўтир, су – ауру, қочириш касалликлари.

5. Чўқаларнинг атрофик ринит, трансмиссив гастро – энтерит, энцефаломиелит касалликлари.

6. Паррандаларнинг юқумли бронхит, юқумли ларинготрахеит, юқумли бурсит (Гамбарро), Марек, туберкулёз, микоплазмоз, пастереллёз, салмонеллёз, тиф, хламидиоз, чечак, ўрдақларнинг вирусли гепатит, вирусли энтерит касалликлари.

7. Қуёнларнинг миксаматоз, туляремия, геморагик септицемия касалликлари.

8. Асалариларнинг акароз, Америка чириши, Оврупо чириши, нозематоз, варратоз касалликлари.

**В** гуруҳи касалликлари пайдо бўлса, у ҳақда давлатлар бир йилда бир марта ХЭБни хабардор этиб туради. Агар шу гуруҳдаги касаллик мамлакат ҳудудида биринчи марта пайдо бўлса ёки эпизоотия ҳолатида тарқалса, ушбу тартиб ўзгаради, у ҳолда дарҳол ХЭБни айнан шу касаллик тўғрисида хабардор қилишга тўғри келади.

**С** **ГУРУҲИГА** кирувчи касалликлар **В** гуруҳидаги касалликлардан ҳам секинроқ тарқалиш хусусиятига эга. **С** гуруҳига ҳайвон ва паррандаларда учрайдиган юқумли ва инвазион 28 касаллик, шу жумладан: листериоз, қорасон, ботулизм, энтеротоксемия, мелиоидоз, токсоплазмоз, актиномикоз, некробактериоз, контагиозли эктима, риккетсиозли кератоконъюнктивит, вирусли диарея, **В** гуруҳига кирмаган барча пастереллёзлар, **В** гуруҳига кирмаган барча клостридиозлар, казиозли лимфаденит, гиподерматоз, кокцидиоз, вибрионли дизентерия, қўйларнинг кўтир, отларнинг соқов, коитал экзантема ва салмонелёзли бола ташлаш, чўқаларнинг сарамас, паррандаларнинг юқумли тумов, лейкоз, энзоотик энцефалит, спирохетоз ва **В** гуруҳига кирган *S. Pullorum*, *S. Gallinarum* дан ташқари салмонеллёз касалликлари қиради

**ҲАЙВОНЛАР ВА ПАРРАНДАЛАР ЮҚУМЛИ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА – РУСЧА  
ВА ХАЛҚАРО НОМЛАРИ**

**БИР ҚАНЧА ТУР ҲАЙВОНЛАР УЧУН УМУМИЙ  
БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАР**

1. Актиномикоз – актиномиқоз – Actinomycosis (лот.)
2. Қутуриш – бешенство – Rabies (лот.)
3. Ауески касаллиги – болезнь Ауески – Morbus Aujeszkyi (лот.)
4. Ботулизм – ботулизм – Botulismus (лот.)
5. Бруцеллёз – бруцеллёз – Brucellosis (лот.)
6. Везикулали стоматит – везикулярный стоматит – Stomatitis vesicularis (лот.)
7. Дерматофилёз – дерматофилёз – Dermatophilosis (лот.)
8. Диплококкоз – диплококкоз – Diplococcosis vitulorum (лот.)
9. Хавфли шиш – злокачественный отек – Oedema malignum (лот.)
10. Колибактериоз – колибактериоз – Colibacteriosis vitulorum (лот.)
11. Ку–иситмаси – ку–лихорадка – Q-febris (лот.) Q-fever
12. Лейкоз – лейкоз – Leucosis (лот.)
13. Лептоспироз (саргайма) – лептоспироз – Leptospirosis (лот.)
14. Листерииоз – листериоз – Listeriosis (лот.)
15. Рифт водийси безгаги, энзоотик гепатит – энзоотический гепатит, лихорадка долиин Рифт – Febris vallis Rift (лот.)
16. Некробактериоз – некробактериоз – Necrobacteriosis (лот.)
17. Чечак – оспа – Variola vaccina (лот.)
18. Пастереллёз – пастереллез – Pasteurellosis (лот.)
19. Псевдотуберкулёз – псевдотуберкулез – Pseudotuberculosis (лот.)

20. Сальмонеллёз – сальмонеллез – Salmonellosis (лот.)
21. Куйдирги – сибирская язва – Anthrax (лот.)
22. Қотма, қоқ шол – столбняк – Tetanus (лот.)
23. Темиратки – трихофития – Trichophytia (лот.)
24. Туберкулёз (сил) – туберкулез – Tuberculosis (лот.)
25. Туляремия – туляремия – Tularaemia (лот.)
26. Оксил – яшур – Arphthae epizooticae (лот.)
27. Стахиботритоксикоз – стахиботритоксикоз – Stachybotryotoxicosis(лот.)
28. Хламидиоз – хламидиоз – Chlamydiosis (лот.)

### **ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Бузокларнинг аденовирусли бронхопневмонияси – аденовирусная бронхопневмония телят – Bronchopneumonia adenoviralis vitulorum (лот.)
2. Бартонелёз – бартонеллез – Bartonellosis (лот.)
3. Қорамолларнинг бацилляр гемоглибинурияси – бациллярная гемоглибинурия крупного рогатого скота – Haemoglobinuria bacillaris (лот.)
4. Акабане касаллиги – болезнь Акабане – Morbus Akabane (лот.)
5. Вибриоз – вибриоз – Vibriosis (лот.)
6. Қорамолларнинг вирусли диареяси – вирусная диарея крупного рогатого скота – Diarrhoea viralis bovum (лот.)
7. Гидроперикардит – гидроперикардит – Hydropericarditis (лот.)
8. Гистоплазмоз – гистоплазмоз – Histoplasmosis (лот.)
9. Нафас йўли синцитиал вирусига алоқадор юқумли йўтал – заразный кашель, вызванный респираторно–синцитиальным вирусом – Respiratory syncytial virus disease (инг.)
10. Хавфли катарал иситма – злокачественная катаральная горячка – Coryza gangraenosa bovum (лот.)
11. Қорамолларнинг юқумли вагинити – инфекционный вагинит крупного рогатого скота – Vaginitis infectiosa bovum (лот.)

12. Юкумли ринотрахеит – инфекционный ринотрахеит – *Rhinotracheitis infectiosa bovim* (лот.)
13. Юкумли эпидидимит ва цервикавагинит – эпизоотологик пуштсизлик – инфекционный эпидидимит и цервикавагинит – эпизоотическое бесплодие – *Epididymitis et cervicovaginitis infectiosa bovim* (лот.)
14. Кандидамикоз – кандидамикоз – *Candidamycosis* (лот.)
15. Кератоконъюнктивит – кератоконъюнктивит – *Keratoconjunctivitis* (лот.)
16. Клавицепстоксикоз – клавицепстоксикоз – *Clavicepsstoxycosis* (лот.)
17. Кокцидиодомикоз – кокцидиодомикоз – *Coccidiomycosis* (лот.)
18. Қорамолларнинг контагиозли плевропневмонияси – контагиозная плевропневмония крупного рогатого скота – *Pluropneumonia contagiosa bovim* (лот.)
19. Криптококкоз – криптококкоз – *Cryptococcosis* (лот.)
20. Замбуруғли аборт – микотический аборт – *Abortus mycoticus* (лот.)
21. Қорамолларнинг модуляр дерматити – модулярный дерматит крупного рогатого скота – *Dermatitis modularis bovim* (лот.)
22. Нокардиоз – нокардиоз – *Nocardiosis* (лот.)
23. Папилломатоз – папилломатоз – *Papillomatosis* (лот.)
24. Папулэзли стоматит – папулезный стоматит – *Bovine pustular stomatitis* (инг.)
25. Қорамолларнинг парагриппи – парагрипп крупного рогатого скота – *Paragrippus bovim* (лот.)
26. Паратуберкулёз – паратуберкулез – *Paratuberculosis, Enteritis paratuberculosa* (лот.)
27. Парвовирус касаллиги – парвовирусная болезнь – *Bovine parvovirus disease* (инг.)
28. Пиобактериоз – пиобактериоз – *Pyobacteriosis* (лот.)
29. Псевдомоноз – псевдомоноз – *Pseudomonosis* (лот.)

30. Реовирус касаллиги – реовирусная болезнь – Bovine reovirus disease (инг.)

31. Риккетсияли кератоконъюнктивит – риккетсиозный кератоконъюнктивит – Keratokonjunctivitis rickettsiosa (лот.)

32. Ротовирус касаллиги – ротавирусная болезнь – Bovine rotavirus disease (инг.)

33. Қорамолларнинг ўлати – чума крупного рогатого скота – Pestis bovina (лот.)

34. Қорасон – эмфизематозный карбункул – Emphysema gangraenosum Gangraena emphysematosa (лот.)

35. Эфемер безгаги– эфемерная лихорадка – Febris ephemeris (лот.)

36. Бузоқларнинг коронавирусли диареяси – диарея неонатальных телят коронавирусной природы – Neonatal calf diarrhoea coronaviruses (лот.)

37. Фузариотоксикоз – фузариотоксикоз – Fusariotoxicosis (лот.)

38. Ярали герпетик маммит – язвенный герпетический маммит – Bovine ulcerative mammillitis (инг.)

## **ҚЎЙ ВА ЭЧКИЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Ўпка аденоматози – аденоматоз легких – Adenomatosis (лот.)

2. Қўзиларнинг анаэроб дизентерияси – анаэробная дизентерия ягнят – Dysentery anaerobica agnorum (лот.)

3. Вессельсброн касаллиги – болезнь Вессельсброна – Morbus Wesselsbron (лот.)

4. Қўй ва эчкиларнинг Найроби касаллиги – болезнь Найроби овец и коз – Morbus Nairobi ovium et caprarum (лот.)

5. Брадзот — брадзот – Bradsot (датск.).

6. Вибриоз – вибриоз – Vibriosis (лот.)

7. Қуйларнинг вирусли аборти – вирусный аборт овец – Abortus viralis ovium (лот.)

8. Висна–маеди касаллиги – висна–маеди – Visna–maedi (инг.)

9. Гидроперикардит – гидроперикардит – *Hydropericarditis* (лот.)
10. Юкумли агалактия – инфекционная агалактия – *Agalactia-contagiosa* (лот.)
11. Юкумли мастит – инфекционный мастит – *Mastitis infectiosa*(лот.)
- 12.Кўйларнинг юкумли катарал иситмаси (кўк тил) – инфекционная катаральная лихорадка овец (синий язык) – *Febris infectiosa catarrhalis ovium* (лот.)
13. Кўйларнинг юкумли некротик гепатити – инфекционный некротический гепатит овец – *Hepatitis infectiosa necrotica ovium*
14. Юкумли энтеротоксемия – инфекционная энтеротоксемия – *Enterotoxaemia infectiosa* (лот.)
15. Кўчкорларнинг юкумли эпидидимити – инфекционный эпидидимит баранов – *Epididymitis infectiosa arietum* (лот.)
16. Колибактериоз – колибактериоз – *Colibacteriosis* (лот.)
17. Эчки ва кўйларнинг контагиозли плевропневмонияси контагиозная плевропневмония коз и овец – *Pleuror pneumonia contagiosa caprarum et ovium* (лот.)
18. Кўй ва эчкиларнинг «контагиозли эктимаси – контагиозная эктима овец и коз – *Ecthyma contagiosa caprarum et ovium*, (лот.)
19. Туёк чириши – копытная гниль – *Paranychia contagiosa* (лот.)
20. Замбуруғли аборт – микотический аборт – *Abortus mycoticus* .(лот.)
21. Кўйларнинг нокардиози – нокардиоз овец – *Nocardiosis* (лот.)
22. Паратуберкулёз – паратуберкулёз– *Paratuberculosis* (лот.)
23. Чегара касаллиги – пограничная болезнь – *Border disease* (инг.)
24. Реовирус касаллиги – реовирусная болезнь – *Ovine reovirus disease* (инг.)
25. Скрепи– скрепи – *Chesmus ovium* (лот.)
26. Майда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ўлати – чума мелких жвачных – *Pest of mall ruminants* (инг.)

27. Қўйларнинг шотланд энцефаломиелити – шотландский энцефаломиелит овец – *Encephalomyelitis enzootica ovium* (лот.)

### ЧҶҶҚАЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

1. Анаэроб энтеротоксемия – анаэробная энтеротоксемия – *Enterotoxaemia anaerobica* (лот.)

2. Аспергиллотоксикоз – аспергиллотоксикоз – *Aspergillotoxicosis* (лот.)

3. Африка ўлати – африканская чума – *Pestis africana suum* (лот.)

4. Везикулали стоматит касаллиги – везикулярная болезнь – *Stomatitis vesicularis* (лот.)

5. Везикулали экзантема – везикулярная экзантема – *Exanthema vesicularis* (лот.)

6. Вирусли гастроэнтерит – вирусный гастроэнтерит – *Gastroenteritis viralis* (лот.)

7. Гидроперикардит – гидроперикардит – *Hydropericarditis* (лот.)

8. Грипп – грипп (инфлюэнца) – *Grippus (influenza)* (лот.)

9. Чўчқалар дизентерияси (ич кетиши) – дизентерия свиней – *Dysenteria bacterialis suum* (лот.)

10. Юқумли мастит – инфекционный мастит – *Mastitides infectiosae* (лот.)

11. Юқумли атрофик ринит – инфекционный атрофический ринит – *Rhinitis infectiosa atrophica* (лот.)

12. Кандидамикоз – кандидамикоз – *Candidamycosis* (лот.)

13. Замбуруғли бола ташлаш – микотический аборт – *Abortus mycoticus* (лот.)

14. Микроспория – микроспория – *Microsporia* (лот.)

15. Чўчқа боласининг шиш касаллиги – отежная болезнь поросят – *Morbus oedematosus porcicellorum* (лот.)

16. Чўчқаларнинг Сендай вируси қўзғатган парагриппи – парагрипп свиней, вызванный вирусом Сендай – *Parainfluenza virus disease type* (лот.)

17. Парвовирус касаллиги – парвовирусная болезнь – Porcine parvovirus disease (инг.)
18. Пиобактериоз – пиобактериоз – Pyobacteriosis (лот.)
19. Сарамас – рожа – Erysipelus suis (лот.)
20. Ротавирус касаллиги – ротавирусная болезнь – Swine rotavirus disease (инг.)
21. Стрептококкоз – стрептококкоз – Streptococcosis (лот.)
22. Фузариотоксикоз – фузариотоксикоз – Fusariotoxicosis (лот.)
23. Ўлат – чума – Pestis (лот.)
24. Энзоотик вирусли пневмония – энзоотическая вирусная пневмония – Pneumonia enzootica viralis (лот.)
25. Энзоотик энцефаломиелит – энзоотический энцефаломиелит – Encephalomyelitis enzootica (лот.)
26. Чўчка боласининг коронавирусли энцефаломиелити, чўчка боласининг кушиш касаллиги – энцефаломиелит свиней коронавирусной природы, рвотная болезнь поросят – Encephalomyelitis virus disease of swine (лот.)
27. Япон энцефалити – японский энцефалит – Encephalitis japonica (лот.)

## **ОТЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Отларнинг африка ўлати – африканская чума лошадей – Pestis africana equorum (лот.)
2. Гета касаллиги – болезнь Гета – Getah disease (инг.)
3. Борна касаллиги – борнасская болезнь – Borna disease (инг.)
4. Ботриомикоз – ботриомикоз – Botryomycosis (лот.)
5. Венесуэла энцефаломиелити – Венесуэльский энцефаломиелит – Venezuelan equine encephalomyelitis (инг.)
6. Отларнинг вирусли артрити – вирусный артрит лошадей – Arteritis viralis equorum (лот.)
7. Шарқ энцефаломиелити – восточный энцефаломиелит – Eastern equine encephalomyelitis (лот.)

8. Грипп – грипп – Grippus (лот.)
9. Дерматофилёз – дерматофилез – Dermatophilosis (лот.)
10. Отларнинг юкумли анемияси – инфекционная анемия лошадей – Anaemia infectiosa equorum (лот.)
11. Юкумли метрит – инфекционный метрит – Metritis contagiosa equorum (лот.)
12. Юкумли энцефаломиелит – инфекционный энцефаломиелит – Meningo-encephalomyelitis enzootica (лот.)
13. Контагиозли плевропневмония – контагиозная плевропневмония – Pleuropneumonia contagiosa equorum (лот.)
14. Контагиозли дерматомикоз – контагиозный дерматомикоз – Dermatormycosis contagiosa (лот.)
15. Мелиоидоз – мелиоидоз – Melioidosis (лот.)
16. Микроспория – микроспория – Microsporia (лот.)
17. Соқов – мыгт – Adenitis equorum (лот.)
18. Папилломатоз – папилломатоз – Papillomatosis (лот.)
19. Реовирус касаллиги – реовирусная болезнь – Equine reovirus disease (лот.)
20. Ринопневмония – ринопневмония – Rinor pneumonia equorum (лот.)
21. Манқа – сап – Malleus (лот.)
22. Фузариотоксикоз – фузариотоксикоз – Fusariotoxicosis (лот.)
23. Муррей водийси энцефалити – энцефалит долиньг Муррей – Murray valley encephalitis (инг.)
24. Эпизоотик лимфангоит – эпизоотический лимфангоит – Epizootic lymphangitis (инг.)
25. Япон энцефалити – японский энцефалит – Encephalitis japonica (лот.)

### **ТУЯЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Паратуберкулёз – паратуберкулез – Paratuberculosis (лот.)
2. Юкумли энтеротоксемия – инфекционная энтеротоксемия – Enterotoxaemia infectiosa (лот.)

3. Манқа – сап – *Malleus* (лот.)
4. Ўлат – чума – *Pestis* (лот.)

### **ПАРРАНДАЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Анаэроб энтеротоксемия – анаэробная энтеротоксемия – *Enterotoxaemia anaerobica* (лот.)
2. Аспергиллёз – аспергиллез – *Aspergillosis* (лот.)
3. Аспергиллотоксикоз – аспергиллотоксикоз – *Aspergillotoxicosis* (лот.)
4. Вибрионли гепатит – вибрионный гепатит – *Hepatitis vibriosa* (лот.)
5. Ўрдақларнинг вирусли гепатити – вирусный гепатит утят – *Hepatitis viralis anaticularum* (лот.)
6. Ғозларнинг вирусли энтерити – вирусный энтерит гусят – *Enteritis viralis anserculorum* (лот.)
7. Куркаларнинг геморрагик энтерити ёки мармари талоқ касаллиги – геморрагический энтерит индеек или мраморная болезнь селезенки – *Enteritis haemorrhagica meleagridum* (лот.)
8. Куркаларнинг герпесвирусли касаллиги – герпесвирусная болезнь индеек – *Herpes virus disease of turkeys* (инг.)
9. Паррандалар гриппи – грипп птиц – *Grippus avium* (лот.)
10. Юқумли бронхит – инфекционный бронхит – *Bronchitis infectiosa* (лот.)
11. Юқумли бурсит, Гамборо касаллиги – инфекционный бурсит, болезнь Гамборо – *Bursitis infectiosa galli* (лот.) *Gumboro disease* (инг.)
12. Юқумли ларинготрахеит – инфекционный ларинготрахеит – *Laryngotracheitis infectiosa* (лот.)
13. Юқумли микоплазмоз – инфекционный микоплазмоз – *Mycoplasmosis infectiosa* (лот.)
14. Юқумли нефроз – инфекционный нефроз – *Nephrosis infectiosa* (лот.)

15. Юкумли ринит – инфекционный ринит – Rhinitis infectiosa (лот.)
16. Куркаларнинг юкумли синусити – инфекционный синусит индеек – Sinusitis infectiosa meleagridum (лот.)
17. Ўрдакларнинг юкумли синусити – инфекционный синусит утят – Sinusitis infectiosa anaticularum (лот.)
18. Юкумли энцефаломиелит – инфекционный энцефаломиелит – Encephalomyelitis infectiosa (лот.)
19. Ғоз ва ўрдакларнинг инфлюэнцаси – инфлюэнца гусей и уток – Influenza ansercuerpum et anaticueogum (лот.)
20. Кандидамикоз – кандидамикоз – Candidamycosis (лот.)
21. Колигрануломатоз – колигрануломатоз – Cougranulomatosis (лот.)
22. Колисептицемия – колисептицемия – Colisepiticaemia (лот.)
23. Куркаларнинг коронавирусли энтерити ёки «кўк тожи» – коронавирусный энтерит, «синий гребень» индеек – Enteritis coronaviralis ncleagriduni (лот.)
24. Менингоэнцефалит – менингоэнцефалит – Meningoencephalitis (лот.)
25. Нейролимфоматоз, Марек касаллиги – нейролимфоматоз, болезнь Марекка – Neurolymphomatosis (лот.)
26. Орнитоз – орнитоз – Ornithosis (лот.)
27. Чечак – оспа – Variola avium (лот.)
28. Товуқлар кўтири – парша кур – Eavus galli (лот.)
29. Ньюкасл касаллиги, сохта чума – псевдочума, болезнь Ньюкасла – Pseudopestis (лот.)
30. Пуллороз – пуллороз – Pullorosis (лот.)
31. Сарамас септицемияси – рожистая септицемия – Septicaemia erysipelatosa (лот.)
32. Паррандалар спирохетози – спирохетоз птиц – Spirohaetosis avium (лот.)
33. Стафилококкоз – стафилококкоз – Staphylococcosis (лот.)
34. Стрептококкоз – стрептококкоз – Streptococcosis (лот.)

35. Товуқ ва қурқалар терламаси – тиф кур и индеек – *Typhus gallinarum et meleagridum* (лот.)
36. Паррандалар ўлати – чума птиц – *Pestis avium* (лот.)
37. Сан–Луи энцефалити – энцефалит Сан–Луи – *Saint Louis encephalitis* (лот.)

## ҚУЁНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ

1. Бластомикоз – бластомикоз – *Blastomycosis* (лот.)
2. Тиззер касаллиги – болезнь Тиззера – *Tyzzers disease* (инг.)
3. Дифтероид энтерит – дифтероидный энтерит – *Enteritis diphtheroides* (лот.)
4. Юқумли пневмония – инфекционная пневмония – *Pneumonia infectiosa* (лот.)
5. Юқумли кератоконъюнктивит – инфекционный кератоконъюнктивит – *Keratoconjunctivitis infectiosa* (лот.)
6. Юқумли папиломатоз – инфекционный папиломатоз – *Papillomatosis* (лот.)
7. Юқумли ринит – инфекционный ринит – *Rhinitis contagiosa* (лот.)
8. Юқумли стоматит – инфекционный стоматит – *Stomatitis infectiosa* (лот.)
9. Юқумли фиброматоз – инфекционный фиброматоз – *Fibromatosis infectiosa* (лот.)
10. Кокцидиодомикоз – кокцидиодомикоз – *Coccidiodymiosis* (лот.)
11. Колибациллёз – колибациллез – *Colibacillosis* (лот.)
12. Криптококкоз – криптококкоз – *Cryptococcosis* (лот.)
13. Мелиоидоз – мелиоидоз – *Melioidosis* (лот.)
14. Миксоматоз – миксоматоз – *Myxomatosis* (лот.)
15. Некробактериоз – некробактериоз – *Necrobacteriosis* (лот.)
16. Кутир – парша – *Favus* (лот.)
17. Спирохетоз – спирохетоз – *Spirochaetosis* (лот.)

18. Стафилококкоз – стафилококкоз – Staphylococcosis (лот.)
19. Стрептококкоз – стрептококкоз – Streptococcosis (лот.)
20. Энтеротоксемия – энтеротоксемия – Enterotoxaemia (лот.)

## **ИТЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Актиномикоз – актиномикоз – Actinomycosis (лот.)
2. Бластомикоз – бластомикоз – Blastomycosis (лот.)
3. Аденовирус касаллиги – болезнь, вызванная аденовирусом – Adenovirusdisease of dogs (лот.)
4. Тиззер касаллиги – болезнь Тиззера – Tyzzers disease (инг.)
5. Коронавирусли гастроэнтерит – гастроэнтерит коронавирусной природы – Corona virus infection of dogs (инг.)
6. Парвовирусли гастроэнтерит – гастроэнтерит парвовирусной природы – Parvo virus infection of dogs (инг.)
7. Герпесвирус касаллиги – герпесвирусная болезнь – Canine herpesvirus disease (инг.)
8. Гистоплазмоз – гистоплазмоз – Histoplasmosis (лот.)
9. Юкумли гепатит, Рубарт касаллиги – инфекционный гепатит, болезнь Рубарта – Hepatitis infectiosa canum (лот.)
10. Кокцидиодомикоз – кокцидиодомикоз – Coccidioidomycosis (лот.)
11. Контактли таносил саркома касаллиги – контагиозная венерическая саркома – Contagious venereal dog sarcoma (инг.)
12. Контагиозли ринотонзиллит – контагиозный ринотонзиллит – Contagious rhino-tonsillitis (инг.)
13. Криптококкоз – криптококкоз – Cryptococcosis (лот.)
14. Ларинготрахеит – ларинготрахеит – Laryngotracheitis (лот.)
15. Лимфоцитарли хориоменингит – лимфоцитарная хориоменингит – Lymphocytic choriomeningitis (инг.)
16. Мелиоидоз – мелиоидоз – Melioidosis (лот.)
17. Нокардиоз – нокардиоз – Nocardiosis (лот.)
18. Парагрипп-5 – парагрипп-5 – 5-Parainfluenza (инг.)
19. Риккетсиоз – риккетсиоз – Rickettsiosis canis (лот.)

20. Споротрихоз – споротрихоз – Sporotrichosis (лот.)
21. Итлар ўлати, Карре касаллиги, гўштхўр ҳайвонлар ўлати – чума собак, болезнь Карре, чума плотоядных – Febris catarrhalis infectiosa canum (лот.)
22. Энтеротоксемия – энтеротоксемия – Enterotoxaemia (лот.)

### **МУШУКЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Адиаспиромикоз – адиаспиромикоз – Adiaspiromycosis (инг.)
2. Тиззер касаллиги – болезнь Тиззера – Tyzzers disease (инг.)
3. Мушуклар гемобартонеллёзи, юкумли анемияси – гемобартонеллез кошек, инфекционная анемия – Feline infectious anemia, Feline infectious peritonitis (инг.)
4. Гистоплазмоз – гистоплазмоз – Histoplasmosis (лот.)
5. Коронавирусли юкумли перитонит – инфекционный перитонит коронавирусной природы – Feline infectious peritonitis
6. Юкумли ринотрахеит – инфекционный ринотрахеит – Feline viral rhinotracheitis (инг.)
7. Криптококкоз – криптококкоз – Cryptococcosis (лот.)
8. Микоплазмоз – микоплазмоз – Mycoplasmosis (лот.)
9. Нокардиоз – нокардиоз – Nocardiosis (лот.)
10. Юкумли энтерит – инфекционный энтерит – Enteritis infectiosa (лот.)
11. Септицемия – септицемия – Septikämie (нем.)
12. Споротрихоз – споротрихоз – Sporotrichosis (лот.)

### **МАЙМУНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ**

1. Актиномикоз – актиномикоз – Actinomycosis (лот.)
2. Бластомикоз – бластомикоз – Blastomycosis (лот.)
3. В-вирусли касаллик – болезнь, вызванная вирусом – В – Virus B infection
4. Герпес симплекс вирусли касаллик – болезнь, вызванная вирусом Herpes simplex – Herpes simplex virus disease of monkey (инг.)

- 5 Тиззер касаллиги – болезнь Тиззера – Tyzzer's disease
- 6 Кокцидиодомикоз – кокцидиодомикоз – Coccidioidomycosis
7. Қизамиқ– корь – Morbilli (лот.)
8. Рифта водий иситмаси –лихорадка долины Рифта – Febris vajiis Rift (лот.)
9. Марбург истимаси – лихорадка Марбург – Febris vallis Rift (лот.)
10. Чикунгуња иситмаси – лихорадка чикунгуња – Febris chikungunya (лот.)
11. Мелиоидоз – мелиоидоз – Melioidosis (лот.)
12. Нокардиоз – нокардиоз – Nocardiosis (лот.)
13. Парагрипп – парагрипп – Parainfluenza-5 virus disease of monkeys (инг.)
14. Паротит –паротит – Parotitis (лот.)
15. Полиомиелит – полиомиелит – Poliomyelitis (инг.)
16. Саркома – саркома – Sarcoma (лот.)
17. Споротрихоз – споротрихоз – Sporotrichosis (лот.)
18. Стафилококкоз – стафилококкоз – Staphylococcosis (лот.)
19. Стрептококкоз – стрептококкоз – Streptococcosis (лот.)
20. Энтеровирус касаллиги – энтеровирусная болезнь – Simian enterovirus disease (инг.)
21. Энцефаломиокардит – энцефаломиокардит – Encerhalomyocarditis (лот.)

## ЭПИЗООТОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Эпизоотологик текшириш усули эпизоотологик ҳолатни аниқлаш, текшириш ўтказиш, юқумли касалликлар олдини олиш ва уларни йўқотишда эпизоотолог ветеринария шифокорларига амалий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Бунинг учун юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва йўқотилиши қайд қилинган маълумотлардан фойдаланилади (носоғлом жойнинг ҳудудий–жугрофий жойлашуви, уларнинг сони, касалликнинг келиб чиқиши ва йўқотилиши давомида касалланган ва ўлган молларнинг сони). Барча маълумотлар ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган ветеринария ҳисоботи ҳақидаги расмий ҳужжатлардан олинади. Ушбу ҳужжатлардан ташқари шошилинч хабарлар алоҳида ҳодисалар тафсилоти ва юқумли касалликнинг намоён бўлиш ҳоллари, монографиялар, мақолалар, комиссияларнинг далолатномалари ва ҳисоботлари, лаборатория текширув натижалари ҳамда бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланилади. Зарур бўлган хўжалик–иқтисодий (моллар сони жойлашиши, хўжалик юритиш усуллари, алоқалари) ва жугрофий (жойнинг табиий–иқлим хусусияти) маълумотлар, қўлланмалар, бюллетенлар тегишли манбалардан олинади. Кўрсаткичларнинг бир қисми ҳудуд чегараларини кўздан кечириш, кузатиш, шунингдек эпизоотологик тажриба ёрдамида аниқланилади. Эпизоотологик текшириш натижаларини ҳисобга олишни енгиллаштириш учун махсус эпизоотологик карточкадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Эпизоотологик текшириш** – тарихий–таққослаш, жугрофий таққослаш, эпизоотологик текшириш ва тажриба усулларини ўз ичига олади. Зарур бўлган ҳолларда текширишнинг маълум даврида маълумотлар математик усуллар билан шарҳланади.

## **ТАРИХИЙ – ТАҚҚОСЛАШ БАЁНИ**

Ҳар бир юқумли касалликни ўрганишга киришганда аниқ бир ҳолатда, текширувчи, энг аввало, қуйидагиларни аниқлайди: олдинлари шундай ёки шунга ўхшаш касаллик бўлганми? У қандай намоён бўлган?

Касаллик мавжудлиги ҳақида олинган дастлабки маълумотлар махсус жадвалда гуруҳланади, унда носоғлом пунктлар ва ҳудудлар бўйича йиллар кўрсатилади.

Тарихий–таққослаш баёни ёрдамида (математик усулларни қўллаш йўли билан) эпизоотияларнинг даврийлиги ва уларнинг ижтимоий ўзгаришлар ва табиий офатлар билан, эпизоотик жараённинг чорвачиликни юритиш хусусияти билан боғлиқлиги аниқланади. Бу баён жадвал, диаграмма, чизма, графиклар кўринишида умумлаштирилиб, унга махсус тушунтириш хати илова қилинади.

## **ЖУҒРОФИЙ ТАҚҚОСЛАШ БАЁНИ**

Бу усул ёрдамида аниқ табиий иқлим ва маълум хўжалик–иқтисодий хусусиятга—эга бўлган ҳудудда ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалишининг ўзига хос қонуниятлари аниқланади. Жуғрофий карталар – жуғрофий текширишларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. У ёки бу ҳолат картада ўзаро фарқланадиган бўёқ ёки чизик билан белгиланади. Сонлар билан белги қўйилган карталар картограмма дейилади. Картада график ва диаграммалар акс эттирилса, картодиаграмма ҳосил бўлади, касалликлар билан боғлиқ бўлган ҳудудлар чегараси белгиланган карталар нозожуғрофий карталар дейилади.

Касалликлар тарқалиш чегараларининг ўзгариб бориши турли табиий омиллар (тупроқ хусусияти, ҳарорат, ёгингарчилик, кемирувчиларнинг тарқалуви ва бошқалар) ва иқтисодий кўрсаткичлар (поданинг жойлашуви, ҳайвон ва маҳсулот ташиш

йўллари ва бошқалар) билан биргаликда таққосланади. Бунда табиий, хўжалик-иқтисодий омилларнинг у ёки бу эпизоотик ҳолат билан боғлиқлиги аниқланади. Буни исботлаш учун математик усулдан фойдаланилади. Жуғрофий таққослаш баёни асосида карталар, картограммалар, картодиаграммалар, жадваллар тузилади.

## ЭПИЗОТОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Эпизоотологик текшириш бевосита носоғлом жойда, хўжаликда, туманда, вилоятда олиб борилади. Эпизоотологик текшириш жараёнида мавжуд ҳолат аниқланади, эпизоотик ўчоқ ва олинган маълумотлар баҳоланади, шунингдек керакли тавсиялар ишлаб чиқилади. Носоғлом жойда, хўжалик, туман ва вилоятда эпизоотологик текширишнинг кенгайтирилган режасига асосан иш олиб борилади.

Ёппасига текшириш натижаларини мукамаллаштириш ва стандартлаштириш мақсадида эпизоотологик маълумотларни эпизоотологик текшириш карточкаларига киритиш мумкин. Карточкаларни йиртиб олинадиган талонли қилиш ва бу талонларни машинада умумлаштиришга мослаш лозим.

Эпизоотик ҳолатни аниқлаш мобайнида касаллик кўзгатувчисининг манбаи, унинг тарқалиши, юқиш механизми, эпизоотик ўчоқлар ва хавfli чегара, молларнинг касалликка мойиллик даражаси, касалликнинг юқиш хавfliлари ўрганилади.

Эпизоотик ҳолат ҳужжатларни ўрганиш, сўраш ва махсус усуллар (вирусологик, бактериологик, серологик, аллергик ва бошқа усуллар) ёрдамида аниқланади. Вилоят ветеринария бошқармаси бўлимида, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари касалликларига қарши кураш туман ветеринария бўлимида ва ниҳоят, айнан хўжаликнинг ўзида эпизоотик ҳолатни кўрсатувчи ҳужжатлар ўрганилади. Касал молларни қайд қилиш дафтарлари, эпизоотияга қарши тадбирлар ва эпизоотик ҳолат баён қилинган ёзувлар

кўздан кечирилади. Шу билан бирга ветеринария ҳисоботлари, эпизоотик ҳолат билан боғлиқ бўлган ёзма маълумотлар текширилади. Фермалар, гўшт комбинати, кушхона, ветеринария ташкилотларининг жойлари ва унга чегарадош ҳудудларнинг эпизоотик картаси тузилади.

Эпизоотологик текширишда ва ҳужжатлар билан танишилганда туғилган саволлар, сўраб суриштириш, суҳбат ўтказиш, савол–жавоб ўтказиш йўли билан аниқлаб олинади. Бунда касалликнинг биринчи юзага келган вақти, молларнинг касалланган жойи (касалликнинг яширин даврини ҳисобга олган ҳолда) аниқланади.

Эпизоотик ўчоқни кузатиш даврида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги қайд қилиб борилади.

Эпизоотик ўчоқни текшириш ишлари юзага келган юқумли касалликнинг хусусиятларини ҳисобга олишга йўналтирилган бўлади. Ҳаво томчилар орқали юқадиган касалликлар мавжуд бўлса, молларни зич ёки сийрак жойлашишига, молхоналарда ҳаво алмашинувига, ҳаво намлигига эътибор берилади. Алиментар йўл билан (оғиз орқали) юқадиган касалликларда озуқа тайёрлаш, ташиш, озиқлантириш усулларига, озуқанинг тайёрланган жойига, сув манбаларининг ҳолатига, трансмиссив (ҳашаротлар орқали тарқалувчи) касалликларда эса махсус ташувчилар (каналар, пашшалар ва бошқалар) борлигига эътибор берилади. Хулосада эпизоотологик текшириш жараёнида олинган маълумотлар умумлаштирилади ва баҳоланади, эпизоотияга қарши рационал ҳамда самарали тадбирлар тизими ишлаб чиқилади.

## **ЭПИЗОТОЛОГИК ТАЖРИБА**

Ҳар хил юқумли касалликларга хос бўлган эпизоотик жараённинг маълум хусусиятларини белгиловчи алоҳида белгилари лабораторияда кишлоқ хўжалиги ҳайвонларига қўйилган эпизоо-

тологик тажрибада ўрганилади. Айниқса, эпизоотик жараённинг у ёки бу хусусиятини бошқа усуллар ёрдамида аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда эпизоотологик тажриба ўтказиш жуда зарур.

Тажрибада касаллик қўзғатувчиси ва унинг манбаи, ҳайвонга юқиш жараёни текширилади, шунингдек эпизоотияга қарши тадбирларнинг самарадорлиги аниқланади.

## **ЛАБОРАТОРИЯ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ**

Лаборатория тажрибаларини ўтказиш даврида эпизоотик жараённинг алоҳида хусусиятлари текширилади. Шу мақсадда биологик моделлардан (лаборатория ҳайвонлари, товуқ эмбрионлари, тирик тўқима ва ҳужайралар) фойдаланилади. Лаборатория текширишларида тажрибадаги объектлар сони (эмбрионлар, озуқа муҳити, тўқима ва ҳужайра культураси солинган пробиркалар ва махсус шиша идишлар) тўрттадан кам бўлмаслиги шарт, бу натижаларни умумлаштириганда математик усулдан фойдаланишга имкон ярагани.

Тажрибанинг мақсади ва даврига қараб, ҳайвонлар гуруҳларга бўлинади. Ҳайвонларни танлаш (моделларнинг бир хиллик сулуғи асосан) амалга оширилади, бир қисми таққослаш учун ажратилади. Тажрибалар махсус жиҳозланган хоналарда ўтказилади, ветеринария–санитария хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб борилади.

Биологик тажрибалар махсус санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда зарур ускуналар билан жиҳозланган хоналарда ўтказилади.

## **ЭПИЗООТИК ТАҲЛИЛ**

Эпизоотологик текшириш мобайнида эпизоотик жараённинг умумий қонуниятлари ва аниқ шароитдаги хусусиятлари

ўрганилади, эпизоотиянинг олдини олиш ва унга қарши тадбирларнинг самарадорлиги баҳоланади, шунингдек, касалликнинг келиб чиқишини бартараф қилишга, зарарини камайтиришга ёки юқумли касалликни йўқотишга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Ушбу хусусиятларга касалликнинг тарқалиш даражаси, мавсумийлиги ва даврийлиги, эпизоотияларнинг ўзгарувчанлиги ва бошқа тафсилотлар киради.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаларини умумлаштириш эпизоотологик текширишнинг яқунловчи босқичидир. У юқумли касалликнинг олдини олиш ва уни йўқотиш борасида аниқ кўрсатмалар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш билан боғланган.

## **КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШINI ЎРГАНИШ**

Юқумли касалликнинг ареали аниқланади, маълум ҳудудда тарқалишининг сабаби ва йўли асосий аҳамиятга эга эканлиги белгиланади.

Картографик усул билан ҳудуддаги касаллик тури, тарқалиши (нозоареал) аниқланади. Ялпи нозоареалда касалликнинг умумий сабаблари ва тарқалиш йўллари, ҳудудий нозоареалда эса айрим ҳудудларга хос хусусиятлар кўзда тутилади. Бундай таҳлил қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида касаллик кўпроқ тарқалган ҳудудларни аниқлаш имконини беради. Бу ҳудудларда эпизоотиянинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Касалликка қарши курашнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқиш учун унинг асосий сабаблари, кўзгатувчининг тарқалиш йўллари ва омиллари аниқланилади.

Картографик усул ёрдамида носоғлом ҳудуд билан боғланган хавfli чегара ҳудуди белгиланади. Кейин иккала ҳудуд ҳам касалга чалинувчан молларнинг сақланиш зичлиги, касаллик манбалари сони; жойлашуви ва касаллик ташувчилар мавжудлигига қараб таърифланади.

Эпизоотик картада эпизоотиянинг йўналиши, молларнинг аралашуш даражаси ва йўли, маҳсулотларини ташиш усуллари кўрсатилади. Асосий эпизоотик картада кетма-кет ҳудудларнинг иқлимий ва табиий чегаралари, жойнинг рельефи ҳақида маълумотлар, фаунанинг хусусиятлари (турлари бўйича), ҳаво ҳарорати (ўртача йиллик ва ойлик), ёгингарчилик, намлик, қуёш радиацияси кўрсаткичи картограммалаш йўли билан кўрсатиб борилади.

Худудда касаллик тарқалишига имкон яратган омиллар таққосланади, хавфли ҳудуд билан фарқ қилганлари алоҳида ҳисобга олинади. Касаллик тарқалиши билан боғлиқ бўлган омиллар исботланса, улар касаллик тарқалишининг сабаблари деб ҳисобланади.

### **ЭНЗООТИКЛИКНИ ТЕКШИРИШ**

Маълум ҳудудда касаллик қатор йиллар мобайнида ўтказилган кузатув вақтининг ярмидан зиёдида учраган бўлса, бу касаллик ушбу ҳудуд учун энзоотик деб ҳисобланади. Масалан, хўжалиқда охириги беш йилнинг уч йили мобайнида қутуриш касаллиги кузатилган. Бу ҳудуд қутуриш касаллиги бўйича энзоотик ҳисобланади.

Энзоотиклик қайд қилингандан кейин унинг сабаблари, касалликнинг бундай ҳолатни юзага келтирувчи хусусиятлари аниқланади. Таққослаш йўли билан энзоотик ҳудудда касаллик билан боғлиқ омиллар аниқлаб олинади. Бу омиллар энзоотикликнинг сабаби деб қабул қилинади.

### **ДАВРИЙЛИКНИ ТЕКШИРИШ**

Эпизоотияларнинг даврийлиги касал моллар сони ҳақидаги камида ўн йиллик ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиб чиқиш йўли билан аниқланади.

Олинган маълумотлар хўжаликлар, туманлар, вилоятлар бўйича гуруҳланади. Гуруҳланган маълумотларга асосан эпизоотияларнинг сони ва касал моллар ҳисобининг йиллар бўйича эгри чизиги тузилади, шундан кейин касалликнинг такрорланиш даври аниқланади. Даврийлик аниқланган ҳудудлар гуруҳланади, унинг такрорланиши (даври) белгиланади.

У ёки бу омилларнинг эпизоотияларнинг даврига таъсир қилишини таққослаш усули билан даврийлик сабаблари аниқланади.

Эпизоотик даврийлик ҳақидаги маълумотлар турли омиллар билан таққосланади: табиий ҳудудлар чегаралари, яйлов, тупроқ таркиби, жойнинг рельефи, ҳудуднинг иқлим хусусиятлари, касаллик кўзгатувчилари манбаи ва улар ташувчиларининг кўрсаткичлари шулар жумласидандир. Масалан, қатор вилоятларда қутуриш касаллигининг 3-4 йил мобайнида кўпроқ учраши тулкилар сонининг кўпайиши билан боғлиқлиги кузатилган. Демак, тулкилар сонининг ортиши маълум ҳудудда эпизоотиянинг даврийлиги билан боғлиқ экан. Бундай сабабларни билиш касалликнинг олдини олиш тадбирлари юқори самарада ўтказилишини таъминлайди.

## **МАВСУМИЙЛИКНИ ТЕКШИРИШ**

Касалликнинг мавсумийлиги молларнинг йил мавсумлари бўйича касалланиш кўрсаткичи ёки носоғлом жойлар сонини таҳлил қилиш билан аниқланади. Касалланишнинг мавсумий динамикаси умумий йиллик кўрсаткичнинг ҳар бир ойига тўғри келган касаллик сонига қараб аниқланади. Бунда ҳисоб-китоб маълумотларидан фойдаланилади. Масалан, вилоятларнинг бирида йил мобайнида 10 минг бош қорамолдан 150 боши лептоспироз билан касалланди. Май ойида – 5 бош, июн ойида – 30 бош ва шу кабилар. Бунда йиллик умумий касалланишни 100 фоиз деб олинса, касалланиш май ойида 3,3 фоизни, июн ойида

20 фоизни ташкил қилади. Бир неча йиллар мобайнида касалланиш мавсумийлигини ўрганиш учун касалланган моллар сони ойига қараб қўчиб олинади, кейин ҳар бир ойда касалланган моллар сони ҳамма касалланган моллар сонига нисбатан фоиз ҳисобида ҳисобланади. У ёки бу касаллик билан касалланиш мавсумийлигини яққол кўрсатиш учун тақрорли диаграммалар тузилади. Бунинг учун айлана 12 бўлимга (ойлар) бўлинади, ҳар бир нуқта айлана маркази билан чизик орқали бирлаштирилади, натижада маълум сондаги секторлар йўналтирилган бўлақлар ҳосил бўлади. Ушбу йўл билан ҳосил қилинган секторларга маълум белгиланган масштабга асосан турли кўрсаткичлар белгиланади. Бундан кейин барча белгиланган нукталар тўғри чизик билан туташтирилади. Секторларга касалланиш миқдори қўйиб чиқилади ва қайси ойда қанча мол касаллангани диаграммада ўз аксини топади.

Мавсумийлик аниқлангандан кейин унинг сабаблари таҳлил қилинади. Бунинг учун турли ҳудудлар, хўжаликлар мавсумийлик мавжудлигига қараб гуруҳланади. Касаллик мавсумийлиги билан боғлиқ турли сабаблар таққослаш йўли билан аниқланади. Бир қатор омилларнинг (ёғингарчилик, ҳаво ҳарорати ва бошқалар) касалланиш билан боғлиқлиги ўрганилади. Хулосада ҳудуддаги касаллик мавсумийлигининг сабаблари аниқланади ва эпизоотияга қарши тадбирлар белгиланади.

## **ЭПИЗООТИЯ РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ**

Эпизоотия ривожланишини ўрганиш маълум ҳудудда эпизоотологик кўрсаткичларни ҳисобга олиш йўли билан олиб борилади. Бунинг учун юқумли касалликнинг тарқалиши (носوغлом жойлар, хўжаликлар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади. Эпизоотия тўлқинининг кўринишини аниқлашда график усул қўлланилади. Бунинг учун юқумли касалликнинг тарқалиши тўғрисида (носوغлом хўжалик,

ферма, ҳудудлар сони) ва вақт оралиғи бўйича эгри чизик тузилади (кунлар, ўн кунликлар, ойлар ва йиллар бўйича).

Эпизоотик тўлқин ва унинг айрим босқичларини: эпизоотиядан олдинги ҳолат ва эпизоотиянинг юқори нуқтага етиши, пасайиши, эпизоотиядан кейинги ва эпизоотиялар орасидаги даврларнинг давом этиш муддати ва хусусиятлари билиб олинади.

Ҳар бир давр таҳлил қилинади, эпизоотик жараённинг жадаллигига, касалликнинг кечиш шаклига ва намоён бўлишига, иммунитетга эътибор берилади. Эпизоотик жараённинг жадаллиги касалликнинг тарқалиш, молларнинг касалланиш ва ўлиш даражаси кўрсаткичларига қараб белгиланади. Касал моллар сони ҳақидаги маълумот кейинги ўлим кўрсаткичидан олинади.

Эпизоотиядан олдинги даврни текшириш учун касалликнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Эпизоотиянинг ривожланиш даврида касаллик кўзгатувчиси юқишини тезлаштирувчи шароитлар аниқланади. Юқори нуқтага етиш даврида касаллик кўзгатувчисининг юқиш йўллари, омиллари ва унинг вирулентлигига эътибор берилади. Ҳар бир даврни алоҳида таҳлил қилишдан мақсад аниқ шарт-шароитларнинг касаллик эпизоотиясига ва унинг динамикасига таъсирини аниқлашдир. Таҳлил элементлари бўлиб касалликнинг тарқалишига ва ҳайвонларнинг ўлишига даҳлдор барча омиллар хизмат қилади. Текширувчи эпизоотия тўлқинини юзага келтирувчи сабабларни аниқлайди ва касалликка қарши курашиш тадбирларини белгилайди.

## **КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЭПИЗООТИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Хўжалик, туман ва бошқа жойларда эпизоотияга қарши тадбирлар самарадорлигини баҳолашда уларнинг эпизоотик жараённинг жадаллигига ва эпизоотик ўчоқларнинг йўқолишига таъсири эътиборга олинади.

Тадбирлар самарадорлиги айнан бир вақтда эпизоотологик кўрсаткичларга ёки бартараф қилинган иқтисодий зарар қиймагига қараб баҳоланади. Айрим тадбирларнинг самарадорлиги эпизоотик занжирнинг қайси табақасига қаратилганига қараб, шунга мос эпизоотологик кўрсаткич билан баҳоланади. Дезинфекция тадбири касаллик юқишини бартараф қилишга қаратилган бўлиб, унинг самарадорлиги молларнинг касалланиш кўрсаткичига асосан баҳоланади. Махсус касал кўзгатувчига қарши муҳим чидамликни, юзага келтириш мақсадида ўтказилган эмлашнинг самарадорлиги касалланиш ва ўлиш кўрсаткичига қараб баҳоланади. Шунингдек, карантин самарадорлиги носоғлом жойлар сони (касаллик тарқалмаслигини таъминлаш) билан баҳоланади.

Эпизоотияга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий зарарни камайтириш ёки бартараф қилишга боғлиқ. Бартараф қилинган иқтисодий зарарни касалликнинг камайиши, кўшимча маҳсулот олиш ва сифатини ошириш имкони билан ҳисоблаш мумкин. Бундай ҳисоб-китоб ўтказишда махсус қўлланмалардан фойдаланилади.

## **ДИАГНОСТИКАГА ОИД БИОПРЕПАРАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА – РУСЧА НОМЛАРИ**

Паррандаларнинг юқумли бронхит касаллигини аниқловчи антиген ва иммун зардоблар комплекти – *набор антигенов и сывороток для диагностики инфекционного бронхита кур.*

Отларнинг грипп касаллигини аниқловчи антиген ва иммун қон зардоби комплекти – *набор антигенов и сывороток для диагностики гриппа лошадей.*

Қорамолларнинг юқумли ринотрахеит касаллигини аниқловчи антиген ва қон зардоби комплекти – *набор антигенов и сывороток для диагностики инфекционного ринотрахеита крупного рогатого скота.*

Қорамолларнинг парагрипп – 3 касаллигини аниқловчи диагностикаумлар комплекти – *набор диагностикумов парагриппа-3 крупного рогатого скота.*

Қорамолларнинг аденовирус касаллигини аниқловчи курилган диагностикаумлар комплекти – *набор сухих диагностикумов аденовирусной инфекции крупного рогатого скота.*

Қорамолларнинг вирусли диарея касаллигини аниқловчи диагностикаум комплекти – *набор диагностикумов вирусной диареи крупного рогатого скота.*

Қорамолларнинг респиратор-синтициал касаллигини аниқловчи компонентлар комплекти – *набор компонентов для диагностики респираторно-синтициальной инфекции крупного рогатого скота.*

Қорамолларнинг лейкоз касаллигини аниқловчи диагностикаумлар комплекти – *набор диагностикумов лейкоза крупного рогатого скота.*

Паррандаларнинг лейкоз касаллигини аниқловчи препарат ва лейкоз-саркома касаллиги вирусининг ГС – *антигенига қарши нурланувчи глобулин – препарат для диагностики лейкоза птиц и люминесцирующая антисыворотка (глобулин) к ГС-антивирусам лейкоза – саркомн птиц.*

Қутуриш касаллигини аниқловчи компонентлар комплекти – *набор компонентов для диагностики бешенства.*

Қутуриш касаллигига қарши флюоресенцияланувчи глобулин – *флюоресцирующий антирабический глобулин.*

Оқсил касаллигининг махсус вариантларининг антигенлари ва қон зардоблари – *антигены яшурные и сыворотки яшурные варианта-специфичные.*

Везикулали белгилар билан ўтадиган касалликлар вируслари-ни аниқловчи комплект – *набор диагностический для идентификации вирусов, вызывающих заболевания с везикулярным синдромом.*

Хламидиоз касаллигини аниқловчи компонентлар комплекти – *набор компонентов для диагностики хламидиозной инфекции.*

Чўққаларнинг везикулали касаллиги билан везикулали экзантема касаллигини бир-биридан фарқловчи диагностика комплекти – *набор для дифференциальной диагностики везикулярной болезни и везикулярной экзантемы свиней.*

Чўққаларнинг классик ўлат касаллигини аниқлаш комплекти – *набор для диагностики классической чумы свиней.*

Орнитоз касаллигини аниқловчи фаолсизлантирилган диагностика комплекти – *диагностикум орнитоза инактивированный.*

Паррандаларнинг Ньюкасл ва грипп касалликлари вирусларини фарқловчи комплект – *набор для идентификации вирусов болезни Ньюкасла и гриппа птиц.*

Паррандаларнинг грипп касаллигини аниқловчи антиген ва қон зардоби – *набор антигенов и сывороток для диагностики гриппа птиц.*

Отларнинг юқумли анемия касаллигини иммунодиффузия реакциясида аниқловчи антиген ва қон зардоби – *антиген и антисыворотка для диагностики инфекционной анемии лошадей в реакции диффузионной перепитации (РДП).*

Товуқларнинг Марек касаллигини БГАРда аниқловчи диагностика комплекти – *диагностический набор для диагностики болезни Марека кур в РНГА.*

Қорақўзаннинг алуёт касаллигини аниқловчи антиген ва қон зардоби комплекти – *набор антигенов и контрольных сывороток для серологической диагностики алуётской болезни норок.*

Агглютинация реакцияси учун вибриоз антигени ва махсус қон зардоби – *антиген вибриозный и сыворотки вибриозные моно-специфические агглютинирующие для реакции агглютинации.*

Люминесценцияланувчи вибриоз (кампилобактериоз) қон зардоби – *сыворотки кампилобактериозные (вибриозные) люминесцирующие.*

Моновалентли сальмонеллэз антигенлари ва монорецепторли агглютинация қилувчи сальмонеллэзга қарши О ва Н қон зардоб-

лари (ветеринария мақсади учун) – *антигены сальмонеллезные моновалентные и сыворотки сальмонеллезные (монорецепторные) O и H агглютинирующие адсорбированные (для ветеринарных целей).*

Сальмонеллёзга қарши флуоресценцияланувчи O–қон зардоби – *O–сыворотки флуоресцирующие сальмонеллезные.*

Агглютинация, комплементни бириктириш реакциялари (КБР), узок бириктириш – КУБР учун ягона бруцеллёз антигени ва КБР учун ижобий қон зардоби – *антиген бруцеллезный единый для РА, РСК и РДСК и сыворотка позитивная бруцеллезная для РСК.*

Комплементни бириктириш реакциясида аниқлаш учун манқа касаллиги антигени ва қон зардоби – *антиген сальной и сыворотка сальной для реакции связывания комплемента.*

Куйдирги касаллигининг стандарт антигени ва преципитат ҳосил қилувчи қон зардоби – *антиген сибиреязвенный бактериальный стандартный и сыворотка сибиреязвенная преципитирующая.*

Кўйларнинг бруцеллёз касаллигини аниқловчи махсус компонентлар комплекти – *набор специфических компонентов для диагностики бруцеллеза овец.*

Листерия касаллигини агглютинация реакцияси билан аниқлаш учун қуритилган антиген ва қон зардоблари комплекти – *набор сухих антигенов и сывороток для диагностики листериоза реакцией агглютинации.*

КБР учун УНИИЭВнинг листерия антигени ва қон зардоби – *антиген листериозный УНИИЭВ для РСК и сыворотка листериозная для РСК.*

Люминесценцияланувчи листерия қон зардоби – *сыворотка листериозная люминесцирующая.*

КБР учун паратуберкулёз антигени ва қон зардоби – *антиген паратуберкулезный и сыворотка паратуберкулезная для РСК.*

*Люминесценцияланувчи сарамас қон зардоби – сыворотка рожистая люминесцирующая.*

Перфрингенс микроблари қўзғатадиган ҳайвонлар касалликларини аниқлаш учун перфрингенс микробларининг А, С, Д, Е хиллари заҳарларига қарши диагностик қон зардоблари – *сыворотки диагностические антитоксические класса перфрингенс типов А, С, Д, Е для диагностики заболеваний животных, вызываемых микробами класса перфрингенс.*

Агглютинациловчи О–коли қон зардоби – *сыворотка О–коли (агглютинирующая).*

МВА – Гамма куйдирги бактериофаги – *бактериофаг сибирезвенный Гамма–МВА.*

ВИЭВ–К куйдирги бактериофаги – *бактериофаг сибирезвенный К–ВИЭВ.*

Листерияоз қўзғатувчисини аниқлаш учун лиофилиланган бактериофаг – *лиофилизированные бактериофаги для идентификации возбудителя листериоза.*

Сут билан қўйиладиган ҳалқали агглютинация реакцияси учун бруцелла антигени – *антиген бруцеллезный для кольцевой реакции (КР) с молоком.*

Роз бенгал синамаси учун бруцелла антигени – *антиген бруцеллезный для роз бенгал пробы(РБП).*

Паррандаларнинг пуллороз–терлама касаллигани шишадаги қон томчиси билан агглютинация реакциясида аниқловчи рангли антиген – *цветной антиген для диагностики пуллороза–тифа птиц реакцией агглютинации с каплей крови на стекле (ККРА).*

Паррандаларнинг пуллороз – терлама касаллигини қон томчи билан билвосита агглютинация реакциясида аниқловчи эритроцит антигени – *эритроцитарный антиген для диагностики пуллороза – тифа птиц по крову – капельной реакции непрямой геммагглютинации (ККРНГА).*

**Умуртқали хайвонлар, паррандалар ва инсонларда  
учрайдиган вирусларнинг таснифи ва номенклатураси**

Оқлаш ДНКли вируслар: <i>Adenoviridae</i> ( <i>sp. aden</i> – bes)	Уруғ-овлоди <i>Mastadenovirus</i> ( <i>sp. mastos</i> – кўчрак, эмчак уч)в	Турлари Одамларнинг 2-аденовирус	Энг ахамиятли вакиллари, нусхалари Одамларнинг 1-34, чуққаларнинг 1-4, кўяларнинг 1-5, отларнинг 1, итларнинг 1, эчки ва сиёққаларнинг 1, қарамолларнинг 10 турдаги аденовируслари
	<i>Adenovirus</i> ( <i>nom. n. sp.</i> , <i>BSF</i> – паррандалар)	Паррандаларнинг 1-аденовирус (CELO)	Паррандаларнинг 1-9 тур. куржанинг 2, гоэянинг 1, тустовуқанинг 1, ўрданинг 1 тур аденовируслари
<i>Herpesviridae</i> ( <i>sp. herpes</i> , <i>herpes</i> – судралувчи) кенжа овласи	-	-	
	<i>Alphaherpesvirinae</i> ( <i>alpha</i> – <i>sp.</i> имлонинг биринчи ҳарфи) Одамлар герпес вирусининг 1-гuruhи ( <i>Herpes simplex</i> – 1)	Одний герпес вирусининг 1 – ва 2-гuruhи	/
	<i>Variellaviruses</i> Чуққалар герпес вирусининг 1-гuruhи	Чуққаларнинг 1-герпес вирус	Қорамолларнинг юкмули ринотрахеити, мемелит, отларнинг ринопоицемония ва паррандаларнинг ларинготрахеит вируслари
	<i>Betaherpesvirinae</i> ( <i>beta</i> – <i>sp.</i> имлонинг иккинчи ҳарфи) Одамларнинг цитометало вирус гуруҳи Сичқонларнинг цитометало вирус гуруҳи	Одамларнинг 5-герпес вирус Сичқонларнинг 1-(бета) герпес вирус	Марек касалигининг вирус, куржанинг герпес вируси, қорамолнинг ҳалокатли катарал истима вируси, сиёққаларнинг ГВ, чуққаларнинг ГВ-2, чуққани, отни ГВ-2 ва сиёққаларнинг –2 цитометаловируслари

	<i>Gammaherpesvirinae (gama)</i> -эр. нмлонидг учинчи харфи) <i>Lymphocryptovirus</i>	Одамларнинг 4- (гамма) герпес вируси (Эпштейн- Барр) Вирус	
<i>Iridoviridae (эр. iris, irides - камалак</i>	<i>Iridovirus</i>		
	<i>Chloropodovirus (эр. Chloro- яшил, саргил)</i>	Чиванларнинг 3, 5, 7, 11, 15 ярьдеспент вируслари	
	<i>Ranavirus (лат. rana, ae, f - бака)</i> Чўчкаларнинг африка ўлати вируслари гуруҳи	Бақаларнинг 3-рава вирус Чўчкаларнинг африка ўлати вируси	
	Лимфоцитик касаллиги вируслари гуруҳи <i>Rhabdovirus</i>	Лимфоцитик касалиги вирус Куёларнинг (Шоул) павилома вируси, одамлар, қорамолларнинг павилома вирус	Одамларда бу турдаги вирусларнинг 9 хили, қорамолларда 5 хили учрайди. Ундан тапқари ит, эчки, от, каламуш ва қўшларда, ситгиларда павилома вируслари бор.
<i>Retroviridae</i> (вакула ҳосил келувчи вирус, павилома сўзидан олнган	<i>Polyomavirus</i>	Ситчқолларнинг полнома вирус	Маймуннинг вакула ҳосил келувчи вирус SV-40, одамларнинг, қорамол, қўшларнинг полнома вируслари
<i>Retroviridae</i> (лот. <i>Retro</i> , а ит - кичик)	<i>Retrovirus</i>	Шаровирус к-1 (каламшларнинг Клпкем вирус)	Қорақўзанинг алетт касалиги вирус, одам, ит, қорамолларнинг паровируслари, мушук, чўчкаларнинг паллейкемия вирус, голларнинг генетик вирус
	<i>Dendrovirus (лот. Dendere - тобелни, боғлиқлик)</i>	Аденосателлит вирусларнинг I тури	Қорамол, паррақла, итларнинг АСВ вирус, одамларнинг АСВ-2 вирус

	<i>Densovirus</i> (лот. <i>Densus</i> , а, ит- зич, куюк)	Денсовирус <i>Galleria mellonella</i> (гангакалотлелар)	Хашорлар вирус
<i>Roviviridae</i> (виг. rock- шил, яра)			
Ойлача Chor- doviriviridae	<i>Orthorovovirus</i> (гр. <i>Orthos-</i> түгүр)	Вакцина вирус	Сигир, маймун, күён, сичков, от ва бошка хайванларнинг чечак вируси
	<i>Pararovovirus</i> (гр. <i>Para-</i> якында)	Орф-вирус	Орф-вирус. Корамолларнинг стоматит, парвакцина авруслары
	<i>Avirrovirus</i> (лот. <i>Avis</i> , is, f- парравда)	Паррандаларнинг чечак вируси	Чумчук, канарейка, кабулар ва бошка кушларнинг чечак вируси
	<i>Capripovovirus</i> (лот. <i>Capra</i> , ae, f-эчки)	Куй ва эчкиларнинг чечак вируси	Эчкиларнинг чечак, хорамолларнинг дерматит авруслары
